

323  
753

ГУЛЬМИРА ТУЛЕНОВА

**МАҢАВИЙ ЕТУКЛИКДАН  
ИЖТИМОИЙ  
ФАОЛЛИК САРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛЬМИРА ТУЛЕНОВА**

***МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИКДАН  
ИЖТИМОИЙ  
ФАОЛЛИК САРИ***



**“Aloqachi”**

**Тошкент – 2008**

Туленова Г. Маънавий етуклиқдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: “Aloqachi”, 2008.-179 б.

Китобда ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, хукукий омиллари, ёш авлод маънавиятини тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни, миллий истиқбол мағкурасининг ёшлар тарбиясига тасъсири, уларни салбий мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, маънавий баркамол ёшларни табиялаш муаммолари, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, уни тартибга солувчи хукукий кафолатлар билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари, аспирант-тадқиқотчилар, ўқитувчилар, ёшлар масалалари билан қизикувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Тақризчи: фалсафа фанлари доктори, профессор Ж.Раматов

Муҳаррир: Г.Р.Каримова

ТАТУ Илмий-услубий кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган

“Aloqachi” нашриёти, 2008 й.

## КИРИШ

*Ватанимизнинг келажсаги, ҳалқимизнинг эртандиги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжасамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтиқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.*

*Ислом Каримов*

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи иктиносид, сиёsat, маънавият соҳасида ёшлар ролининг ўсиб бориши билан тавсифланади. Дарҳақиқат, демократик давлат фуқаролик жамиятини куриш, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий барқамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олганликларига ҳам бевосита боғлик. Ёшларнинг ижтимоийлашуви ва улғайиши, жамиядаги ўзининг муносиб ўринларини топиши, турли мафкуравий тажовузларга бардош беришлари, ниҳоят, жамият ижтимоий амалиётнинг фаол куч сифатида кириб бориши учун уларнинг маънавиятини юксалтириш, билим ва таффаккурини кенгайтириш, қобилият ва имкониятларини намойиш этиши учун муносиб шартшароитларни яратиш керак.

Ёшларнинг интеллектуал қобилиятлари ва имкониятларини юзага чиқариш муаммоси, уларни маънавий камол топтириш, меҳнат фаолиятида шахсий ва ижтимоий манфаатларни ўйгунилаштириш, Ватан тараққиёти эҳтиёжларини англаб яшашга, самарали меҳнат қилишга ўргатиш, ижтимоий фаоллигини ошириш жамиятимиз олдига муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини кўндаланг қилиб қўймокда. Шу боис, Президенти

И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул қилинишининг 15 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги “Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир” мавзуидаги нутқида 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиши бежиз эмас албатта.

Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади. Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ечилмаган муаммоларига эътиборни жалб этиш, уларни ҳаётимиздана ҳакиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи давлатимизнинг дикқат марказида туриши шарт.

Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашувини рағбатлантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий-назарий салоҳиятларини ўстириш учун зарур шароитлар яратиб бериш, ёшларнинг маънавий руҳиятининг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Китобда ёшлар фаоллигининг ортиб бориши – ижтимоий таракқиёт қонуни эканлиги, ёшлар маънавиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий асослари, жамият таракқиётининг ғоявий омиллари ва ёшлар тарбияси каби масалалар таҳлили ўрин олган.

## ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ – ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ҚОНУНИ СИФАТИДА

Хозирги кунда аҳоли турли гурухларининг ижтимоий ҳолатидаги ўзгаришлар “ҳамиша илғор ғоялар тарқатувчи” деб ҳисобланган ёшларни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ёшлар – ўсиш ва улғайишни бошидан кечираётган алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ бўлиб, унинг ҳолати жамиятнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи билан белгиланади. Ёшларга доир давлат сиёсатини (ёшларни ижтимоий, маданий, маънавий ва жисмоний ривожлантириш) самарали амалга ошириш учун қўйидаги соҳаларда катта ишлар бошлаб юборилган – хуқуқий соҳада, иш билан таъминлаш ва бандлик соҳасида, оиласи мустаҳкамлаш ва майший хизмат кўрсатиш соҳасида, ёшлар иқтидорини ривожлантириш ва қўллаб – қувватлаш соҳасида ва ҳ.к.

Замонавий фалсафа, социология ва психология фанларининг долзарб муаммоларидан бири - ёшларнинг сиёсийлашуви масаласидир. Маълумки, қайта куриш жараёнида бошланган ва СССР парчаланиши билан чуқурлашиб борган жамият ижтимоий тизимининг инқирози қонуний тарзда ижтимоий мўлжалларни ўзгартиришга, кўпгина қадрият ва анъаналарни янгича баҳолашга олиб келди. Ижтимоий онг даражасидаги совет, милллий ва гарбий қалрияtlарининг ўзаро рақобати халқнинг, айниқса, ёшларнинг руҳий ҳолати, маънавиятига таъсир эта бошлади. Янги ижтимоий-иқисодий шароитда ёшларнинг ўз ҳаёт йўлларини топишга, шахсий-ижтимоий мавқеини кучайтиришга бўлган хоҳиши ва

интилишлари ижтимоий мухитга мослашишнинг қийин кечиши билан тўқнашди.

Бугунги кунда жамият таракқиётида, бир томондан, маданият моҳиятининг ўсиб бориши кузатилса, иккинчи томондан, маданий жараёнларнинг коммерциялашуви, оммавий маданиятнинг кириб бориши, электрон оммавий ахборот воситаларининг таъсири хам кузатилмоқда. Улар эса, ўз навбатида, ёшлар мақсадлари, маънавий-маданий идеаллари ва қизиқишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ёшларга доир олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқот “ёшлар” тушунчасининг моҳиятини очиб бериш, мазкур ижтимоий гурухнинг турларини (шаҳарда, қишлоқда яшовчи, ишчилар, ўкувчилар ва ҳ.к.) аниқлаш, ёшлар яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий мухитнинг ҳолатини ҳисобга олишни талаб этади.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун, уларга учта ўзаро боғлиқ даражада ёндашиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ёшларга ижтимоий феномен сифатида умумметодологик даражада ёндашиш;

иккинчидан, ёшларга маҳсус-назарий даражада ёндашиш, яъни уларни алоҳида ижтимоий-демографик гурух деб ҳисоблаш, хулқи, яашаш тарзининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, бойлик мўлжалларини ўрганиш;

учинчидан, ёшларга эмпирик, яъни социологик тадқиқотларнинг далиллари ва кўрсаткичларига асосланган ҳолда ёндашиш.

Ёшларни мазкур ёндашувлар асосида ўрганиш, уларга маълум

(16-30 ёшгача бўлган) ёшдаги кишилар сифатида қарабина қолмай, балки ўзига хос ижтимоий-демографик грух сифатида қарашга ҳам имкон беради. Мазкур грух, бир томондан, ўзига хос психологик-жисмоний хусусиятлари, ижтимоий механизми, ижтимоий ҳаётга кириб бориши билан боғлиқ алоҳида фаолиятни олиб борса, иккинчи томондан, субмаданият, жамият ижтимоий табакаланишига боғлиқ ички дифференциациялаш жараёнлари билан тавсифланади. Демак, ёшларга илмий ёндашиш, уларга жамиятнинг ўзига хос грухси сифатида қарашни, ҳаётнинг турли жиҳатлари ва хусусиятларини комплекс ўрганишни талаб этади.

Ёшларга оид масалалар таълим-тарбия, ахлок-одоб, маданият, соғлиқни саклаш, ижтимоий муносабатлар, сиёsat, ҳуқук, дин, бўш вақтни ташкил қилиш, оила, меҳнат, спорт билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун илмий адабиётларда ёшлар билан боғлиқ мазкур муаммолар жамият тизимида (яъни жамият асосий тавсифи, тизимли ўзгаришлар ва силжишлар билан уйғун ҳолда) ҳам, ўзига хос ижтимоий грух сифатида дифференциал тарзда ҳам ўрганилади<sup>1</sup>.

Шуни инобатга олиш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистон ёшлари билан боғлиқ муаммоларнинг асосий қисми жамиятда рўй бераётган объектив жараёнлар (яъни урбанизация, жамиятда пенсионерлар ва қариялар сонининг ўсиши, туғилишнинг камайиши ва ҳ.к.) билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда ёшларнинг жамиятдаги ўз ўринларини оникланиш ва топиши эски қарашлар, қадриятларнинг сўниши

<sup>1</sup> Қаранг: Социология молодёжи (Под ред. В.Т.Лисовского).-СПБГУ, 1996; Кон И.С. Социология молодёжи//В кн.: Краткий словарь по социологии.-М.:Наука,1998.

ҳамда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши даврида амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам ёшлар орасида агрессия, локайдлик, экстремистик кайфиятлари, саросимага тушиш ҳолатлари учрамоқда.

Ёшлар - ижтимоий муносабатларнинг субъектларидир. Шу туфайли ҳам улар объектив ижтимоий муносабатларнинг иштирокчисига айланганлар. Олимлар ўртасида ёшларни алоҳида гуруҳ сифатида ажратиб ўрганиш полемикаси ҳамон давом этмоқда. Улар мазкур гурухни социология, психология, физиология, демография ҳамда турли классификациялардан келиб чиқсан ҳолда ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар<sup>2</sup>. Аммо фикримизча, ёшларни ўрганишда маънавий, мағкуравий омил ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кўп йиллар мобайнида, хусусан, Собиқ Иттифоқ даврида ёшлар алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўрганилмаган. Ёшларни мазкур тарзда ўрганиш жамият синфий тизими ҳамда ижтимоий-сиёсий бирликка асосланган расмий мағкуравий доктринасига мувофиқ келмаган. Ёшлар хақида ишчи синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг муайян таркибий қисми сифатида гапириш мумкин бўлса-да, аммо ёшларнинг ижтимоий хусусиятларини инобатга олиб уларга алоҳида яхлит бир гуруҳ сифатида қараш хукм сурган тизим манбаатларига мутлақо тўғри келмасди. Бундай қараш ёшларни бошқа ижтимоий гуруҳ ва табакаларга қарши кўйиш, деб хисобланарди.

<sup>2</sup> Қаранг: Социальная активность и духовное богатство личности (сб.ст. Под ред. К.Никонова).-Волгоград: ВГПИ,1980; Социальная активность и человеческий фактор (сб. науч. ст. Под .ред. В.Федунова).-Краснодар:КПИ,1987.

Кейинги йилларда турли ижтимоий муаммолар билан боғлиқ умуммиллий ёндашувларнинг ўзгариб бориши билан ёш авлодни ҳар томонлама яхлит бир бутунликда ўрганиш, уларга жамиятнинг муайян органик субъекти сифатида қараш зарурати туғилди. Бугунги кунда олимлар ёшлар билан боғлиқ муаммоларни таҳлил ва тадқиқ этишда уларга ўзига хос психологик хусусиятлар ва тавсифларга эга бўлган, жамиятдаги эгаллаган ижтимоий мавқенини мазкур жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш ва уларга алоҳида демографик гурух сифатида қарашга ҳаракат қилмоқдалар<sup>3</sup>.

Фикримизча, ёшлар билан боғлиқ кўпгина муаммоларни куйидаги асосий гурухларга бўлиш мумкин:

1) ёшларгагина хос бўлган ижтимоий муаммолар. Буларга ёшларнинг ижтимоий гурух сифатидаги моҳиятини белгилаш; жамиятнинг барча жараёнларидағи ўрни ва ролини баҳолаш; унинг даврий чегараларини аниқлаш; ёшлар ижтимоийлашувига хос хусусиятларнинг спецификасини ўрганиш; уларнинг ижтимоий, касбий йўналганлиги, жамоада адаптациялашувини таҳлил этиш; ноҳукумат, ижтимоий ҳаракат ва бирлашмалар фаолиятининг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш.

2) умумсоциологик аҳамиятга эга бўлган муаммолар (никоҳ, оила, таълим жараёнлари билан боғлиқ) ёки фақат ёшлар доирасида

<sup>3</sup> Карап: Мудрик А.Социализация и “смутное время”.-М.,1991; Логуа Р. Молодёжь и рынок: проблемы социализации.-М.,1992; Першуткин С. Социология молодёжи, молодежная политика и социальная работа с молодёжью.-Новосибирск,1995; Психологопедагогические проблемы социализации личности. Сб.науч.тр. / Отв.ред. С.Н.Силина.-Шадринск,1997.

намоён бўладиган муаммолар (тарбиянинг хусусиятлари, унинг спецификаси ва самарадорлиги, ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ривожлантириш, давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва аҳамиятини белгилаш ва х.к.).

Ёшларнинг ижтимоий балоғатга стишуви, ҳаётдаги шахсий ўрнини танлаши инсоният ҳаёти ва амалиётининг турли соҳаларида намоён бўлади ҳамда таълим - тарбия, катта авлоднинг тажрибасини қайта қўриб чиқиш ва ўзида жо этиш орқали амалга оширилади. Мазкур жараённинг асосий ижтимоий-психологик бошқарувчиси ва кўрсаткичлари бўлиб ижтимоий меъёрлар, қадриятлар ва бойликлар ҳисобланади. Айнан шулар ёшларнинг ақлий ва амалий фаолиятини, уларга хос бўлган муаммолар спецификасини, қизиқишлиари ва кутилган натижаларини, ўзини бошқариш ва идора қилиш хусусиятларини белгилайди.

Агар биз ёшларга инсон ҳаётининг маълум бир даври сифатида назар соладиган бўлсак, айнан мазкур (16-32 ёш) даврда ёшларда бойликларнинг барқарор тизими, ўзини-ўзи англаши, ижтимоий мавқеининг шаклланишини кузатиш мумкин бўлади. Ёшлар онги катта миқдордаги турли хил ахборотларни қабул қилиш ва акс эттириш хусусиятига эга. Мазкур жараёнлар туфайли ёшларда танқидий фикрлаш шаклланади, улар турли ҳаракат ва жараёнларга мустақил баҳо беришга, ўзининг шахсий нуқтаи назарларини асослашга, ўзгача қарорларга келишга интиладилар. Аммо мазкур жараёнлар болалиқда шаклланиб, онгига илдиз отган ва ҳамон сақланиб қолган маълум стереотиплардан ҳам холи эмас. Назаримизда, бунда фаол яратувчиликка бўлган интилиш амалий

фаолият доирасидаги имкониятларнинг чекланганлиги билан тўқнашади. Ёшлар характеристидаги қарама-қарши хусусият ва тавсифларнинг (конформизм ва негативлик, эътироф этилган умумий меъёрларни қабул қилиш ва рад этиш, кенг муроқотга ёки бутунлай ёлғизликка интилиш) келиб чиқиши ҳам мазкур жараён билан боғлик.

Ёшлар онгининг бекарор ва зиддиятли характеристи уларнинг ҳулкига ва фаолиятига, албатта, таъсир этади. Бунинг бир неча сабаблари бор, назаримизда.

Биринчидан, ҳозирги кунда ёшлар ижтимоийлашуви жараёни анча мураккаблашди, шунинг учун ҳам уларнинг ижтимоий балоғатга етиш омиллари анча ўзгарган. Мазкур омиллар нафақат ёшларнинг мустақил меҳнат қилишлари, балки таълим олишларини тугатиш; касбга эга бўлиш, катталардан моддий жиҳатдан бутунлай мустақил бўлиш кабилар билан тавсифланади. Турли ижтимоий гурухлар доирасида мазкур омиллар турлича намоён бўлади, шунинг учун ҳам ёшлар уларга турлича амал қиласилар, яъни бирон бир масалага ёшлар ўта жиддий ёндашишлари мумкин бўлса-да, бошқа бир масалани ҳал қилишда ёш болаларга ўхшаб фикрлайдилар.

Иккинчидан, ёшларнинг ижтимоий балоғатга етишуви бир қатор мустақил омиллар (оила, мактаб, жамоа, оммавий ахборот воситалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа гурухлар) таъсири остида амалга оширилади. Мазкур ижтимоий механизмларнинг ҳар бири ёшлар тарбиясини амалга оширишда турли хил вазифаларни бажаради ва уларга ўзгача таъсир этади.

Ижтимоий балоғат объектив реалликни англаш, ўзининг асосий ижтимоий ва психологик хусусиятларини ифода этиш ҳамда амалиётда татбик этишнинг умумийлигини билдиради. Ижтимоий балоғатта етишда инсоннинг ўз ички имкониятларига бўлган шахсий муносабати ҳам мухим ўрин тутади. Айнан шундай пайтда, ёшларда ўзини ва ўзгаларни баҳолаш, шахсий қарашлар ва нуктаи назарларга эга бўлиш истаклари шаклланади. Шунинг учун ҳам тарбияда мазкур жиҳатларни ҳамиша ёдда тутиш ва инобатга олиш лозим.

Назаримизда, биз ёшлар тарбияси билан шуғулланганимизда асосий эътиборни уларнинг касбий тайёргарлигини ўстиришга, мальавий бақувватлигини шакллантиришга, қонунларга риоя қилишиликка даъват этишга қаратамиз. Аслида эса тарбиянинг энг мухим вазифаси, ёшларни ҳозирги куннинг муаммолари ҳақида мустақил фикрлашга ундашдан, янги ижтимоий-иктисодий тузумда шахсий фаoliyatни ташкил қилишни режалаштиришдан, мазкур жараёнларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда амалга оширишдан иборат бўлиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, хукуқий, маданий-маърифий соҳаларда катта аҳамиятга эга бўлган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барпо этилаётган янги бозор муносабатларига асосланган демократик давлат фуқаролик жамияти инсонларнинг жамият ҳаётига, меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришини талаб этади. Эндиликда ҳар бир киши ўзгаларга эмас, балки шахсан ўзининг имкониятларига, қобилияти ва истеъодига таяниши, шулардан

келиб чиқиб яшаши керак.

Бугунги ёшларни бундан 20-30 йил аввал яшаган ёшлардан кўп фарқли жиҳатлар ажратиб турибди. Бугунги кун ёшларининг улғайиши кўпгина ижтимоий-психологик омиллар билан боғлиқ. Афсуски, аксарият ҳолларда ёшларнинг талаб ва истаклари уларнинг шахсий қобилияти, ақлий салоҳияти, билимларининг даражасига мувофиқ келмайди. Шунинг учун ҳам уларда, кўпинча, олдига қўйган режалари амалга ошмаслиги, ҳаётда катта ютуқларга эришолмаслиги, танлаган соҳадан қониқмаслик кайфиятлари ҳосил бўлади. Албатта, бундай омиллар ёшларнинг умумий маънавий-психологик ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бундай таъсирлар остида қолган ёшларда ташаббускорлик, ижтимоий фаоллик, жамиятдаги барча жараёнларнинг иштироқчиси ва фаол кучига айланиш ҳисси ҳам сўниб бораверади. Ҳар бир ёш киши учун маълум бир касб эгаси бўлиш масаласи муҳим аҳамиятга эга, бу – ҳаётий масаладир. Аслида, мазкур муаммо ёшларнинг касбий тайёргарлиги билан эмас, балки уларнинг дунёқарashi билан боғлиқ. Уни оқилона ечиш учун инсон ўзининг ички оламини тартибга солиши, қизиқишлигини аниқлаб олиши керак.

Афсуски, ёшлар орасида айнан шундай омиллар таъсири остида қолганлар учраб турибди. Уларга лоқайдлик, тушкунлик кайфиятлари, ҳаётидан норозилик, бутун бир тизим ва жамиятни коралаш, айблаш ёки бутунлай бефарқ бўлиш, томошабин ва кузатувчига айланиш ҳолатлари ҳам хос. Аксарият ҳолатларда бундай ёшлар психологик жиҳатдан жуда заиф, барчага ишонувчан ва ҳаддан ташқари эмоционал бўладилар. Айнан шундай ёшлардан

турли ғаразли ниятларда изгиб юрган кучлар фойдаланишга уринадилар.

Ўтиш жараёнини бошдан кечираётган мамлакатларда мафкура соҳасида бўшлиқ пайдо бўлиши табийдир. Жамиятдаги ислоҳотлар, қатор стереотипларнинг синиши, мақсадларнинг равshan эмаслиги, қадриятларнинг ўзгариши қонуний тарзда турли хил зиддиятларни келтириб чиқаради. Собиқ Иттифоқдош мамлакатларнинг тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. Афсуски, ёшлар мазкур жараёнларни бошдан кечирганлар. Шунинг учун ҳам бугунги кунда айрим ёшларимизнинг қадриятлар тизимида етарли даражадаги моддий таъминот, оиласвий ҳаловат ва комфорт, соғлиқ кабилар биринчи ўринни эгаллайди. Маънавий-маданий бойлик ва ижтимоий-сиёсий фаоллик эса энг охирги ўрининга қўйилмоқда. Бундай ёшлар қўпроқ ривожланган Farb ва ривожланётган Шарқ мамлакатларига ихлос қўйиб, у ерда яшовчи ёшларга эътиборни қаратмоқдалар. Имкон пайдо бўлди дегунча, чет элга чиқиб кетишини, у ерда бутунлай қолиб кетишини хоҳлайдилар. Мазкур ёшларда экстремистик кайфиятлар ҳам тез-тез кузатилади.

Ёшлар экстремизми, асосан, жамиятдаги хулқ-атвор ва қонунлар билан бутунлай ҳисоблашмаслик ва уларга риоя қилмаслиқда намоён бўлади<sup>4</sup>. Назаримизда, мазкур жараёнларнинг бундай тарзда кечиши айнан узоқ давр мобайнида ҳукм сурган стереотипларнинг синиши билан боғлиқ ва бу ўринда анъанавий

<sup>4</sup> Карапнг: Молодёжный экстремизм (Под ред. А.А.Козлова). – СПб.:ГУ.-1996; Никольский Д. Социология молодёжи/Молодёжный экстремизм и молодёжная субкультура.-М.:Наука,1997.

маданият алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундан ёшлар ижтимоийлашуви жараёни уларнинг маънавий бақувватлигига, руҳий мустахкамлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги келиб чиқади.

Ёшлар орасида сиёсатга аралашмаслик, унга бутунлай бефарқ қараш ва қизиқмаслик кайфиятлари ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам мактаб битирувчиларининг кўпчилигига аниқ сиёсий нуқтаи назарлар бутунлай шаклланмаган бўлади. Аммо улардан фарқли ўлароқ, айрим ёшлар гурухлари хаддан ташқари сиёсатга интилишларини ва аралишишга тайёр эканлигини билдиримоқдалар. Ана шу тайёргарлик миллатчилик ва экстремизм характеристида эканлиги ҳам эътиборга молик масаладир. Мазкур муаммолар ёшларга алоҳида психологияк тавсифлар ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган демографик гуруҳ сифатида қарашнинг зарурлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Ёшлар орасида оммалашиб бораётган экстремистик кайфиятлар, жамият қонун-қоидалари ва ахлоқий меъёрларини инобатга олмаслик ва инкор этишда намоён бўлиб, уларни турли ёндашувлардан келиб чиқсан ҳолда тушунтириш мумкин. Ёшлар экстремизмининг фалсафий-психологик табиатини ўрганиш экстремистик хулқни классификациялаштиришга, мазкур феноменни алоҳидаликда ва умумийликда ўрганишга имкон беради. Шу билан бирга, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати ва экстремистик кайфиятларнинг ўсиши ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Масалага бошқача томондан қарайдиган бўлсак, шундай

хулосага келиш мүмкінки, ёшлар экстремизмининг ўсиши асрлар давомида шаклланиб келган ахлоқий, хулқый меъёрларнинг синиши билан боғлиқ. Мазкур меъёрлар урф-одатларга таянадиган, миллий ва ислом ғоялари билан суғорилган қадимий анъанавий маданиятта асосланган эди.

Маданий асрларнинг ўзгариши ахлоқ ва хулқ меъёрларининг ўзгаришига олиб келади. Мазкур жараёнлар кечишининг қийинлашуви эски стереотиплар ва меъёрлар ўзгараётган объектив реалликни ўзида акс эттира олмаслигига, аммо катта ёшдаги авлод ҳәёти, дунёқарашида ҳамон сақланиб қолғанлиги ва улар томонидан ёшлар тарбияси ҳамда билим олишларига мажбуран сингдирилаётганлигига ҳам ўз ифодасини топади.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида бошланган тотал инқироз табиий тарзда бутун бир янги, фақатгина ўзининг имкониятлари ва қобилиятларига таянишга мажбур бўлган авлоднинг етишиб чиқишига сабабчи бўлди. Ҳозирги кунда ёш авлод уларга мажбуран уқтирилаётган маданий стереотип ҳамда хулқ-атвorumеъёрларининг ўзаро номутаносиблигини жуда яхши сезмоқда. Шу билан бирга, у анъанавий маданиятни тушунишга ва қабул қилишга қарши чиқмоқда. Шунинг учун ёшларда ўзини ноадекват тарзда тутиш ҳолатлари ҳам тез-тез учрамоқда. Анъанавий маданият асосида тарбияланган ёшларда асосий конфликт ментал даражада, яъни маданий стереотип ҳамда объектив реалликнинг ҳолатлари ўртасида рўй беради. Бу ерда хулқ-атвorumеъёрларининг иккинчи даражага суриласди.

Классик маданиятдан ташқарида яшаётган ёшлар учун эса

конфликт, асосан, хулкий даражада рўй беради. Бундай ёшлар ҳаётни ўзининг тажрибасига таянган ҳолдагина ўрганишга харакат қиласидилар. Тугма қобилиятлар эса уларга доимий ўзгариб бораётган ижтимоий ҳаётда ўзининг ўрнини белгилашга имкон беради. Шу билан бирга, ўзгаларнинг хулқини қатъият билан қабул қиласлик уларни аксарият ҳолатларда қонунбузарлик томон чорлади.

Ҳозирги кунда замонавий таълим-тарбия билан бир қаторда тез суръатларда анти таълим ҳам ривожланиб, турли йўналишларда (рок маданият, порнография ва зўравонлик, неофашистлар гурухлари ва х.к.) ўз ифодасини топмоқда. Турли каналлар орқали ёшлар психологик ҳолатига катта таъсир этадиган бундай номаданий ходисалар, улардаги табиий ўзини-ўзи ҳимоя қилиш реакциясини сўндиради ва ёшлар маънавий оламини салбий қарашлар, улар асосида шаклланадиган кайфиятлар билан тўлдириб боради. Бундай алмашувнинг асосий сабаби, ёшлар дунёқарашининг тўла шаклланмаганлиги, маънавий жихатдан чегараланганигидадир. Кекса авлод учун маънавият маданиятнинг ажралмас қисми, деб ҳисобланади. Аммо айрим ўқитувчи ва отоналарнинг маънавий қашшоқлиги ўсиб бориши натижасида, ёшлар яхшилик ва ёмонликни ихтиёрий тарзда танлаш масаласига рўбарў бўлмоқдалар.

Назаримизда, айнан шу субмаданиятнинг шаклланишига ва кенг тарқалишига сабаб бўлган. Субмаданият деганда, айрим гурухни кўпчиликдан ажратадиган меъёрлар ва бойликлар тизими тушунилади. Субмаданият ёш, этник келиб чиқиш, дин, яшаш

жойи, ижтимоий гурух каби омиллар асосида шаклланади. Субмаданиятнинг бойликлари миллий маданиятни инкор этмайди, балки ундан четга чикиб кетиш билан тавсифланади. Аммо шунга қарамай, кўпчилик субмаданиятга ишонмайди ва уни хуш кўрмайди.

Ёшлар субмаданияти деганда муайян ёш авлоднинг яшаш тарзида, хулқида, гурух меъёрларида, бойликлар ва стереотипларидаги умумийлиги тушунилади. Бугунги кунда айрим ёшларда шахсий фуқаролик позициясининг йўқлиги, аммо хулқий стереотипларнинг кучли ривожланганлигини кузатишимиз мумкин. Уларда жамоадан узоқлашиш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳётига бутунлай бефарқ бўлиш, четдан қараб турган томошабинга айланиш кайфиятларини учратиш мумкин.

Фикримизча, ёшларнинг ижтимоийлашуви ва улғайиши, жамиятда ўзининг муносиб ўринларини топиши, турли мафкуравий тажовузларга бардош беришлари, ниҳоят, жамият ижтимоий амалиётига тезроқ фаол куч сифатида кириб бориши учун уларнинг маънавиятини юксалтириш, билим ва таффаккурини кенгайтириш, қобилият ва имкониятларини намойиш этиши учун муносиб бўлган шарт-шароитларни яратиш керак.

Ёшларга алоҳида демографик ресурс сифатида қараш, уларгагина хос бўлган хусусиятларни инобатга олишни ҳам билдиради. Булар эса куйидагилар билан боғлик:

Биринчидан, ёшлар субмаданиятидаги ўзгаришлар. Ёшлар жамиятдаги умумий ижтимоий ва маданий маконда яшайдилар, шунинг учун ҳам мазкур ижтимоий маконда содир бўладиган ҳар

қандай инқирозлар уларнинг субмаданиятига таъсир этади. Мазкур жараёнларни хисобга олган ҳолда, ёшларга доир алоҳида сиёсатни ишлаб чиқиши талаб этилади. Жамиятда амалга оширилаётган турли ислоҳотлар (иқтисодий, сиёсий, тизимли, бошқарув), албатта ёшларга таъсир этади, яъни жамиятнинг ўзи қандай бўлса, ёшлар субмаданияти ҳам шундай бўлади.

Иккинчидан, оила институтидаги ўзгаришлар (оиладаги тарбия, ота-она томонидан фарзандларининг ташаббусини хисобга олмаслик, касбга мажбуrlаш, таълимни ихтиёрий равишда танлашга йўл қўймаслик ва х.к.), бир томондан, ижтимоий инфантлизмга, иккинчи томондан эса, прагматизм ва ижтимоий ҳаётга мутлақо мослаша олмасликка олиб келади. Тарбиянинг тажовузкор ҳолатда олиб борилиши эса ёшларда агрессия, норозиликни уйғотади ва ана шундай тарзда тарбиялайди. Натижада, бундай ёшларнинг ижтимоий мақсадлари ҳам, улардан кутилаётган натижалар ҳам бошқа қиёфада кўрина бошлайди.

Учинчидан, оммавий ахборот воситаларининг коммерциялашуви. Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг teng хукукли субъекти сифатида турли мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга киришган. Замонавий техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланаётганлигини хисобга олсан, мамлакатимизга бегона қарашлар, Ғарбнинг оммавий маданияти, менталитетимизга мутлақо тўғри келмайдиган стереотиплар, яшаш тарзи ҳам кириб келаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Мазкур жараёнлар олдида деярли бутунлай очиқ эканлигимизни ҳам айтишимиз керак.

Ёшларга эса кимнидир ўзи учун қаҳрамон (идеал), деб билиш, ахлоқан, маънан унга ўхшаб юришлик ҳам хос. Айрим ёшлар “вестерн”лардаги қаҳрамонларга, бошқалари эса видеотриллердаги Рэмбога ўхашга ҳаракат килсалар, қизларга бразилияликларнинг ҳаёти маъқул. Аммо танланган идеаллар ҳамма вақт ҳам инсонни руҳий поклик ва маънавий бойлик сари етакламайди. Аксинча, аксарият ҳолатларда, бундай интилишлар ёшларда прагматизм, шафқатсизлик, маънавий қашшоқлик ва моддий бойликка интилишни ўғотишга олиб келади.

Ана шу кайфиятлар ёшлар орасида гуруҳбозликни келтириб чиқаради. Бунда гуруҳ иштирокчилари, албатта, ундаги етакчига сўзсиз итоат этишлари керакдир. Гуруҳдаги мақом ва роллар аниқ белгиланган. Кимдир бошқаради, кимдир эса сўзсиз итоат этиши керак. Бошқача ўйлайдиганлар эса гурухдан умуман четлаштирилади ва уларга шафқатсиз муносабатда бўлишлик тарғиб қилинади.

Айрим ёшлар ўзини идора килишда миллий қадриятларга мурожаат қилмайдилар, балки бегона оммавий маданият таъсири остига тушиб қолмокдалар. Шунинг учун ҳам уларда ўзгача идеаллар, ўзига хос субмаданият шаклланади.

Энг муҳими шуки, ёшларнинг бўш вақтларини ташкил қилиш ва ўтказишлари таълим ҳамда маданият идораларидан ташқарида амалга оширилади. Аксарият ҳолларда, ёшлар бўш вақтларини телевизор томоша қилиб ўтказишар экан. Телевидение - эндиғина шаклланаётган ёшлар онгига катта таъсир кўрсатадиган восита. Афсуски, мазкур таъсир ҳамма вақт ҳам факат ахлоқий қадриятлар

асосида курилмайди. Айнан шу сабабдан ҳам, бугунги кунда ёшларимизни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш масаласи мухим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшлар ҳақиқатдан ҳам, жамият таркибидаги алоҳида ижтимоий-демографик гурухдир. Ёшларга жамият бошқа аъзоларидан фарқли ўларок, ўзига ҳос хусусиятлар ва тавсифлар ҳос. Мазкур хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётга кириб бориши, ҳаёт йўлларини топиши, ўзининг шахсий, ижтимоий мавқеига эришуви, қараашлар, интилишлар, кизиқишлилар, маънавий-маданий, психологик ҳолатларидан иборат.

Фикримизча, ёшлар фаоллигининг ортиб боришида маънавий омилнинг роли ниҳоятда каттадир. Ёшлар маънавиятини шакллантириш билан боғлик бўлган масалаларни чукур ўрганиш эса мухим қазарий ва амалий аҳамиятга эга.

## **ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

Инсоният тарихий тажрибаси кўрсатишича, жаҳон тараққиёти ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг, инсон моддий ва маънавий ҳаёти фаолиятининг бирлиги асосида амалга ошади. Бу барча ижтимоий тузумлар, халқлар, элатлар, миллатлар, давлатлар ва мамлакатларга тааллукли бўлган умумфалсафий қонуниятлардан бўлиб ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг мухим омиллари устида фикр юритганда, иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро бирлиги, моҳияти,

уларнинг ижтимоий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти устида батафсил тўхталиб ўтиш жоиздир.

Жамият тараққиёти иқтисодиёт билан маънавиятнинг ўзаро боғланган, бири иккинчисиз воқъе бўлмайдиган мураккаб жараёндир. Моддий бойликларни яратишда, улардан оқилона фойдаланишда, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда, миллий ва миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда, таълим-тарбия ишларини замонавий талаблар асосида олиб боришда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва маърифатнинг роли, аҳамияти бекиёсдир.

Иқтисодиёт ва маънавият ҳар қандай жамият ҳаёти ва тараққиётининг ўзаро ажралмас икки соҳаси, мухим томонларидир. Улар бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қўллаб-куватлаб, ўзаро таъсирлашиб, ривожланиб ва такомиллашиб боради. “Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир”<sup>5</sup>.

Иқтисодиёт билан инсон маънавий ҳаётининг узвий боғлиқлиги, бири иккинчисисиз мавжуд эмаслиги, уларнинг жамият тараққиётидаги бир-биридан кам бўлмаган аҳамияти ҳақида Ислом Каримов томонидан ифода этилган, назарий асослаб берилган ғоя нафақат дунёдаги алоҳида олинган халқлар ва миллатлар учун, балки бутун инсониятга ҳам хос бўлган умуминсоний, умумбашарий қонуниятдир.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ҳаллоллик ва фидойиллик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин //Биздан озод ва обод Ватан колсин.2-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.-261-бет .

Бозор муносабатларига ўтиш жамият маънавий ҳаётининг юксак даражада бўлишини, инсоннинг ғоявий, сиёсий, хукуқий, маданий-маънавий, маърифий етуклигини тақозо этадиган тарихий заруриятдир. Халқнинг маънавий-рухий етуклиги бозор иқтисодиётiga ўтишни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Жамият тараққиёти ҳақидаги ҳар қандай ғоялар, аввало, инсоннинг ижтимоий тафаккурида шаклланади. Кейин эътиқодга айланиб, фаолиятига йўналиш беради. Инсоннинг ҳар қандай амалий фаолияти, меҳнати маърифий-тарбиявий, мафкуравий тадбирлар асосида амалга ошади. Меҳнатда инсоннинг қобилияти ва истеъоди, акл-идроқи ва тафаккури намоён бўлади. Инсон ақли, қўли билан ниманики қилмасин, унинг заминида фикр, тушунча, билим, истеъод, қобилият сифатида шаклланган маънавият ётади.

Жамият моддий ҳаётининг унинг маънавий ҳаётига кўрсатадиган таъсири катта. Ана шу фалсафий қоидага асосланиб, жамият маънавий ҳаётининг иқтисодиётга, сиёсатга, ижтимоий муносабатларга, умуман айтганда, жамият тараққиётига бўлган кучли таъсирини асло инкор этиб бўлмайди.

Жамият ҳаётининг маънавий асосларига, маънавий бойликларига асосланмасдан ва тўғри ёндашмасдан туриб, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш амримаҳолдир. Қачонки, маънавий бойликлардан жамият иқтисодий ривожланишининг объектив конуниятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилса, шундагина иқтисодиётда самарали натижаларга эришишни таъминлаш мумкин. Агар иқтисодий-сиёсий тараққиёт жамият

маънавий-маърифий ютукларига асосланмаса, бундай шароитда иқтисодий-сиёсий тенгликлар, кийинчиликлар, турғунликлар, инқирозий холатлар келиб чиқади. Жамият ҳәтидаги бундай инқироз ва ўпирилишлар ўта ҳатарлидир.

Жаҳон тарихий тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг танҳо бир ўзигагина асосланган жамият ва давлатнинг таг замини мўрт бўлади. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт маданий-маънавий, руҳий, маърифий камолот, ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш билан чамбарчас боғлангандагина жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти беҳад тезлашади ва юксак самаралар беради.

Ижтимоий ҳаётда туб тарихий сакраш ва ўзгаришлар ана шундай шароитларда содир бўлади. Жаҳондаги барча илғор мамлакатлар шу боисдан ҳам тарихий тараққиётнинг бурилиш даврларида жамият маънавий ҳаёти ривожланиши масалаларига катта эътибор берганлар, етилган муаммоларни ҳал этиш учун, биринчи навбатда, халқнинг умуммаданий савияси даражасини, маънавияти ва маданиятини кўтариш зарур, деб хисоблаганлар.

Юксак даражада ривожланган маънавий ҳаёт иқтисодий-сиёсий муаммоларни ҳал этишнинг, меҳнат унумдорлигига эришишнинг мухим омилидир. Маънавий камолот халқ, миллат ва шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, моддий бойликлар мол-мулкига, фаровон ҳаётга, жамиятнинг иқтисодий тикланиши ва ўнгланишига туртки бўлади.

Президент Ислом Каримов жамият ҳаётининг барча жабҳалари, биринчи галда, иқтисодиёт ҳам маънавият, маърифат

билан узвий алоқадорлигини таъкидлаб шундай дейди: “Бугун биз ўтказётган ислоҳотларда маънавият соҳасидаги вазифалар мен учун асосий масала бўлиб қолмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодини куриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта, барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромадлари яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир бор такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги зийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади”<sup>6</sup>.

Жамият маънавий ҳаётининг ижтиёй тараққиёт учун аҳамияти шунчалик каттаки, уни ҳеч қачон иккинчи ўринга суреб кўйиб бўлмайди. Иқтисодий муаммолар ҳал қилиниб бўлгандан кейин маънавият масаласига ўтилади, деб ўйлаш эса тамомила хатодир.

Ўзбекистоннинг бугунги шароитида амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизнинг имкониятларини чукурроқ англашдан келиб чиқиб, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларнинг маънавий-рухий, гоявий ифодасидир. Уларнинг рӯёбга чиқишлиари натижасида юз берадиган ўзгаришлар маънавиятимизнинг янада юксакликка парвоз қилиши учун замин бўлиб хизмат қиласи. Бундай жараён моҳиятан соғ мәтирий

<sup>6</sup> Каримов И.А. Тараккиётнинг кудратли қаноти//Бунёдкорлик йўлидан.4-жилд.-Т.: Ўзбекистон,1996.-121-бет.

ходиса сифатида узлуксиз ва инсоният мавжуд экан, шундайлигича қолади. Бутун инсоният тарихи шундан ёрқин далолат бермөкдаки, маънавият ҳаётимизда қанчалик жиддий аҳамият касб этмасин, уни биз қанчалик фаол тарғиб қилмайлик, барибир одамлар фақат унинг ўзи билангина юксак ақл-заковатли, ижодий тафаккур соҳиби бўлиб қолмайдилар. Кишилар жамиятда шундай бир ижтимоий вазиятга қўшилмоқлари лозимки, уларнинг ақлли, доно, заковатли бўлишдан бошка ҳеч қандай иложлари қолмасин. Бунинг эса ҳозирча иқтисодий соҳада бозор муносабатларини қарор топтиришдан ўзга йўли йўқ. Кўриниб турибдикি, ҳар иккала ҳолатда ҳам одамлар турмушининг фаровонлиги, эркинликлари даражаси фақат уларнинг ўзларигагина, маънавий бутунликларигагина боғлик. Бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятни фақат қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзлаган мақсаддан четга чиқмайдиган ишончли компаслар бўлган юксак маънавият, маърифат ҳамда ватанпарварлик негизларидагина қилинадиган ҳаракатлар орқали барпо этиш мумкин.

Иқтисодий ва сиёсий омиллар сингари, маънавият ва маърифат ҳам жамият тараққиётини тезлаштириш ва жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Дунёдаги ҳар бир миллат ва халқнинг катта-киклигидан қатъий назар маънавий бойликларга эҳтиёж сезган ва сезаётганлиги тарихий ҳақиқатdir.

Маънавий ҳаёт юксак бўлмаган жойда моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти юқори даражада бўлмайди. Дунёга келиш ва яшашдан мақсад қорин тўйдириб,

бойлик ортириш, деб ҳисобланган одам юксак маънавият сохиби бўла олмайди. Маънавий қашшоқ бўлган одам тўқ, фаровон, маданий турмуш кечириш меъёрларини ҳам билмайди. Маънавияти етук инсонлар келажакни олдиндан кўришга, қийинчиликларни енгишга, оғир шароитда ҳам юксак мақсадларни олдига қўйиб, уларга ишонч-ихлос, имон-эътиқод билан интилишга қодир бўлади.

Маданият, маънавият, маърифат одамларни жамият талаблари, қонун-коидалар, одоб-ахлоқ меъёрлари асосида яшашга ва фаолият кўрсатишга, инсонпарварлик, ҳалоллик, ижтимоий адолатлилик, умуминсонийлик ғоялари ва тамойилларига астойдил содик бўлишга йўналтиради.

Инсоният ҳаётида маънавият ва маърифатга, жамият бойликларига эҳтиёж сезмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Одамларнинг маданий-маънавий савияси, башорати паст бўлса, унинг салбий оқибатлари иқтисодиётда ҳам, ижтимоий соҳаларда ҳам, оиласда ҳам, жамоада ҳам, кишиларнинг ўзаро муносабатлари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи ва юриш-туришларида ҳам сезилади. Имон-эътиқод сусайган, маънавий омиллар заифлаша бошлаган жойда одамлардан меҳр-оқибат кўтарила бошлайди, ҳақиқий инсоний муносабатларга путур ета бошлайди.

Инсон бор экан, унинг шахсий манфаатлари ҳам, албатта, мавжуд бўлади. Ҳар бир инсон жамиятдаги бошқа одамлар билан бирга умумий бўлган манфаатларга эгадир ва айни пайтда, унинг ўта шахсий, факат ўзигагина хос бўлган талаб-истаклари, қизикишлари ҳам бор.

Жаҳон фалсафасининг таркибий қисми бўлган Шарқ фалсафасида инсонда икки қарама-карши асос, модда (жисм) ва рух мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Ана шу икки асос инсон вужудида мутаносиб бўлиши, бири устуворлик қилиб, бошқаси орқада кетмаслиги керак. Агар шу тартиб бузилса, яъни моддийликдан устун келиб, жисм қулига айланиб, унга хизмат қилгудек бўлса, унда инсон амалий фаолиятида салбий ҳолатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейинга суриб ташланади. Аксинча, руҳий-маънавий томонлари тараққий этган инсонларда ақлу заковат, инсофу диёнат, одобу ахлоқ, илму-маърифат устун бўлиб, мол-дунёга берилиш, моддий неъматларга кул бўлиш сингари хато ва нуқсонлар йирок бўлади. Руҳий, маънавий жихат - инсонни инсон қиласидиган, унинг ҳаётини гўзаллаштирадиган фазилатdir.

Маънан, руҳан, ахлоқан камол топган инсон нафснинг қулига айланиб қолмайди, еб-ичишни, бойлик тўплашни ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсад деб тушунмайди. Бундай инсон олам сир-асрорларидан хабардор бўлади, ўзи ва ўзгаларни хурмат қиласи, кадрлайди, ўзлигини англаб етади, миллий тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, кадриятларини юксак даражада эъзозлайди, улар билан фахрланади. Руҳий, маънавий бойлик инсонни беҳад гўзаллаштиради ва айни пайтда, уни ёмон хислатлардан куткаради, нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошлайди, адолат учун курашиш йўлида қамарбаста бўлишга даъват-этади.

Маънавий бойликларни яратиш, ривожлантириш ва бойнитишда машхур алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар,

шоиру ёзувчиларнинг хизматлари беҳисобдир. Моддий бойликларнинг ҳам, маънавий бойликларнинг ҳам бирдан-бир асосчиси, яратувчиси ҳалқ оммасидир. Дунёда маданий-маънавий бойликлар дурдоналарини яратмаган, уларни авайлаб-асраб, келгуси авлод-аждодларга мерос қилиб қолдирмаган бирорта ҳам ҳалқ йўқ.

Инсоннинг амалий фаолиятида, ишлаб чиқариш жараёнида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат узвий равишда бирлашади. Бирорта ҳам меҳнат қуролини, моддий бойликларнинг бирорта ҳам турини инсон ақл-идроқи ва тафаккурисиз, билим бойликлари ва тажрибаларисиз яратса олмайди. Инсон амалий фаолиятининг ҳар қандай турида айни бир вақтнинг ўзида унинг ақлий ва жисмоний меҳнати бевосита иштирок этади.

Президент Ислом Каримов асарларида назарий исботлаб берилганидек, юксак маънавият ва маърифат иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ва тараққиётни тезлаштиришнинг муҳим омилидир. Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади ҳам яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт, турмуш шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам, маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Иқтисодиёт билан маънавиятнинг таъсири ва акс таъсири, жамият тараққиётидаги уларнинг бир-биридан кам бўлмаган роли ва

аҳамияти ҳақидаги фалсафий таълимот бутун инсоният жамиятида бўлгани каби Ўзбекистонга ҳам тааллуклидир. “Ҳозир, - деб ёзади И.Каримов, - бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турғанларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг тақдири ҳам, келажак авлодининг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади. Республика танг ҳолатларни қай даражада тезроқ бартараф этиши, яккаҳоқимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу нарса билан белгиланади”<sup>7</sup>.

Президент Ислом Каримов таълимотида маънавият ва маърифатнинг моддий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги масала катта ўрин тутади. Инсоннинг маданий-маънавий, маърифий камолоти моддий шарт-шароитлари билан боғликлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Моддий шароитларга, зарур бўлган ҳақ-хуқук ва эркинликларга эга бўлмасдан туриб инсон ўзидағи қобилият ва истеъодони юзага чиқара олмайди. Илм-фан асосларини эгаллаш, маданиятли, маърифатли бўлиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш учун давлат ўз фуқароларига лозим бўлган шарт-шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлиши керак.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди//Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. I-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1996.-39-бет.

Моддий шарт-шароит, кулай имконият мавжуд бўлмаса, маданият, маънавият ва маърифат тўла-тўкис ривожлана олмайди. Уларнинг ривожланиши ўзаро алоқадорлик асосида амалга ошади.

Маънавият жамият тараққиётига, иқтисодиётига, иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, фаровонликни таъминлашга кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишга маданий, маърифий, маънавий жиҳатдан тўғри ёндашмасдан туриб, бу соҳадаги вазифаларни самарали амалга ошириб бўлмайди.

Жамият маънавий-маърифий камолотини жадаллаштиришга бўлган зарурият Ўзбекистоннинг тадрижий тарзда бозор муносабатларига ўтаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Ғарбда, Европа мамлакатларида бозор муносабатларига ўтиш асосан иқтисодий тараққиёт конунлари, ҳукукий мезонлар билан белгиланади. Бизнинг ўлкамиизда, умуман Шарқ мамлакатларида эса, бозор муносабатларига ўтиш пайтида ўтмишдан бошлаб хозирги кунга қадар маънавият устуворлик қилиб келмоқда.

Бозор муносабатларига иқтисодий омилларнинг танҳо ўзи билан ўтиб бўлмайди. Бу соҳада маънавиятнинг аҳамияти беҳад катта. Одамларда имон, виждон, ҳалоллик, бирорларнинг ҳақини сийишдан кўркиш, одамгарчилик, меҳр-мурувват, диёнат сингари шарқона маънавий-ахлоқий қадриятлар, хислат ва фазилатларни шакллантирмасдан, мустаҳкамламасдан туриб, бозор муносабатларига муваффақиятли равишда ўтиб бўлмайди.

Халқнинг маънавияти ва маданияти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашнинг энг

муҳим белгиловчи аҳамиятга эга бўлган омиллари жумласига киради. Ана шу назарий қоида Ислом Каримовнинг асарларида ўзининг чукур илмий ифодасини топган: “Бозор муносабатларига ўтиш - ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки қўнглига келган ишни қиласверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-рухий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида барпо этилиши мумкин”<sup>8</sup>.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган, мулкчиликнинг турли шакллари қарор топиб, ривожланиб бораётган, ижтимоий-иктисодий ҳаёт рақобат ва тадбиркорликка асосланаётган ҳозирги пайтда, маънавиятни назар-писанд қиласаслик ўта салбий ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлиши мумкин. Рақобат шароитида маънавиятга эътиборсизлик билан қараш одамлар ўртасида тартибсизликлар рўй беришига, жиноятчилик ва порахўрлик авж олишига, маънавий таназзул ва рухий инқироз бошланишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Таъкидлаб ўтилган фикрлар эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолмаслигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. “Эркин бозор иктисоди билан маънавиятни қарама-қарши қўйишдан, тўғрисини айтсан, - дейди И.А.Каримов, - ўз умрини тугатган эски мафкуранинг хиди келади.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида // Ватан саёдагоҳ каби мукаддасдир. З-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1996.-275-бет.

Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қурамиз ва уни тўла татбик этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда сабит турадиган бўлсинлар”<sup>9</sup>.

Агар одамлар ўртасида инсофу диёнатга, ҳалоллик ва ижтимоий адолатга асосланган маънавий-ахлоқий, ижтимоий, ҳукуқий муносабатлар қарор топиб, чуқур илдиз отмаса, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ қийинчилик ва муаммолар тезда барҳам топмайди.

Мустакиллик йилларида маънавий юксалиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан бири – жамият аъзолари учун яратилган моддий имкониятлардир. Маънавий юксалишнинг моддий шарт-шароитлари инсоннинг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган иш ҳаки, пенсия, нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий этиш, ижтимоий муҳофазанинг барча турларини амалга оширишдан иборатдир.

Моддий имкониятлар қулай бўлган шароитда кишилар ўзларининг билим даражаларини оширишга, интеллектуал ривожланишга, адабиёт, санъат, фан, ҳалқ маорифи билан шугулланишга, маданий тадбирларда қатнашишга ва шулар орқали маънавий юксалиш имкониятига эга бўладилар.

И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Заминимизда яшаётган одамларининг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳар

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий таомийлари//Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. З-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1996.-35-бет.

бир киши ҳуқук ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун зарур шароитларни яратиш – жамиятилизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга кўяётган гоят муҳим вазифалардандир”<sup>10</sup>.

Ўтиш жараёни ўзи билан бирга қатор муаммоларни ҳам туғдириди. Иқтисодиёт ва иш кучи бозорида содир бўлаётган ўзгаришлар кўпчиликни мураккаб шароитга солиб қўйди. Ўз-ўзидан аёнки, ўтиш жараёнининг иштирокчилари, айниқса, ёшлар умуман бошқача муҳит, қонуният ва шароит билан тўқнашадилар. Собиқ Иттифоқ даврида ахолининг аксарият қисми иш билан тўлиқ таъминланганди, ёшларнинг меҳнат бозорига оқиб кириши эса қаттиқ назорат остида эди. Бундай режали ишга юбориш тизими, бир томондан, ёшлар хоҳиш ва истакларини, қобилият ва имкониятларини умуман назарга олмаган бўлса-да, иккинчи томондан эса, барқарорлик ва ижтимой интеграциялашувни, иш жойи ҳамда иш ҳаки билан таъминланишиний кафолатлаганди.

Марказлашган режали иқтисодиётнинг барҳам топиши муносабати билан ёшлар ўзгарувчан иш кучи бозорининг иштирокчиларига айланиб қолишди. Мазкур бозор эса янги имконият ва мураккаб қийинчиликлардан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг муваффакияти ва ўтиш даврининг ютуқлари ўзаро боғлиқдир. Янги иқтисодий муҳит яратган имкониятлар ёшларга хос бўлган ташаббускорлик, ижодкорлик ва мослашувчанликка кўмаклашади. Бироқ олдинги

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдил, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари//Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.-587-бет.

авлод билмаган хавфлар ҳам мавжуддир. Булар: тенгизликтининг чукурлашиб бориши, маргиналашув, ишсизлик, гиёхвандлик ва ҳ.к. Бошқача айтганда, эндиликда ўтиш даври ёшлар олдида улкан имкониятлар очибина қолмасдан, балки ўзи билан ҳар хил мураккабликларни ҳам олиб келмоқда.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг конкрет тарихий таққоси адекват жамият ижтимоий-синфий тизимини, айниқса, ёшларни шакллантиради. Ёшларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида тутган ўрни, ишлаб чиқарувчи кучларга бўлган муносабати меҳнатни ижтимоий ташкил қилишдан, яъни ижтимоий бойлик ва даромадни тақсимлашдан келиб чиқади. Улар орасидан эса, ишчи, дехқон, хизматчи ёки умуман ишсизларни ажратиб олиш мумкин. Қисман ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган талабалар алоҳида бир гурухни ташкил этади.

Юқорида ажратиб кўрсатилган табакалар ва ёшлар ижтимоий гуруҳларининг шаклланиши қуйидаги асосий омиллар, яъни ижтимоий келиб чиқиши (оилавий мақом ва унинг ёшлар учун бошланғич ҳолатида имкониятлар яратиб беришидаги муҳим омили эканлиги), олган таълим ва тарбиясининг сифати, ёш индивидларнинг субъектив имкониятлари ҳамда уларнинг маълум бир ижтимоий мухитни қабул қилишга тайёргарликлари билан белгиланади.

Албатта, замонавий жамият ижтимоий ҳаракатлар учун анча очик ва динамик бўлиб кетган, аммо ёшларнинг аксарият қисми учун уларнинг ижтимоий келиб чиқиши муҳим роль ўйнайди.

Бирок биринчи даражадаги ижтимоий гурухдан юқори турган бошқа даражадаги гурухга ўтиш жуда мураккаб жараёндир ва у ҳар бир индивиддан катта куч сарфлашни талаб этади.

Ёшларнинг иқтисод соҳасидаги турли амалиётлардан келиб чиқиб, уларни шу соҳаларга кириб боришига олиб келувчи куйидаги турларни ажратиш мумкин: а) давлат, б) жамоа, в) индивидуал амалиёт.

Иқтисод соҳасидаги давлат амалиётининг тури давлат корхоналар ва ташкилотлари, иқтисодни бошқариш органлари билан боғлиқ. Амалиётнинг бундай тури давлат даражасидаги аҳамиятга эга бўлган корхона ва ташкилотларга мансуб. Иқтисодни бошқариш органларидаги фаолият ҳам катта аҳамиятга эга. Айнан шундай фаолият туфайли мамлакат табиий-хўжалик комплексини назорат қилишга ва иқтисодий сиёсатни олиб боришига имконият яратади.

Иқтисод соҳасидаги жамоавий ҳамда хусусий фаолият ҳозирги кунда мамлакатимизда асосий ўрин тутади. У хусусийлашган корхона, ташкилот ва хўжаликларни қамраб олган. Аммо бугунги кунда бундай фаолият конъюнктура ва ҳамон стихияли характерга эга. Бугунги кунда кўпгина ишчилар корхоналарнинг ёпилиши, вақтида ойлик маошларнинг тўламаслиги, ишчи жойларини камайиб бориши ҳамда ишсизликнинг ўсиши каби муаммолар билан тўқнашмоқдалар.

Ҳозирги кунда кишилар орасида индивидуал иқтисодий фаолият кенг тарқалган. Бунинг айрим ижобий томонлари ҳам бор, албаттa. Аммо бу инфрасоҳада бундай фаолият учун давлат

бошқаруви ёрдамида оптимал шароитлар яратилиши керак. Чунки индивидуал иқтисодий фаолият (“олиб сотарлик”, шаҳарма-шаҳар юриш) – ривожланмаган ёки ривожланаётган мамлакатларга хос. Шу билан бирга, ҳар қандай шахсий иқтисодий фаолият ҳам табиат, ҳам жамият аъзолари билан боғлиқ.

Ёшларнинг иқтисодиёт соҳасида фаоллашувининг ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари бор. Салбий маънода, бундай фаоллашув индивидуал умумдавлат, умумжамият иқтисодий ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан йироқлаштиrsa, ижобий маънода, бундай фаолият ёшларда ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантиришга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда ёшлар вужудга келаётган кўпгина салбий ва ижобий масалаларни ҳал қилишга уринмокдалар. Аммо мураккаб вазифаларни ҳал қилишда уларга етарли даражадаги тажриба етишмайди. Бунинг устида меҳнат бозорида улар кўпгина муаммолар билан тўқнашмокдалар. Бу муаммолар ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятларга эга, энг муҳими, ёшларимиз жамият иқтисодий соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун - моҳиятини чукур ва атрофлича тушунишлари керак.

Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулқдорлар синфиининг шаклланиши, давлат мулкини хусусийлаштириш, уни давлат тасарруфидан чиқариш, эркин соҳибкорлик ва рақобатни ривожлантириш каби муаммоларга боғлиқ<sup>11</sup>. Бу муаммоларни ҳал

<sup>11</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида //Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. З-жисид.-Т.:Ўзбекистон, 1996.

этмасдан туриб бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш мумкин эмас. Демак, ёш тадбиркорларнинг мазкур муаммоларни ҳал қилишга тайёргарлик даражаси, масалаларни енгишга бўлган истаги ҳам катта аҳамиятга эга.

Бозор муносабатларига ўтиш шунинг учун ҳам зарурки, у инсонларнинг меҳнат ва ижодий имкониятларини, кобилиятларини рўёбга чиқаришга, боқимандачилик кайфиятига барҳам беришга, эгалик хиссини тиклаш ва ривожлантиришга олиб келади. Инсоният бозор муносабатларидан такомиллашганроқ бошқа механизмни ҳали яратган эмас. Социализм инсонлардаги чексиз имкониятларни очишга қодир эмас эди. Ишлаб чиқаришда, тақсимотда текисчилик хукм сурган жойда тараққиётга эришиб бўлмайди. Тўғри, экстенсив омиллар ҳалқни қулларча эзиб ишлатиш, уларга кам ҳақ тўлаш ҳисобига маълум натижаларга эришиши мумкин. Аммо улар қисқа муддатли, вактинчалик самара беради холос. “Мамлакатда чинакам ўрта мулқдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислоҳотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади,” – деб ҳисоблайди Президент Ислом Каримов<sup>12</sup>.

Иқтисодий жиҳатдан событқадам ва барқарор жамиятни шакллантириш, энг аввало, тадбиркорлик ва мулқдорлар синфи давлат, жамоат қурилишида, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Айни ўрта

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари// Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.б-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1998.-167- бет.

мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир.

Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади. Шу сабабли, иктисодий ўзгаришлар жараёни мамлакатда ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз хукуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун курашмайди, жамиятда барқарорликни саклаб қолиш ва химоя қилишга интилмайди. Чинакам мулкдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иктисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади.

Кичик бизнесни вужудга келтириш ва ривожлантириш – жамиятда ҳам иктисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу – республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу эса, ўз навбатида, янги иш жойларининг ташкил қилинишига олиб келиши табиийдир. Фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантиришгина гоят кескин муаммони – аҳолининг (айниқса, ортиқча меҳнат заҳиралари мавжуд бўлган

қишлоқ жойлар ва миңтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир.

Таъкидлаш жоизки, янги иқтисодий муҳит яратган имкониятлар ёшларга хос бўлган ташаббускорлик, ижодкорлик ва мослашувчанликка кўмаклашади. Бироқ айнан ўтиш жараёнида тенгсизликнинг чукурлашиб бориши ва ишсизлик каби муаммолар кучаяди. “Бугунги жиддий муаммоларимиздан бири,- дейди Ислом Каримов,- жойлардаги , авваламбор, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда ҳал бўладиган масала эмас, албаттга”<sup>13</sup>.

Ишсизлик муаммосининг ижобий ёки салбий томонга ўсиши, биринчи галда, иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ.

Бир томондан, иқтисодиёт тез ривожланса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидори кўп бўлса, экспорт ҳажми ортиб, шунинг ҳисобидан корхоналарга валюта тушади, янги иш ўринлари вужудга келади. Бу эса ишсизлик даражасининг пасайишига олиб келади.

Иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, барқарор ўсиб бориши тармоқларда ишлаётган одамларнинг доимо сезгир ва изланувчан бўлишини, бугунги кун талаб қиласиган касб-хунарларни ўрганишини, ўз малака ва савиясини муттасил ошириб боришини, замон билан тенг қадам ташлашни такозо этади.

<sup>13</sup> Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўринини згўллаши лозим //Президент Ислом Каримовнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гурухи аъзолари билан учрашувлаги нутки// Ўзбекистон овози.-2003.- 9 октябр.

Ҳар қандай шароитда ташаббус ва изланувчанлик билан яшаш, керак бўлса, тадбиркорлик сир-асрорларини пухта ўрганиш, тинимсиз ҳаракат қилиш ва олдинга интилиш билан ҳам ишсизликни енгса бўлади.

Ўзбекистонда ислоҳот йилларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва институционал тузилмалар вужудга келтирилди. Булар – Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, “Мадад” сугурта агентлигидир. Шунингдек, ҳозирги кунда консалтинг, инжиниринг ҳамда лизинг фирма ва компаниялар, бизнес-инкубаторлар тармоғи мавжуд.

Энг асосийси, кичик ва ўрта корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ катта иқтисодий кучга айланди. Мухими, кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ташкил этилмоқда. Кишлок хўжалиги соҳасига ҳам унинг кенг кириб бораётганлиги диккатга сазовордир. “Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафакат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вактда, унинг ахоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам мухим омилга айлантиришга эришмоғимиз лозим”<sup>14</sup>. Демак, жамиятимизда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-куватлаш жараёнлари давлат сиёсати даражасига қўтарилган. Ўуларни оқилона ҳал қилиш йўли билан ёшлар орасидаги бандлик масаласини ҳам ечиш мумкин.

<sup>14</sup> Ариимов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.8-жилд-Т.:Ўзбекистон, 2000.-339-бет.

Масаланинг иккинчи томони борки, у ҳақда ҳам алоҳида тұхталиб ўтиш жоиз. Ишсиз қолған кишилар қаторида ишдан бош тортган, ишлашни хоҳламайдыган ёки хуфёна иқтисодиётга йўл олган кишилар ҳам учрайди. Ёшлар ўртасидаги ишсизлик масаласи аксарият ҳолларда ижтимоий муаммолар, яъни зўравонлик, суицид, гиёҳвандлик, хукуқбузарлик каби ҳолатлар билан боғланади. Катталар ҳаётига бундай усулда ўтиш ҳар бир ёшнинг келажагига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги кўп муддатли ва кенг қамровли муаммоларга олиб келиши табиийдир.

Ишсизлик муаммоси ҳар бир ёшга ўзгача таъсир этади. Кимдир учун ишсизлик бир ишдан иккинчисига ўтишдаги кичик муддатли узилишни белгиласа, иккинчиси учун ҳали биронта ишда ишламагани, тажриба орттирмагани туфайли меҳнат бозорига кириб бориш йўлидаги катта муаммони англатади, учинчиси учун эса узок вакт давомида бандлик масаласини ҳал қилолмаган кишилар тоифасига мансублигини ҳис қилишни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, яна кимгadir ишсизлик қаттиқ таъсир қилиб, салбий оқибатларга, жумладан, жиноятчиликка олиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, доимий ёки кўп муддатли ишсизлик шахсни моддий, рухий жиҳатдан тушкунликка олиб келади. Бундай тоифадаги шахслар, айниқса, ёшлар аксарият ҳолларда жиноий гурухларга осонгина жалб қилинадилар ёки ўzlари жиноят йўлига кириб кетадилар. Ишсизликнинг жиноятчилик билан боғлиқлигини ўрганишда ишсизларнинг ёши ва микдори ҳам муҳим

криминологик аҳамиятга эга. Маълумки, касбий тайёргарликни олган, лекин меҳнат фаолиятини бошлаш истагини амалга ошира олмаган ёшлар умидсизликка тушиб, катта ёшдаги ишсизлардан фарқли ўларок, жиноятга тез жалб қилинадилар.

Бу муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этмаслик келгусида қишлоқ аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг шаҳарга оммавий равишда иш излаб боришига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқдан шаҳарга иш қидириб келган ёшларнинг шаҳарда яшashi учун турар-жой топиши, бирор касбга эга бўлиши учун иш ўринлари қидириши каби муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида эса қатор салбий оқибатлар, жумладан, юкоридаги шахслар бир қисмининг жиноят йўлига кириб кетиши каби ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Ишсизликни ижтимоий ва руҳий жиҳатдан енгиш учун шароит яратиш бугунги кунда жамият олдида турган муҳим вазифадир. Чунки кўпгина ҳолларда ишсизлик оқибатида ижтимоий, оиласвий ва руҳий конфликтлар келиб чиқади. Бу конфликтлар эса, айрим ҳолларда жиноят содир этилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, ишсизлик ҳақида жамоатчилик фикри қандай ва жамият ишсизларга нисбатан қандай муносабатда эканлигини билиш муҳим криминологик аҳамиятга эга.

Жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган шахсларни иш билан гаъминлаш масаласи ва бу масалани ҳал қилишга жамиятнинг муносабати ҳозирги вақтда энг асосий муаммолардан биридир. Уни оқилона ҳал қилишга қуйидаги омиллар сабаб бўймоқда:

-бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан қонунга итоаттгўй ва маълум касбга эга шахслар, айниқса, ёшлар орасида ишсизларнинг кўпайиши натижасида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиққан шахсларнинг ишчи кучи бозорида рақобатга чидай олмаётгани;

-жазони ижро этиш жойларидан бўшатилаётган шахслар миқдорининг йил сайин кўпайиб бориши;

-жамиятнинг, айниқса, мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот раҳбарларининг озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган шахсларга нисбатан ишга қабул қилишдаги салбий мўнносабати.

Ушбу жараёнлар жамиятда мавжуд бўлган бошқа бир қатор салбий ходисалар билан боғлиқ ҳолда жиноятчиликнинг қайта содир этилишига олиб келиши табиийдир.

Назаримизда, бу муаммони ҳал қилиш учун жазони ижро этиш жойларидан озод қилинган кишиларни ижтимоий ҳаётга кўнистириш марказларининг фаолиятини кучайтириш, бундай тоифадаги шахсларни тураг-жой, иш билан тъминлаш масаласини ҳал қилишнинг хукуқий асосларини яратиш, уларни жиноятни қайтадан содир этишдан химоя қилиш даркор.

Узок муддатли ишсизлик мұаммоси катталар учун ҳам кўпроқ аҳамиятга эга. Агар ёшлар жисмоний бақувватлиги, саломатлилиги, ёшларга хос бўлган ўзгаришларга тез мослашиш қобилияти туфайли мавжуд вазиятдан чиқиб кетишга уринсалар, катта ёшдаги кишилар ишсизликка бардош беролмайдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишсизлик муаммосини ҳал килиш жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Чунки ўтиш даврида ўзига хос демографик, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга эга бўлган мамлакатимизда ишсизликнинг ўсиб боришига олиб келувчи бир қатор омиллар мавжуд. Уларга куйидагиларни киритишимиз мумкин:

а) Ўзбекистонда ахолининг 50 фоизини ташкил этувчи меҳнат заҳирасининг ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бориши;

б) ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалигига банд бўлган ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғини бўшатиб олиш зарурлиги<sup>15</sup>;

в) қишлоқ хўжалигининг ўзи қишлоқ жойларда яшаётганларнинг ҳаммасини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлай олмаётганлиги;

г) айрим кўшни давлатларда барқарор тинчликнинг йўқлиги, айрим аҳоли қатлами иқтисодий ахволининг ёмонлашуви, у ерда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг барқарор тинчлиги таъминланган, иқтисодий жиҳатдан бирмунча ривожланган ва ахолининг яшаш шароити яхшиланиб бораётган Ўзбекистонга кўчиб келиш муаммосининг мавжудлиги;

д) ўтиш даврида иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган, бозор муносабатларига ўтиш чораларини ишлаб чиқмаган, ўз вақтида

<sup>15</sup> Каранг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиси кафолатлари//Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараккисёт йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1997.-209-бет.

ўтиш механизмини яратмаган, унинг объектив қонунларига риоя килмаган корхоналарнинг рақобатга бардош бера олмаслик ва банкротта учраши натижасида синиши ва эндигина оёққа туриб келаётган ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши ва ҳ.к.

Аммо ёшлар орасида ишсизлик ҳамон мавжудлигига қарамасдан, уларнинг ҳар учинчиси иш билан таъминланган. Ўтиш жараёнида ёшларнинг меҳнат бозорига кириб бориши ўзгарганлиги туфайли ишга йўлланиш шартлари ҳам анча ўзгарган. Охирги ўн йилликлар давомида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли саноат соҳасидаги иш билан бандлик масаласида катта ўзгаришлар рўй берди. Кўпгина мамлакатларда оғир саноат масштабларининг камайиб бориши билан бир қаторда хизмат кўрсатиш соҳасида ўсиш суръатлари сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Бу жараёнлар Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига хос. Аммо айрим мамлакатларда иқтисодиётнинг асосий сектори бўлиб қишлоқ хўжалиги қолмоқда. Ҳозирги кунда деярли барча соҳаларда хусусий секторнинг мавқеи ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, давлат секторидаги бандлик даражаси ҳам ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Бундай ўзгаришлар туфайли ёшларнинг хусусий секторга ишга кириб бориш суръатлари ҳам анча ўсган.

Ҳозирги кунда иш билан банд бўлган ёшларнинг кўпчилиги савдо-сотиқ соҳасининг иштирокчилариiga айланиб қолган. Бундай жараёнлар иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечираётган кўпгина мамлакатлар (Масалан, Польшада ёшларнинг–25 фоизи, Латвияда-

23 фоизи)<sup>16</sup>, жумладан, Ўзбекистонга ҳам хос. Ёшларнинг айнан савдо-сотик соҳасига кириб боришини мазкур соҳа учун алоҳида тайёргарлик, профессионал билим талаб қилинмаслиги билан тушунтирса бўлади.

Бозорда ёшларнинг ҳар бири ўзи учун маъқул бўлган савдо ишлари билан шуғулланиш имконига эгадирлар. Айни пайда кўпчилик учун бандлик масаласи бозорда ишлаш йўли билан ҳал қилинмоқда. Аммо бундай ҳолат давлат секторидаги иш жойларининг камайиб кетишига эмас, аксинча ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, янги иш жойларини ташкил қилиш, ишга профессионал тайёргарлик хизматларини вужудга келтириш, таълимни ривожлантириш йўли билан кўпайиб боришига ундаши керак.

Ўтиш жараённада кўпгина мамлакатларда бандлик масаласида давлат секторининг улуши камайиб борган бўлса-да, шунга қарамай, у ҳамон катта куч бўлиб қолмоқда. Айнан давлат секторидаги бандлик янги иш жойларини ташкил қилиш сиёсатини фаоллаштиришга замин яратиши мумкин. Давлат секторидаги иш жойларига эга бўлган кишилар давлат даражасидаги масалаларни ҳал қилишларида иштирок этиш имкониятига эга бўладилар, ёшлар сиёсатини юргизишда, ёшларга доир бандлик масаласини ҳал қилиншда ўз хиссаларини қўшишлари мумкин бўлади.

Ўзбекистонда ёшлар асосан кичик ва ўрта бизнес соҳасида иштирок этмоқдалар. Бунда бандлик масаласи анча эгилувчан

<sup>16</sup> Каранг: Молодёжь в меняющемся обществе // Региональный мониторинговый доклад Юнеско.-2000.-№7.-стр.77.

характерга эга. Мазкур жараён тўлиқ бўлмаган иш куни асосидаги режага мувофиқ ишлаш ёки қисқа муддатли шартномалар асосида ишлаш билан изоҳланади. Албатта, бундай кўринишдаги бандлик давлат сектори корхоналарига хос эмас. Агар мавжуд шароитни хисобга олсак, ёшларнинг меҳнат бозорида ўзларининг муносиб Ўринларини тўлиқ топгунларига қадар шундай бандлик айрим кулагайликларни яратиши мумкин, албатта. Бундай кўринишдаги меҳнат фаолияти ёшларга иш кунини, таълим олиш ва болаларни тарбиялаш вазифаларини ўзаро ҳамкорлик билан олиб боришига кулагай имкон туғдиради. Аммо бундай меҳнат тартиботлари ишчиларнинг айрим имтиёзлардан маҳрум бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу - ишдан озод қилиш тўғрисидаги огохлантириш муддатларини ўзгартиришга ёки уларга умуман риоя қиласликка, меҳнат шартномаси тугаган ишчи билан ҳисоб-китоб қилиш борасида ҳам анча қийинчиликларга олиб келади.

Бундан ташқари, хусусий секторда касаба уюшмаларининг мавқеи бутунлай бошқача. Касаба уюшмаларининг фаолияти айнан давлат секторида, яъни ишчининг хукуқларини ҳимоя қилиш, унга керакли ёрдам кўрсатиш борасида анча кучлидир. Меҳнат қилиш шароитларининг бутунлай ўзгариб бориши деярли ҳар қандай давлатга хосдир. Бу жараён ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам хосдир.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўли билан нафақат жамият иқтисодий соҳасини тиклаш ва юксалтириш, янги иш жойларини ташкил қилиш, балки инсонга

муносиб мөхнат шароитларини яратиш, мөхнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат ўз тизимлари орқали аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига, мулкий тафовутнинг олдини олишга ҳаракат қилиши керак. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бозор иқтисодиётига ўтиш кийинчиликлар билан кечади. Деярли барча мамлакатларда ўтиш даврининг дастлабки босқичларида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, ишсизлик даражасининг ўсиши, турмуш даражасининг пасайиши, кишиларнинг ҳаёт фаровонлиги ўртасидаги тафовутнинг кучайиши кузатилади.

Шу сабабли, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш билан боғлиқ Ўзбекистон моделида марказий бўғин сифатида кучли ижтимоий сиёsat белгиланди. У, энг аввало, аҳолини адресли ҳимоя қилишни кўзда тутади. Мамлакатимизда энг катта эътибор ҳақиқатан ҳам муҳтоҷ оиласаларга ёрдам беришга қаратилди. Аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида катта ишлар қилинди. Ижтимоий кўллаб-куватлашнинг бутун тизими тенгчилик ва боқимандачилик кайфиятини тугатишга қаратилди.

Ислоҳотларнинг амалга ошиши ва бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига қараб ижтимоий сиёsatнинг устувор йўналишлари ўзгариб борди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизми, тенгсизлик ҳамда қашшоқликка барҳам бериш инаклари ва усуслари такомиллашди. Натижада чорагадбирларнинг бутун бир тизими шаклланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими асосида аҳоли турли хил катламларига қатъий табақалашган ёндашув, ижтимоий ёрдамнинг мақсадли характеристи ва адреслилиги, уни амалга оширишда давлат билан бир қаторда корхоналар, ижтимоий ташкилотлар, шу жумладан, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳайрия фондлари ва бошқа нодавлат фондларининг қатнашуви ётади<sup>17</sup>.

Давлат ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали йўл-йўриклари ва имкониятларини вужудга келтиришда ҳам катта ўрин тутади. Халқ манфаатларининг давлат томонидан ҳисобга олиниши Ўзбекистонда бозор иктисодиётига ўтишнинг ўзига хос томонларидан биридир<sup>18</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимиз вақтинча ишсиз қолган шахсларга ишсизлик бўйича куйидагиларни кафолатлади:

-ишсизлик нафақасини тўлаш;

-мехнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий мехнат стажига қўшиш;

<sup>17</sup> Каранг: Григорьева И. Социальная политика: Основные понятия// “Журнал исследований социальной политики”. - Саратов: Общественное мнение, 2003, Том 1, № 1; Митрошенков О. Социальная политика в России: мегатенденции.-М.:Союз,1998; Тихонова Н., Шкаратан О. Российская социальная политика: выбор без альтернативы?// “Социологические исследования”.-2001.-№3.-с.21-33; Giddens F. The Consequences of Modernity.- Stanford: Stanford University Press, 1990; Luhmann N. Formen des Heitens im Wandel gesellschaftlicher Bedingungen// Luhmann N. Soziologische Aufsätze zur Theorie der Gesellschaft, 4 Auflage. Opladen,1991,S.134-149; Worterbuch. Sociale Arbeit: Aufgaben, Praxisfelder, Begriff und Methoden der Sozialarbeit und Socialpadagogik. Wenham und Basel, 1998 ва бошк.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мehr ва мурувват йили” дастури тўғрисида карори/- Ўзбекистон овози.- 2004.-29 январь.

-ищиз шахсга қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;

-ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;

-мехнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим йўналиши халқаро ва республика хайрия жамғармаларидан фойдаланиш ҳисобланади. “Маънавият ва маърифат маркази” қошида ташкил этилган “Олтин авлод” халқаро жамғарма ҳисобидан ёш авлодни маънавий жихатдан тарбиялаш ва таълимни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шундай қилиб, республика аҳолисини халқ хўжалигида шаклланаётган ва ривожланаётган бозор муносабатларининг салбий оқибатларидан ҳимоя килиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг юқорида саналган тадбирлари республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни ўрнатишни кафолатлайди, даромадлар даражаси бўйича аҳоли қатламлари ўртасидаги ижтимоий табақалашув чуқурлашувининг олдини олишга имкон яратади, қашшоқликнинг кучайишига йўл қўймайди. Аҳолининг тобора ўсиб бораётган фаоллиги ва барқарор иқтисодий ўсиши эса республика аҳолиси барча қатламларининг турмуш даражаси яхшиланишига олиб келади.

Демак, маънавий-ғоявий ривожланишнинг моддий асослари бакувват бўлса, жамият аъзолари бугунги куннинг кўпгина муаммоларини тўғри тушунишлари, келажакка дадил ва изчиллик

билин қадам ташлашлари мумкин бўлади. Бунинг учун ҳар бир киши, энг аввало, ёшлар томонидан бўлиб ўтаетган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниши, ўз онги ва тафаккурини замон талабига мувофиқ равишда ўзгартириши, энг муҳими, келажакни яхши томонга ўзгартиришга интилиши ва ишонч ҳосил қилишидадир.

Мехнат жамоасида инсоннинг маънавий, ахлоқий фазилатлари, ақлий ва жисмоний фаолияти шаклланади, юзага чиқади. Моддий ҳаёт, ишлаб чиқариш усули инсоннинг маънавий, ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги иштирокига сабаб бўлганидек, шахснинг меҳнат соҳасидаги фаоллиги ҳам, ўз навбатида, унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Хозирги давр ижтимоий онг соҳасида сифат ўзгаришларини, иқтисодий маданият ва мағкурунинг замонавий турини ҳосил қилишни, шахсда юксак масъулият, ишчанлик, интизом, омилкорлик фазилатларини тарбиялаб вояга етказиш вазифасини ўртага кўяди. Мехнат жамоаларининг хуқуқларини кенгайтириш хўжалик юритишнинг янги усулларини ҳаётга бирин-кетин жорий этмоқдаки, буларнинг ҳаммаси инсон омили таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда шахс фаоллигини ошириш имкониятини беради.

# ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Жамият тараққиёти куйи босқичлардан юқори босқичга, ўтмишдан келажакка томон ривожланиб борган сари ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётда халқ оммасининг роли, гайрати, уюшқоклиги ортиб ва чукурлашиб, инсон амалий фаолияти жадаллашиб боради. Бу умуминсониятга хос қонуниятдир. Ижтимоий ўзгаришлар меҳнаткашлар оммасининг туб манфаатлари, ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига мос келса, бунга одамлар олдиндан ишонч ҳосил қиласа, бундай пайтларда улар рўй берәётган чукур тарихий ўзгаришларга бефарқ қарамайди, оддий томошабин бўлиб турмайди, балки ўзини мўъжизакор куч сифатида кўрсатади, барча қобилият, талант ва истеъдодини ишга солади.

Тарихий мақсадлар кўлами кенг, инсон шахси баркамол бўлса, фаол меҳнат қиласа, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этса, давлатимиз шу қадар тез ривожланади ва мустаҳкамланади. Инсоннинг ижоди, ташаббуси жамиятимиз кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбаидир.

Ҳар бир жамият ўзига муносиб бўлган инсонни, шахсни юзага келтирганидек, инсон ҳам шу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бефарқ қарамайди. Шахс айни пайтда атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш, уни ўзлаштириш қобилиятига ҳам эга. Унинг жамиятга таъсири мақсадсиз кўр-кўронга фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон жамият қонулари, ўз ҳаёти шароитларини

билиб олган, маълум мақсадга қаратилган амалий фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий муҳитни, жамиятни ўзгартира бошлади. Инсон фақат шароит ва тарихнинг маҳсулигина бўлмай, балки уларни яратувчи ҳамдир. Тарихий жараёнда халқ оммасининг, айниқса, ёшларнинг қанчалик фаол иштирок этиши, гайрат ва ташаббус кўрсатиши моддий ва маънавий бойликлар ижодкори бўлган меҳнаткаш инсоннинг шиҷоатига, онглилик даражасига, ўзига топширилган ишларига қанчалик масъулият билан ёндаша билишига, ижодий ташаббускорлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бу фикр ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги тарихий босқичига ҳам бевосита тааллуқлидир. Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир инсондан ўз бурчини кўр-кўrona бажаришни эмас, балки унга онгли, илмий асосда ёндашишни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда ҳар бир шахсни гоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш ҳар томонлама етук ва баркамол бўлишига эришиш, сиёсий, маданиятли қилиш мамлакатимизни равнақ топтириш, демократияни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолди.

Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичи инсон омилининг, шахс ижтимоий-сиёсий фаолиятининг қонуний равишда ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Бу бежис эмас, чунки барча ижтимоий муносабатлар йигиндисидан иборат бўлган шахснинг ижодий фаолиятини ривожлантириш, ишга солишининг янгидан-янги йўллари ва имкониятларини қидириб топмасдан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди.

Инсоният тараққиётининг турли босқичларида ижтимоий ҳаёт учун энг мухим вазифалардан бири - шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёнини амалга оширишдир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, унинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши ва мавжуд сиёсий тузум билан ўзаро муносабатда бўлиши, мафкура ва қонунчилик, маънавий қарашлар ва қадриятлар тизимини ўзлаштириб бориши ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда, жамоатчилик ишларида иштирок этиши ва жалб этилиши жараённида амалга ошиб боради. Ўз навбатида, сиёсий ҳаётга қадам қўйган янги авлоднинг ижтимоийлашуви, жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнлар узлуксизлигини ва сиёсий тараққиётнинг ворисийлигини таъминлайди. Бу эса, давлат билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мутаносиблиги эришувига имкон беради ҳамда мавжуд тузумнинг барқарор ривожланишини кафолатлади.

Ёшларда сиёсий маданият шаклланишининг мураккаб ва серқирра жараёнини тўла тушуниб олиш учун, энг аввало, “ижтимоийлашув” категориясининг моҳияти тўғрисида аниқ ва тўла тасаввурга эга бўлиш лозим.

Ғарб тадқиқотчилари ўртасида ижтимоийлашувни индивиднинг ташки ижтимоий шарт-шароитга мослашуви (адаптацияси) деб тушунадилар. Ижтимоийлашувни шундай маънода тушуниш шахснинг ижтимоий ҳаёт тарихий тажрибасини тўғридан-тўғри ўзлаштириши ҳамда унинг маълум ижтимоий мухитдаги ҳукмрон қонун-коидаларга, мавжуд кўрсатмаларга кўр-кўрона риоя қилиши лозимлигини англатади. Бошқача қилиб

айтганда, бундай таърифда инсонга пассив роль ажратилади, унинг фаолияти эса, аввалги авлод қолдирган меросни ўзлаштириш билангина чекланади.

“Ижтимоийлашув” категориясини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этишда ижтимоий борлиқнинг инсон шаклланишидаги ҳал қилувчи ролидан келиб чиқиш мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз. Чунки индивид табиат маҳсули, биологик жонзот бўлибгина қолмай, балки мълум ижтимоий тузумнинг, ижтимоий шарт-шароитнинг ҳам маҳсулидир. Кўпгина файласуфлар томонидан ижтимоийлашув индивиднинг жамият, ҳалқ, синф, ижтимоий гурух миллиат ва элатлар қадрияларини ўзлаштириши, уларга ижтимоий муносабат сифатида маъно касб этиши хамда уларни мавжуд жамият ижтимоий муносабатлар тизими даражасига кўтариши маъносида тушунирадилар.

“Ижтимоийлашув” тушунчасини таҳлил этишда инсон фаолиятининг индивид ривожидаги муҳим ўрнини ўтиборга олиш зарур. Шу билан бирга, ижтимоийлашув фақатгина шаклланаётган шахснинг фаоллигигина бўлиб қолмасдан, айни пайтда, атроф-муҳитнинг унга бўлган таъсири ҳамдир.

Фаоллик категорияси ижтимоийлашувнинг моҳиятини тушуниш имконини беради. Чунки фаоллик индивиднинг ижодий меҳнат фаолияти асосидаги шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабат жараёни бўлиб, унинг натижасида инсон ижтимоийлашувининг конкрет-тарихий шаклига эришилади.

Инсон, шахснинг бойлиги, фаоллиги, энг аввало, меҳнат фаолияти соҳасида рўёбга чиқади. Меҳнат соҳасидаги фаоллик

шахс фаоллигининг бошқа ҳамма шаклларига қараганда белгиловчидир. Бу тасодифий эмас, чунки айнан шу соҳада инсоннинг олган билими, орттирган тажриба ва малакаси амалда кўлланилади, намоён бўлади.

Ҳозирда ижтимоийлашув жараёнига инсон фаолияти нуктаи назаридан ёндашиш харакатлари кузатилмоқда. Яъни ижтимоийлашув икки томонлама жараён бўлиб, бир томондан, индивиднинг ижтимоий муҳитга кириб бориш йўли билан ижтимоий тажрибани ўзлаштириши ва иккинчи томондан эса, унинг ижтимоий муҳитга фаол кириб бориши натижасида ижтимоий алоқаларнинг янги тизимини яратиши бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ижтимоийлашув жараёнида индивид ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга ва уларни ўзининг ички маънавий бойлигига айлантиришга қаратилган ҳамда аввалги авлод ижтимоий тажрибасини ривожлантириб, уни юқори босқичларга кўтаришга қаратилган фаол харакатга жалб этилади.

Ижтимоийлашувнинг маълум йўналишга эга бўлган шакли жамият манфаати ва мақсадларига мос келадиган шахсни шакллантиришга қаратилган, инсонга таъсир этувчи маҳсус ишлаб чиқилган воситалар тизимиdir. Бу тизим ижтимоий онг, ижтимоий муносабатлар ва манфаатлар йиғиндиси, умуман ижтимоий муҳит билан узвий боғлик ҳолда ишлаб чиқилади ва у томонидан тавсия этилган услублар мавжуд ижтимоий институтлар томонидан жамият ижтимоий тузилишини, одамларнинг турмуш тарзларини, ҳаётий шарт-шароитларини, уларнинг ижтимоий тажрибаларини,

билим ва маданият даражасини, рухиятини, таълим-тарбия хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Маълумки, ёш авлод ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги кунда Марказий ва Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ёшларга демократик жараёнларни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш каби муҳим жараёнларда иштирок этиш насиб этган. Ёшлар томонидан мазкур жараёнларга бевосита боғлиқлиги ва уларнинг асосий бажарувчи кучи эканлигини ёнгинаш, ана шу ҳаракатларни барқарорлик билан амалга оширишда муҳим замин яратади.

Мазкур масалани таҳлил қилишдан аввал ҳозирги кунда жамиятимизда ёшларнинг тобора сиёсийлашуви жараёни кечайдиганлигини таъкидлашимиз керак. Ёшлар сиёсий муаммоларини таҳлил қилиш масаласи узок давом этадиган ва мураккаб кечадиган жараёндир. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай муаммоларни фалсафий жиҳатдан тадқиқ этишининг шуролар давридаги энг юқори даражаси 70-80 йилларга тўғри келди. Айнан шу пайтда ёшларнинг жамият сиёсий тизимидағи аҳамияти масалалари кенг таҳлил этилган.

Мазкур масалани тадқиқ қилишнинг мутлақо янги мазмуни Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши билан боғлиқ. Янги сиёсий тизимнинг шаклланиши, жамиятдаги мафкуравий ўзгаришлар, эски ёшлар ташкилотларининг тарқаб бориши, янгиларининг эса ҳали ташкил қилинмаганлиги ёшларга катта салбий таъсир кўрсатганди. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки,

ёшлар сиёсий ҳаёти билан боғлиқ муаммолар нафақат мамлакатимиз, балки Собиқ Иттифокдош ҳамда ривожланган мамлакатларнинг кўпгина олимларини қизиқтириб келмокда<sup>19</sup>.

Мазкур жараённи умумийликда тадқик этиш учун шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий муносабатларга киришган ёшларнинг, шу билан бирга, сиёсий муносабатларга киришмасликка иложи йўқ. Бундай ёшларнинг сиёсийлашуви ҳақида гапирганда, жамиятни бошқариш, ҳокимият учун (энг аввало, давлат ҳокимияти учун) кураш олиб бориш, монополия ёки бошқа бирлашмалар ўртасидаги муносабатларни ҳал қилишдаги имкониятларга эга бўлишиликни тушунамиз. Албатта, мазкур жараён ҳам жамиятга, ҳам уни амалга оширувчи ёшларга бирдек таъсир этади. Мазкур мусобақа маълум табиий, ижтимоий, иқтисодий ва этно-маданий базислар асосида амалга оширилади.

Ёшлар сиёсийлашуvinинг моҳияти унинг иқтисод, сиёсат соҳасидаги фаол кучи, янги сифатий ҳолати билан белгиланади. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур жараённинг моҳияти конкрет-тарихийдир ва у ёшларнинг шаклланиши ҳамда жамият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлик. Ёшлар сиёсийлашуви, аввало, уларнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрни билан, сиёсий ҳаракат ва жараёнлардаги иштироки, касаба

<sup>19</sup> Карап: Васильчук Ю. Культура и свобода совести, правосознание и достоинство гражданина//Полис.-1992.-№3.-с.8-19; Олех Л. Кадры для системы политического образования: Новосибирский опыт//Полис.-1992.-№5-6.-с.194-199; Ушакин С. Молодёжь как субъект деятельности: Попытка обзора методологии подходов// Полис.-1993.-№2.-с.136-143; Серебряников В. Армия в общественно-политических взаимодействиях// Социс.-1996.-№4.-с.67-74; Кузнецов А. Ценностные ориентации современной молодёжи.-Саратов, 1995; Aron R. Raix et Quelque entre les nations.-Р., 1962; Marcuse G. One-dimensional man. -Boston, 1969; Хейзинга И. Homo Iudens в тени завтрашнего дня/Пер. с нидерл.-М.,1992. ва бошк.

уюшмалари, сиёсий партия ва ташкилотлардаги фаолияти, ўзининг “Мен”и шаклланиши ва намоён бўлиши билан белгиланади. Ёшлар сиёсийлашуви билан боғлиқ фаолиятни куйидаги турларга ажратиш мумкин: а) давлат, б) партиявий, жамоавий, в) хусусий, индивидуал.

Ёшлар сиёсийлашувини жадаллаштириш уларнинг ижтимоий жараёнлардаги иштирокини кучайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ. Мазкур амалиёт ҳам жамият, ҳам ёшларни ўзига жалб этади. Ёшлар сиёсийлашувининг моҳияти уларда янгича иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши билан диалектик боғлиқдир. Айнан ана шу иккита жараён ёшларнинг янги сифатий ҳолатга ўтишини белгилайди.

Масалани атрофлича таҳлил қилишдан олдин, “ижтимоий ҳаракат” тушунчасининг мазмунига ҳам эътиборимизни қаратсак. Маълумки, ҳеч бир ижтимоий тизим ҳаракатсиз мавжуд бўла олмайди. Жамият ҳаётида юз берадиган ўзгариш, яъни ижтимоий ҳаракат - умуман ҳаракат турларининг ичидаги энг мураккабидир. Чунки бунда нафақат объектив ижтимоий қонуниятлар, балки субъектив, яъни инсонларга боғлиқ омиллар ҳам мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан олганда, ижтимоий ҳаракатнинг ўзи ҳам тизим хусусиятига эга бўлади. Уни турлича ўрганиш ижтимоий ҳаракатнинг турли томонлари – ижтимоий-рухий, тизимли-функционал, қадрий-меъёрий жиҳатларини тадқиқ этишни, ижтимоий ҳаракатни ўрганишга комплекс ёндашувни талаб қиласди. Маълумки, фалсафада ижтимоий ҳаракат, кенг маънода, ижтимоий фаолият сифатида тушунилади ва ўрганилади. Мазкур қисмда биз

айнан шу нүктай назардан келиб чиқиб, жамиятимиз ҳәётида ёшлар ижтимоий ҳаракатларининг ўрни масаласини кўриб чиқмокчимиз.

Маълумки, инсоннинг ижтимоий воқеликка нисбатан муносабати фаолият тушунчаси билан ифодаланади. Инсоннинг айнан амалий фаолияти уни ўраб турган моддий, табиий, айниқса, ижтимоий дунёни ўзгартиришга қаратилган бўлади. Шу билан бирга, инсоннинг ташки дунёни ўзгартиришга қаратилган ҳаракати унинг фаолиятининг бошқа барча турлари учун асос ҳисобланади. Умуман, инсоннинг амалиётдаги фаолияти (ҳаракати, хулқ-атвори) субъект-объект ва субъект-субъект муносабатлари бирлигida намоён бўлади. Бу ерда биринчи кўринишдаги муносабатлар инсоннинг ташки мухитни ўзлаштиришини англатса, иккинчи кўринишдаги муносабатлар эса ушбу фаолият жараёнида одамлар ўртасидаги мулокотни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаракатни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода, ижтимоий ҳаракат ижтимоий воқеликни ўзгартириш ва тақомиллаштиришга қаратилган фаолият тури ҳисобланади. Тор маънода эса ижтимоий ҳаракат шахс ёки айрим ижтимоий груптарнинг мавжуд ижтимоий воқеликка мослашишга қаратилган ҳаракат тизимини англатади.

Назаримизда, ҳозирги ёшлар ҳаракати олдинги йиллардаги ёнилар ҳаракатидан анча фарқ қиласди. Бу ҳаракатларга анъанавий хокимият институтларига нисбатан чукур танқидий муносабат, ўз карашларини ифода этишда мустақиллик, кенгроқ эркинлик, фаолият усусларида хилма-хиллик ўзига хос хусусиятдир. Бугунги кунда ёшлар янги демократик институтлар барпо этишда,

ижтимоий-маданий фаолиятни амалга оширишдаги ўзларининг бевосита иштироки билан янги жамиятни шакллантиришга ва уни ўзлари тасаввур қилаётган шаклга келтириш имкониятига эришишлари мумкин.

Агар Farb мамлакатларида ёшларнинг давлат сиёсий хаётидаги иштироки, мавжуд сиёсий тузумни ўзгартириш ҳаракатлари анча барқарор топган муҳитда амалга оширилса, ўтиш жараёнини бошдан кечираётган мамлакатларда, ёшлар олдида мутлақо янги ижтимоий-иктисодий тузумни, сиёсий тизимни ва фуқаролик жамиятини куриш каби масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Табиийки, бундай фаолият натижаларини олдиндан ҳар томонлама кўриш қийин. Бу эса ўз навбатида, турли хил қийинчиликларга дучор бўлишга олиб келади.

Ҳар қандай ўтиш жараёнини бошдан кечираётган мамлакатга хос бўлган қийинчиликлар, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши, айрим ёшларимизнинг мактаб, оила, иш жойларидан узоқлашиб бораётганлигини тасдиқласа-да, аммо уларнинг ўмуман жамият ҳаётидан бегоналашувини билдиrmайди. Бугунги кунда давлатимизнинг турли жабҳаларида, сиёсий майдонларда ёшларимиз фаол иштирок этиб келмоқдалар. Кўпчиликнинг ғалабаси айнан ўтиш жараёнидаги ўз қобилиятини намойиш этиш учун қулай шароитлар вужудга келганлиги туфайли амалга оширилди. Бугунги кунда ёшлар фуқаролик ташкилотлар ва оммавий ижтимоий ҳаракатларни вужудга келтирувчи кучга айланганлар.

Ёшларимизнинг жамият сиёсий соҳасидаги иштироки турли хил кўринишда намоён бўлиши мумкин. Булардан биттаси - ёшларимизнинг сайлов ва референдум ўтказилишидаги иштирокининг даражасидир. Сайловларда иштирок этиш демократик харакатларнинг энг асосийси бўлиб, мазкур жамиятнинг келажаги борлигини кўрсатувчи омиллардан биридир.

Ёшларимизнинг марказий ва маҳаллий кенгашларга депутатларни сайлаш жараёнларида фаол иштирок этишлари куйидаги сабабларга кўра катта аҳамиятга эга:

биринчидан, ёшлар сиёсий манфаатлари катта авлоднинг сиёсий манфаатларидан фарқ қилиши мумкин. Демак, ана шу алтернатив (муҳолиф) манфаатлар ҳам ўз аксини топиши керак;

иккинчидан, агар бошқа вазиятларда ёшлар кекса авлод олдида ўзини катта таъсир кўрсатувчи куч сифатида билмаса ҳам, сайловларда ёшдаги фарқ иккинчи даражали масалага айланиб колади, яъни ёшлар худди кекса авлод каби бир хил имконият, битта овоз бериш хукуқига эгадирлар. Ана шу биттагина овоз эса бутун сайловларнинг натижасини ҳам ўзгартириши мумкин;

учинчидан, ёшларимизнинг у ёки бу қарорга келиши уларни жамиятда бўлиб ўтаётган муҳим муаммоларнинг мазмунини тушунишга чорлайди. Ёшларимизнинг сайлов компанияларида фаол иштирок этишига эришиш, ўз навбатида, келажакдаги демократик жараёнларни чукурлаштиришга ва мустаҳкамлашга олиб келади.

Фуқаролик жамиятини куриш шароитида ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштироки турли шаклларда, яъни ижтимоий ҳаракатлар,

нодавлат ташкилотлар, спорт клублари, маданий марказлар фаолиятидаги иштироки орқали амалга оширилади. Ёшлар ташкилотлари ўзларининг манфаатларини тўлиқ намойиш этиш, безовта қилаётган масалаларни ҳал қилиш мақсадида бирлашганларни ўз бағрига олганлар. Ўтиш жараёнини бошдан кечираётган кўпгина мамлакатларда ёшларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги иштирокининг турлари эндигина вужудга келмоқда ҳамда улар давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларнинг янги поғоналарини белгилайди.

Собиқ Иттифоқ даврида ёшларимиз давлат томонидан кучли назорат остига олинган оммавий ташкилотлар аъзоларига айлантирилганди, масалан, комсомол. Бу ташкилотта аъзо бўлиш ихтиёрий бўлган бўлса-да, аслида бундай аъзоликкина келажакдаги ҳаётни тўғри ташкил қилиш, керакли лавозимларга кўтарилиш учун кулай замин яратиши мумкин эди. Комсомолга аъзо бўлмаган кишининг олий ўкув юртига кириши ёки қандайдир лавозимни эгаллаши анча мушкул эди. Шунинг учун аксарият ёшларимиз комсомолга аъзо бўлишга интилган. Расмий маълумотларга таянсак, собиқ СССРда 1980 йилларнинг охирига келиб, 14-28 ёшгача бўлган ёшларнинг 65 фоизи комсомол аъзоси бўлган. Айрим Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида эса бу кўрсаткич ҳатто 80-90фоизи ташкил этган.

Бундай коммунистик институтлардан мазкур жамиятни саклаб қолиш мақсадида, ёшларнинг устидан керакли назорат олиб бориши ва уларни ўз кўлида ушлаш учун фойдаланилган. Аммо шу билан бирга, бундай ташкилотлар ёшларга бир-бири билан муомалада

бўлиш, спорт билан шуғулланиш учун кулай шароитлар яратиб берган. Мазкур ташкилотларнинг йўқ бўлиб кетиши туфайли ёшлар бепул спорт тўгаракларида қатнашишдан, бир-бири билан мулоқотда бўлишдан ҳамда ранг-баранг жамоатчилик ҳаётида қатнашишдан маҳрум бўлдилар. Аммо бунинг эвазига бугунғи кунда ёшларимиз бошқа турли хил ижтимоий ҳаракат ва ташкилотларга аъзо бўлиш, ўз кизиқишиларини намойиш этишдаги янги имкониятларга эга бўлдилар.

Ҳозирги кунда ёшлар ижтимоий ҳаракатларини давлат томонидан таъминланадиган ва сиёсий партиялар томонидан ўз ҳимоясига олинганларга ажратиш мумкин. Буларнинг айримлари ўзининг сиёсий йўналишини сақлаб қолганлар, бошқалари эса ўз ёшлар ҳаракатларини ташкил қилганлар. Россияда “Яблоко” либерал партияси ўзининг ёшлар бўлимига эга, бундай бўлим “Россия миллий бирлиги”да ҳам бор. Словакиядаги AMAVET ёшлар бирлашмаси сиёсий йўналишга эга эмас, унинг мақсади ёшларга ўз қобилият ва имкониятларини намойиш этишга кўмаклашишдан иборат. Айрим ташкилотлар маданий йўналишда бўлиб, миллий маданиятни тарғиб қилиш, тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ёшларни бирлаштирган бўлса-да, буларнинг айримлари диний тус олмоқда. Европанинг айрим мамлакатларида миллий озчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ёшлар ташкилотлари вужудга келган. Масалан, Словакияда венгер ва лўли ёшларининг ташкилотлари мавжуд.

Бугунги кунда Собиқ Иттифокдош мамлакатларнинг деярли барчаси ёшлар сиёсатига доир кўпгина масалаларни ҳал қилишга

киришганлар. Бу мамлакатларда ҳам турли кўринишдаги ёшлар харакатлари ва гурухлари ташкил топмоқда. Масалан, Россияда 1999 йилда “Ёшлар хукуқларини ҳимоя қилиш харакати” (“Молодёжное правозащитное движение”/МПД) вужудга келган. Бугунги кунда мазкур ҳаракат Россия, Европа ва Осиё (Германия, Белорус, Украина, Қозогистон, Молдова) мамлакатларининг 30та ҳудудларидағи 60дан ортиқ ёшлар ташкилотлари ва гурухларини бирлаштиришга муваффақ бўлди. МПДнинг ташкил қилинишидан асосий мақсад: хукуқни муҳофаза қилиш, ёшларни инсон хукуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга эришиш ва ҳ.к<sup>20</sup>.

Корелияда ҳам «Ёшлар ҳаракати» (“Молодёжное движение Корелии”) вужудга келган. Мазкур ҳаракат регионал ижтимоий ташкилот бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, маданият, спортнинг ривожланишига кўмаклашишdir<sup>21</sup>.

Бу рўйхатни давом эттириш мумкин: “Ўнг ёшлар ҳаракати” (“Молодёжное движение правых”)<sup>22</sup>, “Эзгулик йўллари” ёшлар ҳаракати (Молодёжное движение “Дорогами добра”)<sup>23</sup>, “Православ талаба ёшлар ҳаракати” (“Студенческое православное молодёжное движение”)<sup>24</sup> ва бошқалар.

Ёшлар орасида бундай ижтимоий фаолликни кўллаб-куватлаш катта аҳамиятга эга. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ана

<sup>20</sup> Қаранг: Молодёжное правозащитное движение.- <http://www.yhrtm.narod.ru/>.

<sup>21</sup> Қаранг: Молодёжное движение Корелии.- <http://mdk.karelia.ru/>.

<sup>22</sup> Қаранг: Молодёжное движение правых .- <http://www.lenta.ru/>.

<sup>23</sup> Қаранг: Молодёжное движение “Дорогами добра”.-<http://www.e1.ru/>.

<sup>24</sup> Қаранг: Студенческое православное молодёжное движение.-<http://www.provoslavie.ru/>.

шундай жараёнлар бошланиб кетган. Ёшларни уюштириш, улар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлатимиз олдида турган долзарб масалалардан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикасида хам “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистондаги энг кенг тармоқ отган ҳаракатлардан бирига айланган. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Таъсис қурултойи бўлиб ўтгандан сўнг ҳар бир вилоятда, Қорақалпогистон Республикасида, шунингдек, Тошкентнинг 11та туманида мазкур ҳаракатининг бўлимлари, бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади. Жумладан, 2001 йилда 599та бошланғич ташкилот тузилган бўлса, 2002 йилда уларнинг сони 601га, 2003 йилда эса 627тага этди. Бугунги кунда пойтахтимиз аҳолисининг 285 мингдан кўпини 14 дан 28 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Шулардан 230 мингдан зиёди, яъни 80 фоизини ҳаракатининг фаол аъзолари ташкил этади<sup>25</sup>.

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади – ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манбаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақлзаковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шартшароитлар яратиб бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суюнчи бўлишдан иборатдир. Ҳаракат ўз олдига яна бир қатор муҳим вазифаларни кўйган, шулар қаторида мамлакатимизда эркин демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишга кўмаклашиш,

<sup>25</sup> “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шахар бўлими ва Назорат тафтиш комиссиясининг хисоботлар тўплами.- Т.,2004.-1-бет.

ёшларнинг ҳукуқий билимларини ошириб бориш, ёшларнинг куч-тагиратини, интеллектуал салоҳияти, касб малакасини ватан равнақи учун йўналтириш, аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий меросимизни чукур ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳаракат марказида ёшлар турар экан, демак, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, жиноятчилик, диний экстремизм, гиёхвандлик, лоқайдлик каби турли иллатларга қарши курашиш, жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик мухитининг, бунёдкорлик ишларининг гарови бўлган миллатлараро тотувлик ва дўстликни янада мустаҳкамлашга хисса қўшиш ҳам жуда мухимdir.

Ўзбекистон Республикасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида “Камалак” болалар ташкилоти ҳам вужудга келган. Бугунги кунда пойтахтдаги барча умумтаълим ўқув юртларида таълим олаётган 7 ёшдан 14 ёшгacha бўлган 300 мингдан ортиқ ўқувчilar шу ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади.

“Камалак” ташкилоти ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида юксак маънавият, соғлом, билимдон қилиб тарбияловчи болалар томонидан тузилган жамоат ташкилоти ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади болаларнинг шахсий ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Президент ва Давлат рамзларига садоқатли бўлишлари, ўз ватанининг содик фуқаролари бўлиб етишишлари, ўз ишлари ва ҳаракатлари билан жамиятга фойда келтиришларига ёрдам беришdir.

Жамият тараққиётида, уни бошқаришда нафақат ижтимоий ҳаракатлар балки сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг ўрни катта аҳамият касб этади. Сиёсий партиялар маълум бир ижтимоий гурухлар, табақаларнинг манфаатларини ифодалайди ва уларга хизмат қилади. Сиёсий партияларни “йўлбошчилар” деб аталадиган энг обрўли, тажрибали кишилардан иборат бирмунча барқарор гурухлар идора қилади.

Ривожланган мамалакатларда сиёсий партиялар сайлов тизими воситасида марказдаги ёки жойлардаги ҳокимиятни кўлга киритиш ёхуд ундаги лавозимларни сайловда олган улушларига қараб мутаносиб равишда тақсимлаб олишга ҳаракат қиладилар. Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий майдонида бир неча сиёсий партиялар ҳам муносиб ўринни эгаллашга муваффак бўлдилар. Энг муҳими, партия аъзоларининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партиялараро ғоя ва қарашларининг рақобати, сайловчилар овози учун кураш олиб боришлири табиийдир. Албатта бу кураш қонун доирасида олиб борилиши керак.

Президентимиз И.А.Каримов сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало, ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши кераклигини гаъкидлаган.

Давлатимиз мустақиллигининг пойдевори ва ишончли таянчи ҳисобланмиш ёш, иқтидорли кадрларнинг сиёсий куч сифатида бирлашини мамлакатимизда кўпфикрлилик, кўппартивийлик

шароитини барло этишга, халқаро андозаларга мос келадиган демократик тамойилларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўзларининг сиёсий мақсадларини рўёбга чиқаришга, келажаги буюк давлат қуришга қодир эканлигидан далолат беради.

Ёшларимиз ўз олдиларига жамият аъзоларини жипслаштириш, фаоллигини ошириш, уларнинг куч-ғайратларини жамият ҳаётини яхшилашга, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлашга сафарбар этиш каби масалаларни қўймоқдалар.

Ўзбекистонда 1925 йилдан бошлаб “Қизил Ярим Ой Жамияти” ўз фаолиятини бошлаб юборганди. Ўша пайтда мазкур ташкилот Собиқ Иттифоқ доирасида ўз фаолиятини олиб борганди. Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кейин 1992 йилда “Қизил Ярим Ой Жамияти” тўғрисида Президент фармони эълон қилинган. Ҳозирги кунда мазкур ташкилот Қорақалпогистон Республикаси, 12 вилоят, Тошкент шаҳар ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” ташкилотларини ўз ичига олган. Бундан ташқари, мазкур жамиятнинг жойларда 10.000 бошланғич ташкилотлардан иборат бўлган 200тадан ортиқ ташкилотлари вужудга келган<sup>26</sup>.

“Қизил Ярим Ой Жамияти” катта эътиборни ёшларга қаратмоқда. Ёшлар орасида Халқаро Жамиятнинг мақсадини тушунтириш, санитар-эпидемиологик таълимни олиб бориш, бошланғич тез ёрдамни кўрсатиш усулларини ўргатиш - буларнинг барчаси Жамият олдида турган асосий вазифалардир. Ҳозирги кунда мазкур Жамиятга Нидерланд ва Швециянинг “Қизил Ярим

<sup>26</sup> Қаранг: Ўзбекистонда “Қизил Ярим Ой Жамияти”. - <http://www/resuz@uzpak.uz/>.

Ой Хочи” ташкилотлари молиявий ёрдам кўрсатмоқдалар. 2000 йил 7 июлда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятининг “Ёшлар клублари ва марказлари” тўғрисидаги қоидаси қабул қилинган.

Ҳозирги кунда республикамиизда кўпгина жамғармалар ташкил топган. Буларнинг асосий вазифалари хайрия ёрдамини кўрсатиш, аҳолининг ночор қатламларини ҳимоя қилишдан иборатdir. Шуладан биттаси, “Соғлом авлод учун” жамғармасидир. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелдаги “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида”ти фармони асосида ташкил қилинган. Бу фармонни бажариш учун Вазирлар Маҳкамаси жамғарма фаолиятини белгилаб берувчи ва унинг тиббий, ижтимоий, инсонпарварлик ва молиявий-иктисодий дастурларини амалга ошириш шарт-шароитларини таъминловчи бир қатор қарорлар қабул қилди.

Жамғарма ўз маблағи ҳисобидан чет эллик шериклардан ёрдам сифатида дори-дармонлар, болалар овқатлари, тиббий жихозлар, кийимлар ва ҳ.к. олиб тиббий муассасаларга ва республика аҳолисига тарқатади, болаларни чет элда даволаш учун ёрдам кўрсатади.

Ҳозирги кунда оммавий ҳаракатлар ўрнини кўплаб нодавлат ва нотижорат ташкилотлари эгалламоқда. Бундай ташкилотлар ўз қаторларига бир хил манфаатларни ҳимоя қиласиган кишиларни бирлаштирган. Буларга турли кўринишдаги сиёсий, маданий, экологик, спорт ёшлар ҳаракатларини мисол қилиб келтиrsa бўллади. Аммо уларнинг ичida ёшларнинг аксарият қисмини айнан спорт тўғараклари ва секциялар қизиқтиради. Мавжуд иқтисодий

қийинчиликларни ҳамда бундай түгаракда қатнашиш учун баланд нархлар белгиланганлигини хисобга олсак, ёшларнинг кўпчилиги спорт билан шуғулланишдан маҳрумлар. Демак, бу масалани ҳал килишда давлат тузилмалари ўзларининг молиявий ёрдамларини кўрсатишлари керак.

Кейинги йилларда республикамизда турли экологик ҳаракатлар пайдо бўлиб, ўз қаторларига кўплаб ёшларни тўплашга муваффақ бўлдилар. Бундай ҳаракатларнинг асосий мақсади экологик муаммоларни бартараф этишнинг янги имконият ва йўналишларини қидиришдан, табиатни муҳофаза этиш борасида янги демократик тамойилларни қарор топтиришдан иборат. Булар қаторида “Экологик тоза Фаргона учун Ассоциацияси”, “Орол ва Амударё қутқариш Иттифоки” ҳаракатларининг фаолияти диққатга сазовордир.

Ёшларимизнинг экологияга оид билимларини бойитиш, она табиатга бўлган муҳаббатини такомиллаштириш мақсадида “Экосан” ҳалқаро хайрия жамгармаси билан ҳамкорликда “Келажагимиз ва экология” шаҳар кўрик танлови, “Тошкент гуллари” экофестивали ўtkазилди. 2003 йилнинг ёз ойларида “Тоза уйим-обод шахрим” кенг қамровли тозалаш акцияси ўтказилди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давомида туман бўлимларига бириктирилган маҳаллалар ва кўчаларда тозалаш ишлари олиб борилди.

Сўзсиз, бундай фаолият ёшларимизга ўз меҳнатларининг самарасини кўришга, кўшган ҳиссаларининг мазмунини тушуниб

етишга ижобий турткы бўлади. Ихтиёрий, ўзининг фаоллигидан келиб чиқиб бундай жараёнларда иштирок этиш ҳар бир ёш йигит-қизимизга ўз қобилияtlарини намойиш этиш билан бирга жамиятга ижобий таъсир этиш имконини ҳам яратади.

Биз юқорида ёш авлод ва жамият ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратгандик, аммо жамиятнинг ўзи ёшларга қандай муносабатда эканлиги масаласи ҳам катта аҳамиятга эга. Мълумки, давлат сиёсати одатда жамиятдаги ижтимоий фикрнинг акс эттирувчи вазифасини бажаради. Демократия қарор топган ёки ўтиш жараёнини бошдан кечираётган мамлакатларда ягона, баркарор ёшлар сиёсати ишлаб чиқилмаган. Бунинг ўрнига, ёшларга оид муаммолар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бўлган меҳнат бозорини шакллантириш, уй-жой фондлари, таълим, ижтимоий ҳимоя масалаларига бириктирилмоқда. Шундай қилиб, “ёшлар сиёсати” тушунчаси турли соҳаларда ёш авлодга тааллуқли бўлган масалаларнинг йигиндисидан келиб чиқади.

Шунга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ҳозирги кунда шундай хулосага келдики, ёшларга оид муаммоларнинг соҳавий ҳамда худудий чегаралари йўқ. Демак, шундай масалаларга ҳалқаро даражада ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бундай жараёнлар ёшлар сиёсатига ягона ёндашувни ишлаб чиқишига, уларнинг хукуклари ва бурчларини адo этишлари учун керакли имкониятлар яратишга ундейди. Ғарбий Европа мамлакатлари мазкур масалаларни ҳал этиш мақсадида кўп йилларга мўлжалланган истиқболли дастурларни тайёрлаш ишларини бошлаган. Европа

Иттифоқи ва Европа Кенгаши эса ёшлар сиёсатига доир баёнотни тайёрлашга киришишган.

Ёшлар табиатига кўра, турли қизиқишлиар ва турли тоифаларга бўлинадилар. Уларга бир хилда қараш ва бир хилдаги муносабатда бўлиш ҳамма вақтда ҳам керакли самарани беролмайди. Шунинг учун ёшларга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва унга мувоғик барча ишларни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хозирги қунда ёшларга фақатгина “катта ёшга ўтувчилар” деб эмас, балки ўз ҳақ-хукуқларига эга бўлган ва уларни танийдиган муҳим бир жамият аъзоларини ташкил қилувчи қатлам, деб қаралмоқда. Аммо шунга қарамай ўтиш жараёнини бошдан кечираётган мамлакатларнинг айримлари ҳамон ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш устида бош қотирмоқдалар.

Ҳар бир мамлакат ёшларга доир давлат сиёсатини ўзининг минталитети, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда. Шунга қарамай, барча давлатларда ҳам ёшлар сиёсатини тўғри олиб бориш учун қуидагиларга алоҳида аҳамият бериш керак:

- биринчидан, ёшларнинг жамият ҳаётида тулиқ иштирок этишини таъминлаш, ўзларини шахс ва давлат фуқароси эканлигини тўла ҳис қилиши учун барча шароитларни яратиш;
- иккинчидан, ёшлар саломатлиги ва жамият барқарорлигига таждид қилувчи ҳаракатларнинг олдини олиш, профилактика ишларини олиб бориш;

- учинчидан, ижтимоий мухтож, таҳликали гурухларга киругчи ёшларни ижтимоий назоратдан четда қолишининг олдини олиш;

- тўртгинчидан, ёшлар ижтимоий-сиёсий ҳак-хукукларини химоя килувчи ва таъминловчи институтларни ташкил қилиш, мазкур тизимнинг юридик асосларини ишлаб чиқиш.

Мазкур улкан мақсадларни амалга ошириш, ёшларга ўз сиёсий карашларини тўлиқ намоён этишлари ва амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш керак. Энг муҳими, биз ёшларни жамиятимиз турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг бевосита иштирокчисига айлантиришимиз, маънавиятини ўстиришимиз, уларнинг сиёсий билимларини оширишиш муҳим аҳамият кабс этмоқда.

## **ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини, яъни бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин очиқ демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлини белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси

конунчиллик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”<sup>27</sup>.

Хукуқий демократик давлатни куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан қадам қўяётган Ўзбекистон Республикасида фуқаролар хукуқий билими, хукуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамиятимизда кенг кўламда ўтказилаётган иқтисодиёт, сиёсат, давлат курилиши, хукуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг хукуқий онги ва билими ҳамда хукуқий маданияти даражасига боғликлиги ўз-ўзидан аён.

Хукуқий давлат – бу, энг аввало, суверен давлат бўлиб, ўзида мамлакатда яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларнинг суверенитетини ифода этади. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга бундай давлат ҳамма учун кафолатланган адолатпарварликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг эркинлигини ҳам таъминлайди. Хукуқий давлатда мажбураш фақат хукуқ асосида амалга оширилади. Давлат факат унинг суверенитети, фуқароларнинг ҳақ-хукуқлари поймол этилгандагина қонун доирасида куч ишлатишга мурожаат қиласди.

Хукуқий давлатнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

<sup>27</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари// Ватан саҳдагоҳ каби мукаддасдир. З-жилд. - Т.:Ўзбекистон, 1996.- 10-бет.

Биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлиги. Хукуқий кадриятлар тизимида хукуқ энг олий кадрият ҳисобланади.

Хукуқий давлатда қонун устун бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг хукуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу билан бир қаторда, барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт. Бу ҳам фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан биридир.

Қонун устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси асосида инсон хукуқларини химоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларининг киритилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят-процессуал қонун хужжатларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Уларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг самарасини бермоқда.

Масалан, Республикамиз Президенти томонидан лойиҳаси киритилиб, 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят Кодекси”, “Жиноят-процессуал Кодекс”лари ҳамда “Маъмурий жавобгарлик тўғрисинда”ги Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш

ҳақида”ги қонун билан жиноятларни таснифлаш, енгиллаштириш маъносида такомиллаштирилди, ярашув институти жорий этилди, Жиноят кодексидаги ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар сони кескин камайтирилди, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида бекор қилинди ва шу каби инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўлланилди.

Қонунга итоат қилиш, унга бўйсуниш жамиятимиздаги барча фуқаролар учун мажбурийдир. Афсуски, бугунги кунда қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қиласиган, уни поймол этадиган шахслардан жамиятимиз холи бўлгани йўқ.

Иккинчидан, фуқаролар ҳақ-ҳукуқларининг реаллиги ҳамда шахснинг эркин ривожланишининг таъминланиши. Индивид эркинлигининг ҳукуқий характеристики ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намёён бўлиши керак. Шахс эркинлигининг кафолатланиш даражаси эса мамлакатнинг давлатчилик, иқтисодий ва маънавий заминлари билан ўлчанади.

Учинчидан, давлат ва фуқароларнинг ўзаро жавобгарлиги. Сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи давлат ва ана шу давлатни шакллантиришда иштирок этувчи фуқаролараро муносабатлар адолат ва тенглик тамойилларига асосланган ҳолда қурилиши керак.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш, унинг қонуний заминлари, ҳукуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларнинг сиёсий-ҳукуқий фаоллигига, билимдонлик даражасига узвий боғлиқдир.

Фуқаролик жамиятида кишилар бир-бирлари билан боғлиқ ва давлат билан мустақил муносабатда бўладилар. Бу жамиятда ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётни таъминлаш, уни ривожлантириб, авлоддан-авлодга етказиш давлат билан жамоа муносабатларининг маълум даражада мустақиллиги орқали амалга оширилади. Фуқаролик жамиятида шахс ижтимоий муносабатларда иштирок этади, ҳар бир шахс ўзлигини намоён қилиб, ўз фаолиятининг шакл ва турларини эркин танлайди.

Бундай жамиятда давлат инсонни керакли шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳукуқлар ва эркинликлар билан таъминлайди. Демак, фуқаролик жамиятида инсон ҳукуклари ва фуқаролар ҳукуклари таъминланган бўлади. Бу икки ҳолда ҳам гап шахс ҳукуқи тўғрисида боради: биринчисида, шахснинг алоҳида инсон сифатида эркин ва баҳтли яшаш ҳукуқи тўғрисида, иккинчисида эса унинг сиёсий ҳукуклари тўғрисида.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Бу жамиятнинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, ҳаётий орзуларини, ниятларини рӯёбга чиқаришдир. Бу мақсад ташкилотлар, жамоа институтлари, гурӯхлар, оила ва бошқа бирлашмаларнинг фаолияти орқали амалга оширилади.

Кўппартиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ўз-ўзини бошқариш органлари мавқеининг мустаҳкамланиши, жамиятни бошқаришдаги оммавий аҳборот воситалар ролининг ортиб бориши ҳам фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидандир. Булар жамиятда маънавий

ҳаёт умумбашарий қадриятларга асосланиши, инсон эркинлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолат тўла қарор топишини таъминлаш орқали амалга оширилади. Демак, фуқаролик жамияти – инсонларнинг тенг хукуқли жамияти бўлиб, якка шахслар ёки жамоаларнинг манфаатлари ва талабларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат институтлари тизимиdir.

Фуқаролик жамияти маълум жамоат бирлашмаларигина бўлиб қолмай, балки улар фаолияти натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамdir. Шунинг учун ҳам, фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналарсиз, одатларсиз, одоб-ахлоқ меъёрларисиз, миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият кишиларнинг иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфаатларини шакллантиришга ва амалга оширишга қаратилган ижтимоий алоқалар тизимини ҳам қамраб олади. Республикамиз Конституцияси инсонни жамиятнинг энг катта бойлиги сифатида алоҳида кўрсатган ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона хукуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради.

Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устунлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишига ҳамда шу соҳадаги ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги - фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилиdir.

Юкори даражадаги хукуқий онгни шакллантиришга йўналтирилган фаолиятни ўрганиш унда асосий эътибор хукуқий билимларни кучайтиришга қаратилаётганлигини кўрсатмоқда.

Айни пайтда хуқуқий тарбиянинг қонунга итоаткорлиги, қонуний хатти-харакатни шакллантиришдан иборат муҳим мақсади четда қолмоқда. Бунинг устига бугунги шароитда қонунга итоаткорликнинг ўзи ҳам хуқуқий тарбиянинг аниқ мақсади бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросида юксак маънавиятни шакллантириш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу мураккаб жараёндир ва у энг аввало, инсонларнинг хуқуқларини таъминлайдиган, ҳимоя қиласидиган Конституциянинг қабул қилиниши билан бошланиб, ҳалқимизни ижтимоий муҳофаза қиласидиган қатор органларнинг тузилиши ва қонунларнинг қабул қилиниши билан уйғунлашиб кетади<sup>28</sup>.

Конституциямизда ҳалқимиз тарихида биринчи маротаба давлатимиз бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилди ва ҳамма тенг деб таъкидланди. Конституцияда фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, шахсий ҳақ-хуқуқлари, эркинликлари ва уларни таъминлаш йўллари, кафолатлари аниқ кўрсатилган.

Демократик жамият қуриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида ҳалқ манфаатларини ифода этиши шарт. Бундай қонунларга оғишмай итоат этилсагина жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Чунки барча демократик институтлар инсон хуқуқ ва эркинликлари қонуни воситасида жорий этилади.

<sup>28</sup> Қаранг: Халилов X. Ўзбекистон Республикасининг Парламенти: Биринчи чакирик Олий Мажлиснинг фаолияти. - Т.: Ўзбекистон, 1999.-11-17 бетлар.

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси чамбарчас боғлиқдир. Юртбошимиз белгилаб берганлариdek, қабул қилинаётган қонунларимизнинг замирида адолат ётиши лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири – жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланганлигидир. Шу билан бирга, Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

“Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳукуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳукуқий маданияти ва ҳукуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсундириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳукуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафакат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади”<sup>29</sup>.

Қонун устуворлигининг можияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг

<sup>29</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигига//Хафғосизлик ва тинчлик учун курашмок керак. 10-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 2002.- 28-бет.

органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”<sup>30</sup>.

Хуқуқий давлат, унинг қонун - қоидалари фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини, қадр-қиммати, эркинлиги, шаънини, гурурини ҳимоя килади, ижтимоий адолат таъминланишини ўз зиммасига юклайди. Маълумки, қабул қилинган меъёрлар хуқуқий хужожатларни муваффақият билан ҳаётта татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича хуқуқий онгни, хуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ҳар бир фуқарода хуқуқий маданият, хуқуқий онг, билимни шакллантириш ва ўстириш масаласи катта аҳамият касб этмоқда.

Маънавиятнинг муҳим жиҳати бўлган хуқуқий маданият халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, рухиятига асосланган ҳолда – инсоф ва имон, адолат ва қонунийлик, инсонга юксак ҳурмат ва эътибор, сабр-тоқат қаби маърифат ва ҳақиқат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат килади. Шунинг учун ҳам, кишиларнинг фикрини, дунёқарашини мустақиллигимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга йўналтирилган хуқуқий маданият ҳаётий заруратдир.

Хуқуқий маданият фуқаролар ва давлат ўртасидаги мулкий, иқтисодий, миллий, оиласвий, шахсий ва ҳ.к. муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, меъёрлар, қоидалар мажмуаси асосида вужудга келади ва шаклланади. Хуқуқий маданият инсонларни фақат ўз миллий бекилигига ўралиб қолишига йўл қўймайди,

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2003.-5-бет.

балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган муаммоларни қонуний тарзда ҳал қилишга чорлайди.

Жамиятнинг хукуқий маданиятини таърифлаб, мустақиллик даврида ушбу маданият жиддий ўзгаришларга учраганлиги, унинг даражаси кўтарилиганлиги, мазмунни демократик қадриятлар ва ғоялар билан бойиганлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Агар қисқача айтадиган бўлсак, хукуқка муносабат ўзгарди. Бироқ яна кўп ишларни қилиш керак бўлади. Фикримизча, хукуқий маданиятнинг ривожланиши унинг барча таркибий қисмларини комплекс ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш асосида кечади. Хукуқий маданиятнинг тарихий ривожланишини хукуқий ахвол, хукуқий эркинлик даражаси ташкил этади.

Хукуқий маданиятнинг тузилишини унинг моҳиятиниadolatli фуқаролик жамияти ва демократик хукуқий давлат куришда тутган ўрни ва вазифасини аниқлаган ҳолда кўриб чиқиш керак. Жамият хукуқий маданияти куйидагилардан ташкил топган: **бираинчидан**, юридик нормалар тизими бўлмиш - хукуқдан; **иққинчидан**, хукуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизимидан; **учинчидан**, хукуқий муҳофаза қилишни таъминлаш билан шуғулланувчи давлат ва жамият институтлари, яъни юридик муассасалардан; **тўртинчидан**, хукуқий онг, яъни хукуқий воқеликнинг инсон маънавиятига сингишини таъминловчи маърифий-тарбиявий ишлар тизимидан; **бешинчидан**, хукуқий хатти-ҳаракатлардан.

Кўриниб турганидек, хукуқий маданият ижтимоий онг ва ижтимоий амалиётнинг кўп киррали ҳолати бўлиб, жамиятни

тавсифловчи барча ҳуқуқий жиҳатларни, масалаларни ўз ичига олади. Жамият ҳуқуқий маданиятини ташкил этувчи элементлар бир вақтнинг ўзида бошқа хил тузилмаларга ҳам киради. Ундан ташқари, ҳуқуқий маданият элементлари бир неча ижтимоий, маънавий тизимларнинг таркибий қисмлари, деб ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият тузилишини таҳлил этганда асосий эътиборни унинг табиатига қаратиш керак. Агар кишилик фаолияти шаклларининг ҳуқуқий маданиятда тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинса, авваламбор, иккита соҳани назарда тутиш керак: биринчидан, бевосита ҳуқуқий соҳадаги фаолиятни ва, иккинчидан, ҳуқуқий бўлмаган, лёкин ҳуқуқ амал қиласидиган соҳа билан боғлик бўлган фаолиятни. Биринчисини тушунишда ғоятда анъанавий бўлмаган йўналишлар намоён бўлса-да, алоҳида қийинчиликлар учрамайди. Иккинчисининг мазмунини шакллантириш бадий шаклда бўлган ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, баҳолар, ҳиссиётлар кабиларни акс эттирадиган асарлар билан боғлик. Бу фаолият бевосита ҳуқуқий маданиятга кирмайди, лекин ўз ғоявий мазмуни жиҳатидан унга сингиб кетади. Шундай қилиб, радио, телевидение, адабиёт, тасвирий санъат, кино, журналистика ўзича ҳуқуқий маданиятга кирмаса-да, лекин доимий равища уни тўлдириб боради.

Ҳуқуқий маданиятнинг юкорида таъкидланган элементлари унинг мазмунига тўла мос келмайди. Аммо улар жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ифодалайди. Унинг мазмуни эса, факат ҳуқуқий онг, ҳуқуқ, конунийлик кабиларнигина эмас, балки унинг ривожланиш даражасини, миқдори, яъни циқвилизациянинг,

тараққиётнинг ҳозирги босқичи нималарни берса, ҳаммасини қамраб олади.

Хукукий маданият фуқаролар ва давлатлар ўртасидаги мулкий, иқтисодий, миллий, оиласвий ва бошқа муносабатларни шакллантириш ҳамда назорат қилиш билан бир қаторда одамлар хукукий онги, саводхонлиги, билимининг ўсишига олиб келади. Хукукий онг шаклланмаган жойда хукукий маданият ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Хукукий онг, энг аввало, одамларнинг қонунга бўлган муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодларидан, уларнинг хукуқ ҳақидағи тасаввурларидан, интилишлари ва туйгуларидан иборатdir. Хукукий онги, билими, маданияти ўсган ҳалқ ва миллат ўзини-ўзи англаб, кучига ишониб, бор имкониятларидан ижобий ҳолда фойдаланиб, келажаги буюк давлатни барпо эта олади. Хукукий онг, хукукий билим барча фуқароларни нафақат бугунги куннинг муаммоларини ҳал қилишга, балки келажакни ўйлаб иш тутишга даъват этади.

Бизнингча, хукукий давлатда жамият ва шахс хукукий онгининг муҳим жиҳати, қонунга хурмат, унинг қадрини шахс қадриятларининг энг юқори даражасига кўтаришдан иборат. Хукукка, қонунга бўлган хурматни оддий қонунга итоаткорлик, деб тасаввур этиб бўлмайди, у юқори даражадаги хукукий фаолликни талаб этади.

Айнан хукукий фаоллик, яъни шахснинг ижтимоий фаол ижобий ҳатти-ҳаракати унинг хукукий онгининг, қонунга хурматининг даражасини билдирувчи муҳим кўрсаткичdir.

Қонунга хурмат қонундан, унинг одиллигидан қониқиши жиссига, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқ принциплари ва нормаларига ихтиёрий равишда бўйсундиришга асосланган ахлокий-хуқукий категориядир. Бошқача айтганда, шахс ҳуқукий мажбуриятларни англаған бурч сифатида, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги тамойилининг тимсоли сифатида қабул қиласи.

Ҳуқукий онг шахс онгида, жамият ғояларида намоён бўлган ҳукуқдир. Ҳуқукий онг ҳуқуқ ва қонунийликка нисбатан бўлган муносабатдаги эътиқодлар, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимиdir.

Ҳуқукий онг ҳуқукий маданиятдан келиб чиқади. Ҳуқукий онг кишиларнинг ҳуқуқка, қонунга, одил судловга бўлган муносабатларини ифодалайдиган қарашлар йигиндисидир. “Ҳуқукий онг ҳуқукий маданиятнинг ғоят мухим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у энг аввало, одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодларидан, уларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларидан, интилишлари ва туйғуларидан иборатдир”<sup>31</sup>.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги республикамиизда яшаётган барча одамларнинг умумий билим ва маданий савияси, хусусан, ҳуқукий онгини ўстириб, ривожлантириб, такомиллаштириб ҳаёт заруриятига айлантирди. Бугунги кунда ёш авлодимизни мустақилликнинг барча хусусият ҳамда имкониятлари билан чукур ва атрофлича таништириш давлатимиз олдида турган мухим вазифалардан биридир. Бу борада қонунга хурмат билан қараш,

<sup>31</sup> Халилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқи. ёнгнинг ўрни. -Т.:Ўзбекистон, 1997.-7-бет.

унга оғишмай риоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Хуқуқий онги ва билими кенг бўлган инсон яхшилик билан ёмонлик, ўғрилик билан тўғрилик, ҳалоллик билан нопокликнинг фарқига боради. Хуқуқий маданият эса, уни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялайди, порахўрлик, товламачилиқдан асрайди, бировларнинг мол-мулкига ҳиёнат қилган, жиноий гурухлар билан тил биректириб, бировларни алдаб, ўлдириб, мулкига эгалик килмоқчи бўлганларга нисбатан одамлар қалбида нафрат туйғусини уйғотади.

Хуқуқий маданиятнинг тараққиёти шахс ҳуқуклари ва эркинликлари ҳажмининг кенгайиши, улардаги ҳимояланганлик даражасининг кўтарилишидир. Хуқуқий тараққиёт марказида шахс, унинг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳамда маданиятдаги олий қадрият бўлган шахснинг, барча нарсаларнинг мезони бўлган инсоннинг мақомини мустаҳкамлашга қаратилган барча ҳуқуқий воситалар, механизмлар ва институтлар туради.

Хуқуқий тарбия ва юридик таълимга ҳуқуқий ривожланишнинг, ҳуқуқий маданиятни кўтаришнинг муҳим омиллари, ҳуқуқий тараққиётни тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин бўлган омиллар сифатида қарааш лозим.

Хуқуқий билимлар ўз-ўзидан ҳуқуқий маданиятга айланмайди. Хуқуқий билимлар, ҳуқуқий меъёрлар кишиларнинг онги ва турмушига сингиб кетган, амалий фаолиятларида кўлланила бошлаган тақдирдагина ҳуқуқий маданиятга айланади. Қабул килинган қонунлар, ҳужжатлар билан нафақат танишиш, чукур ўрганиб чиқиш, балки уларга итоат этиш, амалда

фойдаланиш ҳам хукукий маданият белгиларидан биридир. Хукукий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва коидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг хукукий малака ва билимларини ишга солиб, фаол қатнашади.

Демак, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини куриш учун конституциявий асослар мавжуд. Лекин уни тезлаштириш учун инсон хукуқларини тўла амалга ошириш, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, бошқа жамоат бирлашмаларининг жамиятни бошқаришда фаол иштирок этишларига эришиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг, оиласининг жамиятдаги ролини оширишда бутун дунёда чуқур илдиз отган демократик қадриятларни ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш зарур.

Хукукий онг давлат ва жамиятнинг бошқарув таъсирига энг кам учраган хукукий маданият элементидир. Тезлик билан янги конун қабул қилиш, давлат органини тузиш мумкин, аммо инсоннинг хукукий онгини тезда ўзгартириб бўлмайди. Юксак хукукий онгни шакллантириш кўп куч ҳамда вақт талаб қилувчи кийин вазифадир. Шунинг учун ҳам “Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да барча хукуқ субъектларининг хукукий онги даражасини кўтариш бежиз бош мақсад қилиб белгиланмаган. Хукукий қадриятларни маънавий ўзлаштириш оддий инсоний маданият ва саводхонлик бўлишини тақозо этади. У шахсни тарбиялаш жараёнлари билан узвий боғликларидир.

Инсоннинг хукуқ ва эркинликларидан ташқари, унинг жамият ва инсоният олдида бурчи ва масъулияти ҳам мавжуддир. Хукукий

онг, билим, маданиятга эга бўлган инсонгина ўзи яшаб турган жамиятнинг қонун-қоидалари, талаблари, ҳуқуқий меъёrlарига амал қилади.

Одатда, ҳуқуқ, қонун, бурч, виждан ҳақида гап кетганида қонунбузарлик ёки қонун олдида жавобгарлик назарда тутилади. Бурч дегани, аввало, Конституцияни ўқиб – ўрганишдан бошланади. Бош қонуннинг маъно-мазмунини англамайдиган фуқаро жамиятда ўз ҳаққини билмайдиган, ҳуқуқий онгсиз томошабинга айланиб қолиши турган гап. “Минг афсуски, бу сир эмас, - дейди Президенти И.А.Каримов, - кўпчилигимиз Конституциянинг маъно – мазмунини яхши билмаймиз, уни синчилаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг можиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимииз мумкин”<sup>32</sup>.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида жамиятда муаммоларнинг пайдо бўлиши ҳам табиийдир. Пайдо бўлаётган қийинчиликларни енгиш учун ҳар бир кишидан сабр-тоқат билан биргаликда янги муҳит ва вазиятни тўғри тушуниш, собиқ тизимга хос бўлган қарашлардан кутулиш талаб қилинади. Ўтиш жараёнини бошдан кечираётган ҳар бир давлатда қонунни билмайдиган ёки умуман тўғри тушунмайдиган кишилар ҳам учраб туради.

<sup>32</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига багишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутки//Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз.9-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-134-135-бет.

Аҳоли, айниқса, ёшлар хукукий онгининг даражасини күтариш учун оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ўқув юртлари, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат ва жамоат институтларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари зарур. Сўнгги вақтларда юксак хукукий онгнинг ўсиши фақат шаҳс дунёқарашига комплекс ва мақсадга мувофиқ таъсир этишининг натижаси бўлиши тушуниб етилди.

Бугун бу борада катта ишлар қилинмоқда. Тошкент шаҳар маҳаллаларида вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган хукуқбузарлик ва жиноятлар доимий равишда таҳлил қилиниб борилади. Ички ишлар идоралари профилактик рўйхатида турган вояга етмаганлар сони кўп бўлган маҳаллалар аникланиб, педагогтарбиячилар билан хукуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, содир этилган жиноятлар оқибатлари тўғрисида учрашувлар, зарур бўлганда жамоатчиликни жалб этган ҳолда ота-оналарга фарзандларининг тарбияси бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, маҳалла йигинларида муҳокама қилиш каби профилактик сұхбатлар ўтказилади.

Бундай ишларни амалга оширишда кўплаб ижтимоий ҳаракатлар бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг иштироки, ҳомийлиги катта аҳамиятта эгадир. Масалан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ўсмир шахсни коррекция қилиш, уни она-Ватанга садоқатли бўлишга чорлаш, кардош халқларга хурмат руҳида тарбиялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсмирнинг жисмоний тарбиясини яхшилаш, Ўзбекистон Куролли Кучлари сафига

тайёрлаш, унда фуқаролик бурчи хиссини ривожлантириш мақсадида ички ишлар бўлимида рўйхатда турувчи вояга етмаган, тарбияси оғир ёшлар учун “Барс-7351” ҳарбий қисмидаги ҳарбий-спорт оромгоҳи ташкил этдилар. Ички ишлар бошқармаларида рўйхатда турувчи 80 нафар вояга етмаганлар ушбу оромгоҳда бўлиб қайтдилар.

Вояга етмаган ёшлар орасида тарбиявий ишларни кучайтириш, жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш, хавфсизлигини таъминлаш, меҳнатга ўргатиш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жиноят ва хукукбузарликларнинг олдини олиш мақсадида хукук-тартибот идоралари, хукуқшунослар, таникли спортчилар, санъаткорлар, “Кундала” тиббиёт маркази, психолог, тиббиёт ходимлари, таникли олимлар, мутахассислар иштирокида (хукукий, маънавий-маърифий, гиёхвандлик, ОИТВ/ОИТС, ичкиликбозлиқ, тамаки маҳсулотларини чекиши каби иллатларнинг олдини олишга, экстремизмга карши қаратилган) тарбиявий акциялар, диний идоралар ва имом-хатиблар билан ҳамкорликда ёшлар орасида қонунбузарлик, бузғунчилик, гиёхвандлик, диний экстремизм ғояларига карши кизиқарли учрашувлар, давра суҳбатларини ташкиллаштиришмоқда. Юқорида келтирилган ишларнинг асосий мақсади ёшларнинг хукукий онги ва хукукий маданиятини ўстириш, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишдан иборатdir.

Хукукий маданияти, билими, саводхонлиги ўсган

жамиятдагинна қонунбузарликларга қарши кураш олиб бориш анча енгиллашади. Шундай экан, Конституцияни чукур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хукуқий билимларга эга бўлган миллий кадрларга эҳтиёж ҳам кун сайн ўсиб бормоқда. Ёшлар орасида хукуқий саводхонликни ошириш мақсадида мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларидағи хукуқий билимлар стандартлари, ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларга ўзгариш ҳамда янгилик киритиш, уларни замонамизга мувофиқлаштириш ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда барча олий ўқув юртларида “Хукуқшунослик”, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курслари ўқитилмоқда.

Ҳар бир давлат ўзига муносиб бўлган шахсни юзага келтиради ва тарбиялади. Ҳәю бир инсон эса, ўз навбатида, жамиятда содир бўлаёттан бурилиш ва ўзгаришларга бефарқ қарамайди. Ўз фаолияти билан ижтимоий муҳитни ўзгартиради, меҳнати, амалиёти билан ҳалқ турмушини яхшилашга, фаровонлигини оширишга, ижтимоий адолат меъёrlарини қарор топтиришга интилади. Демак, хукуқ, шахс имкониятидаги хатти-ҳаракатлар-эркинлигининг меъёридир. Шахс ушбу имкониятларни, шунингдек, хукуқ нормаларининг тартибларини турли усувлар билан амалга оширади, жумладан, буларга хукуққа риоя этиш, уни бажариш, тадқиқ этиши ёхуд қўллаш киради.

Қонуний хатти-ҳаракатларнинг икки тури мавжуд: 1) ҳукуқ нормалари ва қонунларини бузмасликка, уларга риоя этишда, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни құлмасликда намоён бўладиган пассив ижобий хатти-ҳаракат; 2) ташаббускорона, фаол ҳукуқий хатти-ҳаракатларда, ҳукуқни ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилған ихтиёрий фаолиятда ифодаланадиган ҳукуқий фаоллик.

Умуман олганда, хатти-ҳаракатларнинг мазкур турлари жамият учун фойдалидир. Аммо ҳукуқий давлатни шакллантириш шароитда қонуний хатти-ҳаракатлар, яъни иккинчи турининг аҳамияти жуда муҳим. Ҳўш, ёшларнинг ижтимоий-ҳукуқий фаоллигини оширишга, қонуний хатти-ҳаракатлар фуқаролар учун андозага айланишига қандай қилиб эришиш мумкин?

Бунинг учун, энг аввало, давлатнинг барча институтлари ҳукуқий тарбия соҳасида самарали фаолият олиб боришлари зурур. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигига эришишда ҳукуқбузарлик учун жазонинг мукаррарлиги тамойилининг таъминлаши улкан аҳамиятга эга. Шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олишга қаратилған профилактик ишларни амалга ошириш ҳам муҳимдир.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик давлат фуқаролик жамиятини қуришда ҳар бир инсондан ўз бурчини тўла ҳис қилиш ва адo этиш талаб қилинади. Инсон ўз амалий фаолиятининг жамият тараққиётини давлат келажаги учун қанчалик кераклигини ҳис қилса, тўлқинланиб, бор куч ва қобилиятини ишга солиб меҳнат қиласи. Инсоннинг бунёдкорлик фаолиятини ошириш, ҳукуқий маданиятини, тафаккурлаш қобилиятини тарбиялаш ва

такомиллаштириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани адо қилишда мамлакатимизда яратилган барча шароит, имконият ва қулайликларидан оқилона фойдаланиш лозим.

Ёшларимиз ўз зиммаларига юклатилаётган масъулиятни чукур англаган ҳолда бор куч ва идрокларини пухта билим олишга ҳамда олган билимларини ватанимизнинг буюк келажаги ва равнақи йўлида сарфлашга ҳаракат қилишлари керак.

Юқоридаги айтилган фикрларга асосланиб, шундай хуносага келиш мумкин:

- биринчидан, инсон ҳуқуқий жиҳатдан қанча билимли, юксак ҳуқуқий маданиятли ва маънавиятли бўлса, маърифий, мафкуравий жиҳатдан шунчалик мукаммал шаклланган бўлади;

- иккинчидан, ҳуқукнинг моҳияти, аҳамияти ва талаблари қонунларга бўлган ҳурматни тарбиялаш, уларга бўйсуниш маданиятини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги миллий истиқлол мафкураси ғоялари ва талабларини омма онгига сингдириш ҳамда бу масалада қандай ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги қонун ижодкорларининг ҳаётида, ўз ишларида нақадар ҳалол, одил, ҳаққоний бўлишларига бевосита боғлиқдир;

- учинчидан, ҳуқуқий билим ва маданият ҳар бир инсонга, фукарога ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш ва ҳимоя қилишга кўмаклашади. Ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлиш, уларга ҳаётда қатъий амал қилиш, қонун устуворлигини дилдан, қалбдан ҳис қилиб, фаолият кўрсатиш кишига жуда катта таълим-тарбия беради, ҳаётда унинг бехатар, тинч-омон яшаши ва фаолият

кўрсатишига кўмаклашади. Ҳуқуқий билим ва маданият халқ ва миллиат етуклигининг муҳим кўрсаткичидир;

- тўртгичидан, ҳуқуқий билими ва маданияти ўсган халқ, миллиат ўзини-ўзи англаб этади, кучи ва имкониятларига холисона баҳо беради, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчиликка асосланиб иш тутиш энг катта ижтимоий оғат ва фожеаларнинг сабаби эканлигини чуқурроқ идрок этади;

- бешинчидан, ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий онг жамият тараққиётига, ижтимоий турмуш ривожланишига акс таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий ғоялар, билим ва тасаввурлар, ҳуқуқий назариялар ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига кириб бориб, фуқароларнинг онгидан ўрин олиб, одамлар хулқ-авторига, амалий фаолиятига мафкуравий ва психологик таъсир этади. Ҳуқуқий онг одамларни маълум тарзда ўзларини идора қилишга, жамият қабул қилган қонун ва қоидалар доирасида фаолият кўрсатишга ундайди;

- олтинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва билимининг ривожланганлик даражаси уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига бевосита боғлиқдир. Жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда, ўз-ўзини бошқариш органларида фаол иштирок этишлари ҳуқуқий онг ва маданият даражасининг ўсиб боришига олиб келади.

## ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Мустақиллик туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, халқимиз эзгу-ниятлари рўёбга чиқа бошлади, авлод-аждодларимиз босиб ўтган тарихий тарақкиёт йўлини, фаолиятини чукур ўрганишга муваффақ бўлдик. Миллий, маънавий қадриятларимизга эътибор ва қизиқиш кучайди. Муқанна, Темур Малик, Мангуберди сингари миллий қаҳрамонларимиз ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Шак-шубҳасиз, биз яшаб турган давр келажак тарихимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, истиқболимизга катта қизиқиш билан қараб, миллатимиз тақдирини ўйлаб, тарих олдидаги масъулиятимизни чукур ҳис қилиб, ўтмишимизга диққат ва эътибор билан назар ташлаб, маънавий-маданий меросимизни, асрлар мобайнида яратилган ва наслдан-наслга ўтган ажойиб маънавий қадриятларимизни қайтадан тиклашимиз лозим.

Халқимиз маданий-маънавий бойликлари, миллий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Гап ўтмиш маданий-маънавий бойликларига эга бўлишдагина эмас, балки уни чукур эгаллаб, янги юксак босқичга кўтара билишдадир.

Миллий, маънавий қадриятларимизни ўрганишда ва ривожлантиришда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари, байрамлари, бой қадимий мероси ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга. Халқимизнинг асрлардан

асларга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлари узок тарихий жараёнда шаклланган. Уларнинг ўтмиши уч минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди. Бизнинг миллий, маънавий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаёп, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам тавсифланади.

Ўтмишга, маданий меросга ҳурмат, бу, энг аввало, унинг яратувчиси, ривожлантирувчиси бўлган - ҳалқ оммасига кўрсатилган иззат-икром, меҳр-оқибатдир. Ўзининг ўтмиш тарихига, маданиятига, тарихий меросига, миллий анъаналарига катта эътибор ва ҳурмат билан қарайдиган ҳалқнинг истиқболи порлок бўлади. Ўтмишимизни қанчалик яхши білсак ва эъзозласак, ҳозирги даврни, мустақиллигимиз истиқболи ва аҳамиятини шунчалик чуқур ва мукаммал тушунамиз.

Қадриятлар сермазмун ва кўп қиррали тушунча бўлиб, ўз ичига табиий, ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий, моддий, маънавий, диний, ахлоқий, бадиий-эстетик ва ҳ.к. кабиларни олади. Ҳар қандай қадрият инсон фаолиятининг маҳсули, унинг атроф - муҳиттга нисбатан бўлган муносабатининг ифодасидир<sup>33</sup>. Қадрият жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир қадрият муайян бир давр шароит ва эҳтиёжининг маҳсули бўлиши билан бирга, унинг кўзгуси ҳамдир.

<sup>33</sup> Каранг: Назаров Қ. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари.-Т.:Шарқ,1992; Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти.-Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003 ва бошк.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўладилар ва ривожланадилар. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати бўлмайди. Қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ва фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар ва маънавий жараёnlар мажмуи билан боғлик равиша юзага келади<sup>34</sup>.

Маънавий қадриятлар, шу жумладан, юксак маънавият, одобахлок, имон, эътиқод, инсофу диёнат, яхши ҳулк-атвор инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Маънавиятнинг ўзи эса, инсонга хос хусусият бўлиб, у жамият ҳаёти, тарбия, меҳнат, ҳаёт тажрибаси жараёнида шаклланиб, сайқал топиб, руҳий моҳиятга айланади. Ёшларга бериладиган тарбия, ахлок, юксак маънавият ҳақидаги тушунчалар қанчалик эртароқ бошланса ва тарбияланса, унинг самараси шунчалик қучли бўлади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ёшлар тарбиясининг мазмун ва моҳиятида, усуслари ва шаклларида ўзгаришлар рўй бера бошлади. Таълим-тарбияда миллий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўрин тутадиган бўлди. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-сдатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашинга алоҳида аҳамият берилаётганлиги фикрларимиз исботидир. Барпо этилаётган янги муҳитда ёшларда маънавий эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигини ҳам сезиш мумкин.

<sup>34</sup> Қаранг: Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.-Т.:Ўзбекистон,1998.

Маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиши, уларни қондириш моддий эҳтиёжларга нисбатан анча қийин ва мураккаб кечади. “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак, - деб кўрсатади И.А.Каримов,- маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди”<sup>35</sup>.

Маънавий эҳтиёжлар ҳар бир шахсда унинг руҳияти, дунёқарashi, ахлоқий фазилатларига боғлиқ ҳолда турли даражада ва турли сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Маънавий эҳтиёжлар ақлий, ахлоқий, ахлоқий, илмий, сиёсий, диний, фалсафий эҳтиёжларнинг мажмуасидан иборатдир. Бу жараён айрим инсонларда сезгилар, тасаввурлар, идроклар, туйғулар орқали шаклланади, бошқаларда эса тафаккур ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда кечади.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари илк бор табиий, қонуний ҳодиса сифатида рўй берганлиги учун бу эҳтиёжлар турли давр, турли шароит ва турли хил муносабатлардан қатъи назар, ҳакиқий инсонийлик тушунчасининг таркибий қисмини ташкил этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий ва маданий соҳаларида рўй бераётган ислоҳот ва ўзгаришлар эса айнан инсон ҳаётини яхшилашга, фаровонлигини таъминлашга, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Ёшлар маънавий эҳтиёжлари ижтимоий

<sup>35</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли/Ўзбекистон: миллӣ истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура.-1-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.- 81-бет.

мазмуни жиҳатдан миллий маданиятга, қадриятларга, урф-одат ва анъаналарга асосланиб шаклланиб бормоқда.

Барча давлатларда, жамики ижтимоий тузумларда инсон энг олий қадрият, деб ҳисобланади. Дарҳақиқат, тарих ҳам, тарихий тараққиёт ҳам инсон фаолиятидан бошқа нарса эмас. Ислом таълимотида инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Муқаддас Куръони Карим ва Хадиси шариф инсоннинг маънавий камолоти учун бекиёс манба эканлиги ҳаммамизга маълум. Шарқ мутафаккирлари, олиму уламолари томонидан асрлар да-вомида одоб-ахлоқка оид минглаб китоблар, ҳикматлар яратилган.

Инсон камолотида тарбиянинг аҳамияти бекиёс. Абдулло Авлоний бу ҳақда: “...Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”, - деб ёзган эди.

Инсонни улуғлаш, ундаги юксак фазилатларни куйлаш, руҳий, маънавий поклиги ҳақида қайғуриш ҳар бир тарихий босқичга хос бўлган интилишдир. Жамият тараққиётида турли ўзгаришлар рўй бериб туради. Одамларнинг дунёқараши, фикри, тафаккури, диний гоялари ўзгариб, янгиланиб туради. Лекин ҳамма вақтда ҳам инсон моҳиятини англаш, унинг одоби ва ахлоқи, имони ва эътиқоди, қобилияти ва истеъодини чуқур ўрганиш масаласи эскирмайди.

Инсоннинг ички гўзаллиги, қадр-қиммати қадимданоқ Шарқ файласуф ва олимларини қизиқтириб келган. Уни “коинотнинг гултожи”, “бутун мавжудоднинг сардори, дуру гавҳари”, “тенги йўқ”, деб аташга асосий сабаб ҳам ана шунда. Машхур алломалар

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳовуддин Накшбанд, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзолар инсон каби буюк зотнинг қобилияти ва имконияти, ақл-заковати ва тафаккури ҳақида бебаҳо фикрларини ўзларининг асарларида баён қилишган.

Дарҳақиқат, инсон дунёда энг мураккаб, олий мавжудотдир. Шунинг учун ҳам, унинг қадр-қимматини эъзозлаш, турмушини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, соғлигини сақлаш, маданият, билим ва савиясини ўстириш, ҳаётини ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг марказида турибди.

Мамлакатимизда олий қадрият – Инсонни, унинг миллати, жинси, ирқидан қатъи назар ҳимоя қилиш, унинг ҳолига ғамхўрлик қилиб қайғуриш, турмушини яхшилаш, қобилиятини намойиш этиш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Шу билан бирга, жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш, юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир кисмига айлантириш; одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равиша ўзгариб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда миллий уйғониши, миллий ғоянинг жамиятимиз

ҳаётига чукурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга<sup>36</sup>.

Жамият тараққиёти ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаш учун нафақат зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, балки мънавий-маърифий етуклик, ахлоқийликни ҳар бир кишида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлик.

Ватанга, ота-онага содиклик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Булар заминида ёшларга оиласда, таълим масканларида, маҳаллаларда бериладиган таълим-тарбия ётади. Оиласда сингдирилган тарбия, Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз И.А.Каримов бу ҳакда қуидаги фикрни билдирганлар: “Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оиласда демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади...Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”<sup>37</sup>.

Оила кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий-маданий асосдир. Оила - кишиларнинг табиий-биологик, хукукий, маънавий муносабатларига асосланган бирлик. Оила ўзида миллий удум ва расм-русумларни мужассамлаштиради, миллий анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва

<sup>36</sup> Карап: “Меҳр ва муруватт Ӣили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши// Халқ сўзи.-2003.-13 декабрь.

<sup>37</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт Ӣили//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мағкура. 1-жилд.- Ўзбекистон,1992.-49- бет.

наслдан-наслга ўтказиш каби муҳим вазифани ҳам бажаради. Инсоннинг мустақиллиги, дунёқараши, хулқ-атвори, одоби, ахлоқи, турли миллат вакилларига бўлган муносабати ва ҳурмати, маданий-маънавий қадриятларга бўлган қизиқиши ва муҳтоҷлиги, буларнинг ҳаммаси оиласда шаклланади.

“Юртимиздаги ҳар бир инсон учун, - дейди юртбошимиз И.А.Каримов, - Ватан тушунчаси аввало оиласдан бошланади...Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий – ахлоқий аҳамияти, қадр – қимматини англаб етмасдан, оиласа миллат манфаат нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура яратадолмаймиз”<sup>38</sup>.

Ўзбек оиласарида меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, меҳроқибат, имонлик ва руҳий поклик, оиласи қуриш ва мустаҳкамлаш, илмга интилиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ҳар бир одамга она сути билан сингдирилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оиласвий муносабатларнинг хукуқий асосларини мустаҳкамланишга, оила манфаатларини, оналик ва болалик хукуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилишга, оила соғлигини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қадимги Шарқ маърифат ва маънавияти ривожида аёллар бекиёс ўрин эгаллашган. Узоқ тарихимизда ўзбек аёллари орасидан Бибиҳоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар

<sup>38</sup> Каримов И.А. Миллий истиколол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард максадимиз.8-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 2000.-502-503-бетлар.

отин каби аёлларимиз етишиб чиқкан. Уларнинг ҳар бири ўзларининг юксак камолоти, салоҳияти истеъоди ва ёрқин инсоний фазилатлари билан халқимиз обрў-эътиборини юксалтириди.

Бугунги кунда Зулфия, Сорахон Эшонтураева, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Фозила Сулаймонова каби машхур аёлларимизни фаҳр ва ғуур билан тилга оламиз.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оиласидаги, давлат ва жамият қурилишидаги мавқенини кучайтириш, уларнинг ҳукукий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш давлат дастури тадбирлари ишлаб чиқилди.

Дастурни амалга оширишдан маъно-мақсад қатор мезонлар мажмуи, аввало, одамлар онг-шуури, жамият ҳәтида юксак маънавий, ахлоқий кадриятларнинг мустаҳкамланиши билан белгиланади. Зеро, жамиятимиз тараққиёти фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлиги билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгига нечоғлик чукур илдиз отгани билан ҳам баҳоланади.

Ахлоқ маънавиятнинг негизини ташкил қиласи. Фақат етук ахлоқкина кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади түғрисидаги ҳак тушунчаларни хосил қиласи. Ахлоқ - инсон ҳаётида ўз-ўзини идора қилиш меъёрларини, бошқалар билан муносабатда бўлиш маданиятини, ҳалол ишлаб тўғри турмуш кечириш мезонларини белгилайди. Айнан шу туфайли, таълим-тарбиянинг асосий

мақсади ҳар бир шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборат.

Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, ахлоқий қадриятларни тиклашда тарбия, таълим соҳаларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги қадриятларимиз бизлар учун фақат миллий меросгина эмас, балки инсоният маънавий ҳаёти давомида катта ўрин олиши мумкин бўлган маънавий бойлик ҳамдир. Ана шу миллий, ахлоқий қадриятларимизни тиклаш, улардан тўла баҳраманд бўлиш, ёш авлодни улар билан таништириш - мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, одамларда инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари фазилатларни қарор топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат киласди.

“Қадимги аждодларимиз,- деб таъкидлайди И.А.Каримов, - комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсан, Шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиқканлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина нафсини сақлайди, бироннинг ҳаққига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, ҳалқи учун жонини фидо этишдан ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди”<sup>39</sup>.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, Ватанга нисбатан тарихан таркиб топтан

<sup>39</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисолий истиқболининг асосий тамойиллари//Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир.З-жилд.-Т.Ўзбекистон, 1996.-39-бет.

муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ, муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, қоида ва тамойиллар мажмуасидан ташкил топади. Одоб, норма ва тамойиллар кишиларнинг ўзаро муносабатларида мавжуд бўлади. Айнан шу муносабатлар натижасида яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, адолат, баҳт каби тушунчалар ҳосил бўлади. Инсоннинг оила, жамият, ҳалқ, миллат манфаатларини англаб қилаётган ҳар қандай хатти-ҳаракати яхшилик категорияси нуктаи назаридан баҳоланади.

Барча ахлоқий меъёрлар – юриш-туриш қоидалари сингари, жамики инсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти талаблари асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл қасб этиб, бойиб ва такомиллашиб боради.

Ахлоқий қадрият ва фазилатлар, уларни шакллантиришнинг миллий жиҳатлари ҳар доим сақланиб қолади ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятта мойил бўлади. Ҳалқимиз миллий маънавияти ўзига ҳос эркак ва аёлларнинг шарқона ахлоқий фазилатлари, ота-она ва фарзандлар, қўни-кўшнилар, маҳалла-куй алоқалари, ҳалоллик, имон ва виждон билан боғлиқ маънавияти ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг муҳим омили сифатида хизмат қиласди.

Жамиятимиз ҳар бир инсонни эъзозлаб, унинг турмушини яхшилаш, билимини ва маданий савиясини ўстириш, қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳамма имкониятларини ишга солади. Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда жамият аъзолари маданий-маънавий, ахлоқий камолоти суръатларини тезлаштириш, таълим-тарбия ишларини оқилона

йўлга қўйиш, маърифий тадбирларни мунтазам амалга ошириш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун заарли бўлади. Жамият ҳаётидаги барча муаммолар маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларнинг фидокорона, ҳалол меҳнати асосида рўёбга чиқади. “Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан куроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи тушунчаси салом-алик, ҳушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани”<sup>40</sup>.

Давлатимиз келажаги, равнаки ёш авлод тарбияси ва таълимига боғлиқ. Ёшлар Ватанимиз, мамлакатимизнинг келажагидир. Биз Ўзбекистон тақдирини уларга ишониб топширамиз. Бунинг учун ёшлар зиммаларига юкланаётган мураккаб вазифанинг бутун моҳиятини чукур англашлари, хис қилишлари, унга муносиб бўлиш учун ҳозирданоқ тайёргарлик кўришлари лозим. Ҳозирги вақтда жамиятимиз олдида турган мухим вазифалардан бири - ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш умумтаълим мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари тизимининг асосий мақсадига айлантириш.

Ёшларда ўз Ватани билан фахрланиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамнинг қалбига она сути билан бирга киради. Инсонда юртга, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш

<sup>40</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамоийлари/Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. З-жилд.-Т.Ўзбекистон,1996.-39-бет.

муҳим аҳамиятга эга. “Ватанга муҳаббат ҳисси, - дейди Президент И. Каримов, - одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”<sup>41</sup>.

Ёшларда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий одоб-ахлоқимиз, миллий маданиятимизга содиклик каби инсоний фазилатларни ҳосил қиласдан туриб ватанпарварлик туйғусини ҳам шакллантириб бўлмайди.

Аммо ватанпарварлик Ватанга меҳр қўйиш, у билан ғуурланиш туйғуларини ўзида шакллантириш билангина чекланмайди. Ҳақиқий ватанпарвар инсон жаҳон маданияти, илм-фани, замонавий техника ва технология, тарихий сабоқ ва тажрибаларидан, иқтисодий имкониятларидан ижодий фойдаланиб, Ватанинг равнақига ўз ҳиссасини кўшмоғи керак. Бундай фазилат ва туйғуларни фақат ёшларда эмас, балки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида шакллантириш керак.

Ўз Ватани, ўз халқи тарихидан, маданий мероси, миллий урф-одатлари, анъаналари, удумларидан ҳақли равишда фахрланиш ҳар бир миллатга хос хислатдир. Миллатнинг, халқнинг куч-кудрати унинг сони билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуклиги, миллий онгиннинг ўсганлиги, ўз-ўзини англаб етганлиги, миллий уюшганлиги билан белгиланади. Миллий ғуури, эътиқоди кучли

<sup>41</sup> Каримов И.А. Мислий истиқолол мағкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард максадимиз.8-жилд,2000.-502-бет.

бўлган миллат вакили ўзининг маънавий қиёфаси билангина эмас, балки, маданий эҳтиёжи нуқтаи назаридан бошқа миллат вакилларидан ажралиб туради.

Ёшларда миллий ғурур фазилатини шакллантириш бу, халқнинг тарихи, маънавий қадриятлари, жумхуриятимизнинг имкониятлари ва истиқболини билиш ва қадрлаш, фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга ҳаракат қилишни тарбиялаш демақдир. Миллий ғурур ўз халқининг бир минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиш, авайлаб асраршдир.

Маънавияти юксак, дунёқараши кенг, тафаккури соғлом инсонлар жамиятимиз, миллатимиз, халқимиз бойлигидир. Шунинг учун ҳам, маънавиятни юксалтириш ва янада ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Бугунги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Маънавият соҳасидаги “ишларимизнинг пировард мақсади, - дейди Президент И.А. Каримов, - имон – эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқараашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил

инсонни тарбиялашдан иборат”<sup>42</sup>.

Маънавият инсонга ўзлигини англаб олишда ёрдам беради. Ўзлигини англаган инсон, миллат, халққина кучли адолатли давлатни кура олади, ўтмиши билан фахрланиб, унга муносиб бўлишга интилади. Жамият маънавий камолотини тезлаштириш, ёшлар маънавияти ва фаоллигини ошириш мақсадида, биз ҳар бир фуқарога, айниқса, ёшларга ўз-ўзини қайси миллат вакили эканлигини чукур англашда ёрдам беришимиз керак. Бу вазифани бажаришда таълим-тарбия тизимлари, ўқитувчи ва мураббийларнинг фаолиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар ёшларга ўз-ўзини англаш халқнинг, миллатнинг узоқ тарихий тараққиёт жараёнида босиб ўтган мураккаб йўлига, авлод-аждодларимизнинг маънавий-маданий, илмий, диний, фалсафий, маърифий меросига, қарашлар, тасаввурлар ва ғояларига ҳар бир кишининг ўз нисбатдошлигини, яқинлигини, бевосита боғлиқлигини чукур ва атрофлича ҳис қилишларига кўмаклашишлари лозим.

Ёшларда ўз-ўзини, миллий ўзлигини англашни, миллатга, унинг тарихига мансублигини ҳис қилишни шакллантиришда, халқнинг ҳозирги аҳволини атрофлича билишни ҳам чукурлаштириш лозим. Агар ёшларимиз ўзлигини англашса, онги янада ўсади ва улар халқимиз, давлатимиз тараққиётининг буюк фаоллаштирувчи кучига айланадилар.

<sup>42</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз.8-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-341-бет.

Бугунги кунда янгича миллий тафаккурнинг ўсиб бораётганлиги боис халқимизнинг ўтмиш маънавий меросига ҳамда тарихий-этник маданиятига хурмат-эҳтироми ҳамда эътиқоди табиий равишда ошиб бормоқда. Халқимизнинг ўзига хос миллий тафаккури ва тарихий анъанавий турмуш тарзи, узоқ вақтлардан буён шаклланган урф-одатлари миллат ҳаётида муҳим роль ўйнаб келган. Булар умуминсоний, умумбашарий қадриятлар билан маълум даражада боғлиқ ҳолда ҳар бир тарихий даврда ривожланиб борган.

Миллий жиҳатдан ўзини англамаган инсон ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топа олмайди, жамият иқтисодий, сиёсий, хукукий соҳалардаги рўй берәётган ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини тўғри тушуна олмайди. Бундай одамлар бурилиш давридаги объектив қийинчиликларга бардош бера олмай, вахимага тушадилар, уларда давлатга нисбатан ишончсизлик кайфиятлари пайдо бўла бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий муҳитнинг бекарорлашувига олиб келади.

Орамизда бундай ёшларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун маънавиятни юксалтириш дастур ва режаларини ишлаб чиқиши, уларга мувофиқ мунтазам равишда мактаблар, маҳалла, ўқув юртларида иш олиб бориш керак. Халқимиз, миллатимиз тақдири ҳал бўлаётган ҳозирги пайтда ҳар бир киши жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши зарур. Инсоннинг дунёқарashi, онги чегараланиб, бир қолипда қолмаслиги учун у миллий ўзлигини англаб, миллий ғуур ва истиқлол ғояларини ҳаётий фаолияти учун дастуриламал қилиб олсагина, янгича тафаккурларнинг моҳиятини

англаб етади. Маънавиятли инсоннинг ижтимоий мавқеи ҳам, унда тафаккурнинг муайян мақсадга йўналтирилганлиги ҳам ана шунда кўринади.

Ҳалол меҳнат қилиш халқимиз миллий қадриятларидан бирни, деб ҳисобланади. Жамиятимиз бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтаётган ҳозирги пайтда оила, мактаб, ўкув юртларида ёшлар орасида меҳнат тарбиясини кучайтириш катта аҳамият касб этмоқда. Халқимиз азалдан меҳнаткаш бўлиб келган. Бу меҳнат натижасида инсониятни лол қолдирган иморатлар, саройлар, мақбара ва масжидлар, илм-фан, адабиёт, санъат асарлари яратилди, катта-катта каналлар барпо этилди.

Ёшлиар орасида меҳнат тарбиясини янгича усулда ташкил этишни асло кечиктириб бўлмайди. Болалар, ўсмирлар иложи борича эртароқ меҳнат қилишга, уни қадрлашга ўрганишлари керак. Ҳар бир инсоннинг бойлиги, фаоллиги, энг аввало, меҳнат фаолияти соҳасида руёбга чиқади. Меҳнат туфайли инсоннинг орттирган билими, тажрибаси амалда кўлланилади. Меҳнатда инсоннинг қобилияти ва истеъоди, тафаккури намоён бўлади. Инсон нимаики қилмасин, яратмасин фаолиятининг заминида - ақлидрок, билим ётади. Меҳнат туфайли инсон нафақат атрофни, балки ўз-ўзини ҳам жисмонан, ҳам маънан ўзгартиради. Ёшларимиз қанчалик кўпроқ меҳнат қилиш билан банд бўлсалар, шунчалик уларнинг билими, савияси, қобилияти ўсиб боради.

Меҳнат тарбиясини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай тарбия инсон ҳаётининг мақсади - моддий бойлик орттириш эмас, балки меҳнат туфайли маънавий етукликка

эришишдан, миллат, давлат равнақи йўлида ўзининг ҳамдард, ҳамнафас эканлигини хис қилишдан иборатлигини ҳар бир ёш онгига сингдира олиши керак.

Маълумки, маънавий бойликнинг асоси ҳам, бойитувчиси ҳам, ўлчаш мезони ҳам билимдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кийинчиликлар пайдо бўлиши табиийдир. Буларни рўкач қилиб, айрим ота-оналар муштумдек боланинг кўлига бир сават нон ортилган аравани, бир яшик ичимликни ёки бир кути резинка сақични тутқазиб, дарсидан қолдириб пул топишга ундаши ва зўрлаши келажагимиз оёғига болта уриш, фарзандларимизни онгсиз, билимсиз, маънавий қашшоқ қилиб қўйишдан бошқа нарса эмас.

Миллатимизнинг ажойиб қадрияти, ҳалқимизга хос бўлган кам-таринлик фазилатини қайта тиклаш ва ёшларда тарбиялаш масаласи ҳозирги пайтда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Инсоннинг билим савияси қанчалик кенг ва кўп бўлса, у ўзини шунчалик камтар тутади. Камтарлик ажойиб фазилат, у одамни безайди, кўпчилик орасида обрўсини кўтаради. Камтарлик, камсукумлик, оддийлик ҳар бир инсоннинг одоби, ички гўзаллигининг натижаси, аксиdir. Агар инсон оиласда тўғри тарбия олган бўлса, андиша, шарм-ҳаё нималигидан хабардор бўлса, бу ажойиб фазилатларни ўзида мужассамлаштиришга ҳаракат қиласи.

Инсоннинг камтар, вазмин, оғир-босиқлиги унинг билимидан келиб чиқади. Бундай одамнинг бойлиги моддий бақувватлигига эмас, балки ички руҳий, ақлий гўзаллигидадир. Ёшлар орасида миллатимизга хос бўлган ана шундай фазилатларни шакллантириш

муҳим аҳамиятга эга. Максадга эришиш учун, энг аввало, катталарнинг ўзлари болаларига намуна бўлишлари керак, фарзандларига ёшлигидан камгап, камтар, катталарни ҳурмат қиласиган, одобли, ахлоқли бўлишларини ўргатишлари лозим. Шундай муҳитда ўсган болалар ота-онасидан ўрнак олиб, инсон ҳаётида билим, юксак инсоний фазилатларгина ҳукм сурини керак деган ғоя остида ўсиб улгаядилар.

Ўзбек халқи маданиятида, миллий қадриятимизда фирибгарлик, мақтанчоқлик, мунофиқлик ҳар доим қораланиб келинган. Миллий қадриятларимизга содик бўлган холда, биз ёшларимиз орасида камтарлик, уятчанлик, оддийлик каби ажойиб фазилатларни шакллантиришга дикқат ва эътиборимизни қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни ифлосланиш ва заарланишининг олдини олиш ҳам табиий, ҳам умуминсоний қадриятлар туркумига киради. Авлод-аждодларимиз қадимданоқ табиатга дикқат ва эътиборда бўлишнинг аҳамиятини чуқур тушунганлар. Шунинг учун ҳамма вакт оқиб келаётган сувга ахлат ташламасликни, уни ифлослантирмасликни ҳаммага уқтирганлар. Бугунги кунда ана шу ажойиб қадриятимизни қайтадан тикламогимиз зарур. Негаки, табиатта муносабатимиз анча ўзгарган, инсон уни ўз манфаатини қониқтирадиган хом ашё базасига айлантирган. Оқибатда эса жумхуриятимизда кўпгина экологик муаммолар келиб чиқмоқда.

Бундай муаммолар инсонни ўраб турган табиий муҳит сифатининг пасайиши, хом ашё ва энергия ресурсларининг

кашшоқлашиши, табиатга бўлган демографик оғирликнинг доимий ўсиб бориши, табиий экологик балансларнинг бузилиши, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг айрим турларниг йўқолиб кетиши, инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида чиқиндилар билан табиатни ифлюслантиришнинг салбий генетик оқибатлари билан тавсифланади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча ҳалқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир”<sup>43</sup>.

Давлатимиз томонидан экологик муаммоларга бўлган диққатнинг кучайиши тасодифий эмас, албатта. Бу энг аввало, Орол денгизи бўйлаб экологик, демографик вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ. Орол денгизи ва Орол бўйи экологик инқирозга юз тутиши бугунги кунда кўпчиликни хавотирга солмокда. Шаклланган мухитни ўзгартиришга қаратилган изланишлар барча олимлар ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан қидирилмокда. БМТнинг бу муаммога диққати ошганлиги натижасида у ўз жамғарма ва дастурларини, масалани ҳал қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотларини янги даражага кўтарди.

Бугунги кунда ҳар бир кишида экологик маданиятни шакллантириш керак. Бу жуда мураккаб жараён. Тўпланган муаммоларни бир кунда ҳал қилиш мумкин эмас, албатта.

<sup>43</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахлид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари/Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида.6-жилл.-Т.: Ўзбекистон, 1997.- 110-бет.

Давлатимиз ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирган қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда, лекин вужудга келган экологик мухитни ўзгартироқ учун фақат давлат органларнинг ҳаракати етмайди. Бугунги кунда халқ оммаси орасида кучли маънавий-маърифий ишларни олиб бориш, одамлар, ёшлар ва худудларнинг табиатга бўлган муносабатини ўзгартириш, вилоят ва худудларнинг санитар-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш керак.

Кейинги йилларда республикамизда турли экологик ҳаракатлар пайдо бўлиб, ўз қаторларига кўплаб ёшларни тўплашга муваффақ бўлди. Бундай ҳаракатларнинг асосий мақсади экологик муаммоларни бартараф этишининг янги имконият ва йўналишларини қидиришдан, табиатни муҳофаза этиш борасида янги демократик тамойилларни қарор топтиришдан иборат. Булар қаторида “Экологик тоза Фарғона учун Ассоциацияси”, “Орол ва Амударё кутқариш Иттифоқи” ҳаракатларининг фаолияти диққатга сазовордир. Республикаиздаги экологик муаммоларни ҳал қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлари жамиятимизнинг ҳар бир фукароси билан биргалиқда иш тутмоқлари лозим.

Янгича фикрлаш, табиатни эъзозлаш, келажак авлод учун уни кўркам ва безарар қилиб етказиш, сувга, тупроққа, ўсимлик ва жонинорларга муносабатни ўзгартириш, улар ҳақида қайгуриш ва ўйланш, бирча қулайликлар яратиш, умуман табиатни, она заминни муҳофаза қилиш, ҳар бир ёшу каттада экологик маданиятни шакллантириш - бугунги куннинг долзарб масалаларидан, деб ҳисобланади. Ана шу масала ва муаммоларни оқилона ҳал қилиш

учун ёшлар орасида экологик тарбияни мунтазам равиша олиб бориш керак. Бундай тарбияни ёшлиқдан-боғча, мактаблардан бошлашимиз лозим. Мактаблардаги табиатшунослик дарсларида ёшлар эътиборини табиатни эъзозлаш, у ҳақида қайгуриш аҳамиятига қаратмоқ лозим. Бундай усулда ташкил қилинган тарбия одамларнинг болалигиданоқ табиатга меҳр уйғотиш туйғуларини шакллантириши мөмкин.

Маънавияти юқори даражада ривожланган халқда миллий, сиёсий, хукуқий, маданий, экологик онг ҳам юқори даражада ривожланган бўлади. Биз эса айнан шундай жамиятни барпо этмоқдамиз. Демак, ҳар бир инсонда ер юзидағи барча неъматларнинг қадрига етиш, уларни асраш туйғуларини шакллантиришимиз керак.

Кўриниб турибдики, қадриятлар катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳар доим ўзгариб, янгиланиб турадилар. Қадриятлар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисликни ифодалайдилар, шу туфайли миллатнинг тарихи, ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар бир давлат турли қадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келган ва ҳозирги кунда ҳам шундай бўлмокда.

Қадриятлар ўз-ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзи, умуман жамият тараққиётини белгилай олмайди. Қадриятларнинг аҳволи, аҳамияти, инсонга кўрсатадиган таъсири, унинг истиқболи, у ёки бу жамиятдаги мавжуд ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёsat, унинг манфаатлари ва

эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир.

Миллий қадриятларимиз инсонни тарбиялашда, ундаги юксак фазилатларни шакллантиришда бизга ёрдам берадилар. Ёшлар тарбияси мураккаб иш. “Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб киласи, - дейди И.А.Каримов, - Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлик эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”<sup>44</sup>.

Бугунги кунда қобилиятли, билимли, маънавий, ахлоқий жиҳатдан камолотга етган, мустақил фикрлай оладиган, ҳалқининг равнақи учун хизмат қилишга бел боғлаган, фидоий инсонлар жуда кўп. Улар Ватанига садоқатли бўлиш, миллий давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳалқ маданияти, маънавияти, маърифатини янада ривожлантириш каби муҳим масалаларни ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар.

Демак, ёшларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш уларда она-юргина муҳаббат туйғуларини, уни ҳимоя қилиш, авайлаб-асрашга қаратилган интилишларини кучайтиришга ёрдам беради. Миллий жиҳатдан ўзлигини англаған инсонгина давлати олдида турган асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, ҳалқ олдидаги масъулиятини чукур англайди. Ёшларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш уларнинг ижтимоий фаоллигини

<sup>44</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда//Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз. 7-жилд - Т. Ўзбекистон, 1999.- 385-бет.

оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришуvida асосий ва белгиловчи омил вазифасини ўтайди.

## **МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ - ЁШЛАР ТАРБИЯСИННИНГ ҒОЯВИЙ АСОСИ**

Дунёда ҳеч бир миллат ёки халқ йўқдирки, унинг бирлаштирувчи, умумлаштирувчи ғояси ва мафкураси бўлмаса. Биз бунинг исботини узоқ ўтмишдан бошлиб ҳозирги кунгача кўришимиз мумкин. Ҳар бир миллат, халқнинг ўзига мувофиқ келадиган, миллатнинг манфаатларини ўзида акс эттирадиган ва умумлаштирадиган бирон бир ғояси ёки мафкураси бўлиши муқаррар, чунки одамлар ўз ҳаёти давомида нимагадир ишониши, суяниши керак.

Мафкура ижтимоий борлиқнинг, яъни кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгидা акс этиши, инсон томонидан англашиб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятида назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

Одатда ҳар бир давлат, жамият ўзи бажараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий синфлар, табакалар, миллатлар, элатлар ва диний эътиқодлар вакилларини шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жисплаштирувчи умуммафкурага эга. Шу билан бир қаторда, умумдавлат мафкураси талаблари ва қоидалари доирасида жамиятдаги, мамлакатдаги ижтимоий синфлар, табакалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқод

вакиллари ўз мафкураларини ишлаб чиқишлари мумкин ва зарур. Чунки бундай иш умумдавлат, умуммиллий мафкурани янада янгилаштиришга, бойитишига хизмат қиласи, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви бутун тарихий тараққиёт натижаларидан келиб чиқкан объектив ва қонуний жараён бўлди. Мустақилликни қўлга киритиш туфайли мамлакатимиз бутун ишлаб чиқариш ва илмий-техника имкониятларидан, табиий хом ашё маҳсулотларидан ўз манфаатлари, мақсадлари йўлида фойдаланиш, уларга тўлиқ эгалик қилиш, аждодларимиздан қолган маънавий қадриятларни ва бутун тарихимизни тиклаш, янада ривожлантириш ҳамда умумхалқ мулкига айлантиришга муваффақ бўлди. Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга teng хукукли субъект сифатида кириб бориши давлат ривожланишининг аниқ йўналишини белгилашга, ички ва ташқи сиёsat тамойилларини ишлаб чиқишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу жараённинг кечиши табиий бўлиши ҳамда бизнинг миллий анъаналаримизга зид келмаслиги лозим.

Давлатимиз ўзи учун маъқул деб топган йўли, ўзига хос бўлган тараққиёт модели, собиқ сиёсий тузумни реконструкциялаш ёки янги даврга мослаштиришдан мутлақо фарқ қиласи. Эндиликда масала собиқ ижтимоий-сиёсий тизимдан бутунлай воз кечини, сифат ҳамда принципиал жиҳатдан янги бўлган ижтимоий муносабатларни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим. Бундай амалий кадамлардан биттаси бир ёқлама, ягона партияний

догматизм, коммунистик мафкурадан тўлиқ халос бўлиш ва миллий истиқлол мафкурасини яратишдир.

Узок тарихий давр мобайнида ўлкамизда очик эътироф этилган коммунистик ғоя билан бир каторда пинхона, яширинча, кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган “миллий мафкура” ҳам яшаб келган. Бу мафкура ислом таълимотининг инсонпарвар ва адолатли ғояларида ўз ифодасини топганди. Маҳаллий аҳолининг аксарият қисми ислом ғояларини муқаддас деб ҳисобларди. Улар учун бу таълимот ўз ҳаёти, тафаккури ва яаш тарзини белгилаб берувчи омил эди. Назаримизда, айнан шу туфайли собиқ Иттифоқнинг барҳам топиши, у билан бирга жамият мафкуравий устқурмасининг вайрон бўлиши, бизнинг жамиятимизда сезиларли маънавий ва ижтимоий талофатсиз ўтган.

Бугунги кунда жамиятшунос олимлар, сиёsatчилар мамлакатимизнинг ўтган йўлини қайта кўриб чиқиш, уни инқирозга юз тутишига олиб борган омиллар, ҳозирги кунда айрим ёшлиаримизнинг маданияти ва савияси тушиб кетаётганлигининг сабабларини аниқлаш устида бош қотирмоқдалар. Албатта, мазкур жараёнларни фақат социалистик мафкурага бοглаш ҳам нотўғридир, чунки у ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида инсонга ижобий тарбиявий таъсир ҳам ўтказганди.

Ўзбекистон полиэтник давлат бўлиб, унинг таркибида турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар. Уларнинг манфаатларини химоя килиш, жамиятнинг ҳар бир аъзосини миллати, ирқи, диний қарашларидан қатъи назар бирлаштириш ва қудратли давлат куришга йўналтириш учун барибир

жипслаштирувчи ва фаоллаштирувчи бирон бир гоя бўлиши керак. Мазкур гоя жамиятнинг ўзагини ташкил қилиб, синфиийлик ва партиявийликдан тўлиқ халос бўлиши лозим. Жамиятни, миллатни яқдил қилувчи, унинг узоқ келажагини, истиқболини аниклаб берувчи, олдинга қараб ҳаракатлантирувчи, рағбатлантирувчи ва сафарбар этувчи куч - бу илгор миллий гоя ва мафкурадир.

Бир ижтимоий-иктисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида жамият хаётининг ҳамма соҳаларида, бинобарин, гоявий соҳада ҳам бир қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келиши тарихий қонуниятдир. Ўзбекистон ўз суверенитетини қўлга киритгач, ҳалқнинг манфаатига ва эҳтиёжига жавоб бермайдиган коммунистик мафкурадан воз кечди. Маълумки, одамнинг бутун умри давомида зўрлаб тиқиширилган ҳар қандай гоя, ақида ёки мафкура қаршиликка учрайди. Табиийки, жамиятда янги гоя, илғор фикр, прогрессив мафкурани шакллантириш эҳтиёжи туғилади. Башарти бу зарурат тушунилмаса ёки инкор этилса, мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиб, у муқаррар равишда ҳалққа ёт гоялар билан тўлдирилиши мумкин.

Мамлакатимизда мустақилликни қўлга киритишининг бошлангич босқичларида миллий онгнинг сезиларли даражада ўсиб бориши кузатилган. Бу эса ислом динининг тикланишига ва жамият доирасила оммавий мавкега кўтарилишига олиб келди. Жамият аъзолари муқаддас динимизнинг инсонпарвар, адолатпарвар, меҳрмуруват гояларини тиклаш ва янада ривожлантириш, ана шу гоялар асосида ёшлиарни тарбиялашга ҳаракат қилдилар. Албатта, собиқ тизимнини вайрон бўлиши, мамлакатдаги вазиятнинг

кескинлашуви, миллатлараро тинчлик ва осойишталикни сақлаш, зиддиятлар ва конфликт вазиятларнинг олдини олиш каби жараёнлар билан биргаликда ислом ақидалари жамиятда барқарорликни сақлаш, аҳоли маданий даражасининг кескин тушиб кетишининг олдини олишда ҳам умумлаштирувчи, ҳам маънавий-ахлоқий бирлаштирувчи гоя вазифасини ўтаган. Ислом обрўсининг ўсиб бориши туфайли у нафақат социалистик мағкуруни сиқиб чиқаришга, балки ижтимоий онгнинг ноанъанавий соҳаларида ҳам ўз мавқенини мустаҳкамлашга эришди.

Аммо жараёнларнинг бундай кечиши ислом дини жамиятда асбесий гоя; ислом мағкураси эса жамиятда монополистик мавқега эга бўлдӣ, деган хуносаларга олиб келмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Конститўциясининг ўн иккинчи моддасида давлатимизда “ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мағкура давлат мағкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”, - деб белгиланган<sup>45</sup>.

Жамиятимиз ривожланиши мазкур босқичининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўтиш жараённада деидеологизация кўпгина умумназарий ва умуметодологик ақидаларнинг йўқолиб кетиши ҳамда янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимининг барпо этилиши билан тавсифланади.

Ана шу туфайли истиқлолга эришганимиздан кейин миллий истиқлол мағкурасини яратиш зарурати юзага келди. Бу зарурият куйидагилар билан белгиланади:

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конститўцияси.-Т.:Ўзбекистон,2003.-5-бет.

-халқ оммасини давлат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий суверенитетини таъминлаш мақсадига сафарбар этиш;

-турли миллат, элат, ижтимоий гуруҳлар, синфларни давлат манфаатларини ҳимоя этишга сафарбар қилиш;

-хуқукий давлат фуқаролик жамиятни шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чикиш;

-давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаб бериш;

-миллий қадриятлар асосида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш кераклигини зътироф этиш.

Ҳозирги кунда миллий истиқлол мафқурасининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва ривожланишининг назарий-методологик асоси ва манбалари, унинг халқни-халқ, миллатни-миллат, юртни-юрт қилишдаги, комил инсонларни тайёрлаш ва тарбиялашдаги аҳамияти сингари концептуал масалалар кўпгина олимлар, файласуфлар тарихчилар томонидан таҳлил қилиниб, ўзининг илмий-назарий ифодасини топмоқда.

Мафқуранинг аҳамияти шундан иборатки, у жамиятимизнинг ривожланиши, юкорига томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради. Миллий мафқура бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, хис-туйғусини, миллий гурур ва ифтихорини, куч-кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган буюк гоявий кучdir.

Мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, одамларга, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, гоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Инсоннинг, ҳар бир ёшнинг фаолияти унинг илгор мафкурага қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ. Жамият манфаати ва миллий истиқлол йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъдодини бахшида этишга тайёр турган етук инсонлар, ёшлар, фидойилар бўлмаса, Ўзбекистонни дунёдаги энг кудратли, илгор давлатга айлантириш мумкин эмас. Мустақил Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамда узоқ келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган ана шу вазифаларни мафкуравий ишларни жонлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Мафкура кишиларда, ҳар бир ёшда миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий ғуурурнинг ўсиши ва ривожланишида мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, у халқимиз ва миллатимизнинг куч-кудрати ҳамда имкониятларига, гоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутун ва яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, ғурухбозлик, уруғ-аймоқчилик муносабатларига қарши муросасиз кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади.

Мафкура миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжиҳатликнинг кучайишига кўмак беради. У етук миллий онг, миллий ғуур,

миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси заминида шаклланадиган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Ёшларда она заминга бўлган муҳаббат қанчалик кучли бўлса, Ватани севиш, юксак даражада эъзозлаш туйғуси кучайиб борса, ҳар бир инсон ўз Ватани тарихини, миллий қадриятларини, ўз халқининг тили, маданияти, миллий урф-одатларини мукаммал билса, миллий манфаатларини, миллат тақдири ва истиқболини чуқур англаб етган бўлса, жамиятимиз шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Миллий мафкура республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантириш, инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни, демократияни тўла қарор топтириш, миллатимиз ва мамлакатимиз истиқболи муаммоларини ҳал этишни биринчи ўринга кўйиш йўлида аниқ мақсадларга қаратилган, илмий асосланган хилма-хил билимлар ва хулосаларнинг муайян тизимиридир.

Миллий мафкура халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Миллий истиқтол мафкураси миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланади. Улар мафкурамизнинг тамал тошини ташкил этади. Миллий, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадиий, фалсафиј, диний, хуқукий карашлар ва гоялар мафкурамизнинг инсонпарвар моҳиятнини янада тўлдиради ва бойитади, заминни мустаҳкамлайди, таъсирчанлигини оширади, амалий аҳамиятини кучайтиради.

Миллий мафкурани яратишда халқимизнинг ҳозирги ва келажақдаги туб манфаатларини, истиклолимизнинг ривожланиш қонунларини назарда тутиш фан қонунларига, илмий назарияга тубдан зид бўлган субъективизм ва волюнтаризмга қарама-қарши иш тутиш демакдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳияти, унинг асосий тамойиллари Президент Ислом Каримов асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган. И.Каримов Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганиданоқ, собиқ тоталитар мафкурадан тезрок воз кечиш, мафқуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича онг ва янгича тафаккурни шакллантириш аҳамиятига кенг жамоатчилик дикқатларини қаратди, мазкур сиёсий ғоянинг моҳиятини белгилади, жамиятнинг барча сиёсий-мафқуравий муассасалари фаолиятини айнан шу ғоя ижросига сафарбар этди. И.А.Каримов асарларида миллий мафкурунинг ҳаётимиздаги ўрни, асосий тамойиллари, унинг ҳаётий эҳтиёж даражасига қўтарилганининг сабаблари, хусусиятлари, мафқуравий таҳдидларнинг жамият тинчлиги ва барқарорлигига солаётган хавфи, уларнинг олдини олиш чоралари таҳлил этилган ҳамда назарий асосланган.

Миллий истиқлол мафкураси назарий, методологик ҳамда сиёсий аспектларда объектив реалликнинг бутунлай янги, тарихий амалиётда учрамаган ҳодисасидир. Миллий мафкура ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларига баб-баравар таъсирини ўтказади, жараёнларни ғоявий-маънавий таъминлайди, жамият соглом кучларини олий мақсад сари сафарбар этали, уюштиради, ижтимоий тараққиётни тезлаштиради. “Миллий мафкура,-деб ёзади

М. Куронов, - жамият орасида миллий гояни тарқатувчи, одамларнинг онгини ўзгаришувчи доимий механизмга айланади”<sup>46</sup>.

“Мафкура бўлмаса,- дейди И.А.Каримов,- одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. · Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас”<sup>47</sup>.

Миллий истиқлол мафкурасининг муҳим тарбиявий жиҳати - унинг таъсирчанигига. Энг муҳими, биз шуни тушуниб етишимиз керакки, миллий истиқлол гояси сунъий мажбурлашдан йироқ бўлиши керак, у ҳар қандай конфликт ва конфронтациянинг олдини олиши, энг муҳими, жамият аъзоларининг миллий мансублигидан катъи назар уларни бирлаштиришга хизмат қилиши керак. Мафкура-муайян ижтимоий гурух ёки қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган гоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимиdir<sup>48</sup>.

Сўнгги йилларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу борада уларда шаклланадиган ижтимоий ва мафкуравий тушунча ва гояларнинг аҳамияти каттадир.

Ёшлар тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз

<sup>46</sup> Куронов М. Мафкура. таъсирчаник ва услуб.-Т.:Маънавият,2000.-5-бет.

<sup>47</sup> Каримов И А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.7-жилд.-Т.: Ўзбекистон,1999.-84-бет.

<sup>48</sup> Карапаш. Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар.(Маъзуза матнлари учун материаллар) - Г., 2001.-7- бет.

меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. “Ҳаммамиз яхши биламиз,-дейди И.А.Каримов,- 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр – инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи, маънавий киёфаси тугал шаклланади. Ҳали суюги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмогига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз?”<sup>49</sup>.

Ўзбекистон халқини, жумладан ёшларни миллий ғоя, истиқлол мафқураси асосида жипслаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимиға жорий этиш тўғрисида” 2001 йил 18 январдаги Фармойиши ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шунга асосан ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида мазкур фан бўйича дарслар олиб борилмоқда.

Маълумки, ҳар бир мафқуранинг мазмунида у ёки бу жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ва мақсадлари белгиланади. Шундай экан, биз Ўзбекистонда қандай жамият барпо этајпмиз, унинг моҳияти, асосий мақсадлари, ўзига

<sup>49</sup> Каримов И.А. Янгича тафаккурга кенг йўл //Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йулида.6- жилд.-Т.:Ўзбекистон,1998.-11-бет

хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини чукур англашимиз мухим аҳамиятга эга.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “Жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омонӣ, фаровон, бадавлат турмушига эришиши учун куч-гайрат манбаи бўлншин лознм”<sup>50</sup>.

Миллий истиқлол мафкураси мамлакатимиз ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларида рўй берадиган жараёнларни ифодалайди.

Сиёсий соҳада – ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси ва умуминсоният томонидан эътироф этилган қонунларга асосланган ҳолда инсонпарвар ҳукукий демократик давлатни барпо этиш; давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш; фуқароларнинг сиёсий, ҳукукий онги ва маданиятини юксалтириб инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, том маънода амалда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш; демократиянинг зарурый шарти бўлган кўппартияйлик мухитини қарор топтириш ва ҳ.к.

Иқтисодий соҳада – бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш, уни замонавий технология асосида ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш; хусусийлаштириш жараёнини чукурлаштириш ва шу асосда амалда мулқдорлар синфини шакллантириш; кичик ва ўрта бизнес ҳамда

<sup>50</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин//Биз келажагимизни ўз кўлнимиз билан қурамиз.7-жилд.-Т.: Ўзбекистон,1999.-91-бет.

тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва ҳ.к.

Миллий истиклол мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири ҳалқимизни, ёшларимизни меҳнатсеварликка даъват этиш. Фақат меҳнат туфайли, жамиятимиз тараққиётини таъминлайдиган иқтисод соҳасини ривожлантириш, моддий неъматлар яратиш туфайлигина биз ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишимиз мумкин бўлади. Негаки, ҳар қандай ғоя амалиётга асосланмаса ва меҳнат билан боғланмаса, ўз сиёсий кучини йўқотади ва аксинча, меҳнат билан уйғунлашиб кетадиган ғоя ҳалқнинг эътиқодига айланиб кетади.

Маданий-маънавий соҳада – умуминсоний қадриятлар устуворлигини тан олган ҳолда миллий қадриятларимиз, тарихимиз, тилимиз, ахлоқ-одобимиз, динимизни тиклаш, уларни янги босқичга кўтариш; Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва златларнинг тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарини ривожлантириш, уларга яратиб берилган имконият ва шарт-шароитларни янада кенгайтириш; юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ манфаати учун қайғурадиган, янгича фикрлайдиган, имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш; фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан ва маънан соғлом бўлган авлодни тарбиялаш соҳаларида ижобий натижаларга эришиш; ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъодд ва қобилиятларини намоён этиши учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш.

“Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йулидаги бош гояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир. Бу гоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно – мазмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун мукаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йулидаги бош гоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно – моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиласди”,<sup>51</sup>.

Мафкура – инсон онгига, унинг қалбига йўл очиб, дунёқарашига таъсир этувчи қудратли ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вактда жаҳон миқёсида турлича мақсад – манфаатларни ифода этувчи ҳар хил эски қарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталарнинг пинҳона ва ошкора ўзаро курашлари, тортишувлари ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Мафкуравий курашлар ва тортишувлардан кўзда тутилган “асосий мақсад – инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе

<sup>51</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000-32-33 – бетлар.

қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир”<sup>52</sup>.

Демак, миллий мафкурамизни тарғиб қилиш, омма онгига сингдириша шоирлар, ёзувчилар, олимлар, тарихчилар, файласуфлар зиммасига жуда катта масъулият юклатилади. Зиёлилар ўз асарлари орқали одамларнинг онгига, ҳис-туйғуларига таъсир этиб, ҳаётимиздаги камчиликлар, нұқсонларни бартараф этишга, янги инсон дунёқарашини, унинг маънавий ҳамда ахлоқий қарашларини шакллантиришга кўмаклашади.

## **ЁШЛАРНИ САЛБИЙ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ХИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

Ҳар қандай суверен давлат сиёсатининг марказида ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи турибди. Ўзбекистон миллий хавфсизлиги нафақат давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини курол билан ҳимоя қилишни, балки урушнинг олдини олиш, давлатнинг иқтисодий ва технологик хавфсизлиги, ички барқарорлиги ва тинч ҳаёт қечириши, фуқароларнинг ҳукуқий, маданий-маърифий ютуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсий ва дипломатик чоралар кўришни ҳам ўз ичига олади.

Давлат барқарорлиги, тинч-тотув ҳаёти, тараққиёти ва келажаги ана шу давлатда катта хавф түғдириши мумкин бўлган барча таҳдидларнинг моҳиятини тушуниб етишга, уларнинг олдини

<sup>52</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз.7-жилд.-Т.: Ўзбекистон,1999.-85-бет.

олиш ва бартараф этиш йўлида халқимиз салоҳиятига боғлиқдир. Тахдидга нисбатан хотиржамлик, мудроқлик ёки уни бутунлай сезмаслик жиддий оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси илк бор Президентимиз И.А.Каримов томонидан асослаб берилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди ва унга асос қилиб олинган аниқ кафолатлар қаторида маънавий хавфсизлик омиллари алохида кўрсатилган. Хусусан, ҳозирги вактда давлатнинг баркарорлиги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, ахлоқий ва тарихий илдизларига таяниш орқали таъминланиши кераклиги таъкидланган.

Хавфсизлик концепцияси, миллий манфаатлар тизимини амалга ошириш ва миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари катта аҳамиятга эга. Гап шундаки, миллий хавфсизликнинг талқини нафақат ҳарбий кўчга асосланган ҳаракатлар соҳасини, балки муайян миллий шакллардаги ижтимоий тараққиётнинг кўплаб таркибий қисмларининг уйғун ривожанишини ҳам тақозо этади. Куйидаги сўзлар ҳам ана шу йўналишда ифодаланди. “Хавфсизлик тушунчаси,- деб ёзади И.А.Каримов,- фақат ҳарбий соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги барчага маълум. Кейинги пайтда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, инсонпарварлик ва бошқа белгиларини ўз ичига оладиган ҳарбий бўлмаган жиҳатларини англаш анча кўпайди. Давр хавфсизликнинг яхлитлигини ҳамда энг

муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган иш сифатида уни таъминлаш воситалари муаммосини шакллантиради”<sup>52</sup>.

Ҳозирги кунда кўпгина собиқ Иттифоқ давлатларининг бир ижтимоий-иктисодий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёнини тавсифлайдиган хусусиятларидан бири - тоталитар жамиятдан воз кечиш ва демократик жамиятга ўтишдир. Бундай жараёнлар субмаданият ва унинг тарафдорлари, яъни турли хил миллий, диний, худудий, профессионал ва бошқа жиҳатлардан бирлашган гурухларнинг намоён бўлишига сабаб бўлмоқда. Жамиятда манфаатлари бир бирига мос келмайдиган, айрим ҳолатларда эса мутлақо қарама-қарши бўлган бирликлар аниқ ажралиб бормоқда. Бундай жамиятлар маданияти жамият ривожланишининг асосий қадриятлар, идеаллар ва мақсадлараро доимий муқаррар консенсусни излаш билан тавсифланади.

Одамларнинг кутаётган ижтимоий натижалари билан улар ҳаётининг ёмонлашиб бориши ўртасидаги тафовутнинг ўсиб бориши, кўпинча, ижтимоий саросима ҳолатига ва унга хос бўлган – кўркув, агрессиянинг келиб чиқишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатлар хавфли ижтимоий-психологик манзаранинг шаклланишига, ижтимоий конфликт доирасида зўравонликнинг кучайишига олиб келиши табиийдир. Мазкур фаслда бир маънавий соҳада вужудга келадиган конфликт масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

<sup>52</sup> Карапт: Каримов И.А. Минтакада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун//Бунёдкорлик нўлидан. 4-жилд.- Т: Ўзбекистон, 1996.-35- бет.

Маънавий ишлаб чиқариш тизими кўп қиррали бўлиб, у алоҳида инсон, миллат ва златлар ўзининг тарихий тараққиёти жараённида шаклланган инсон маданиятининг даражасини, тафаккурининг кенглигини, ахлоқий, диний тасаввурларининг бутун тизимини ўз ичига қамраб олади. Инсон маънавий ишлаб чиқаришнинг асосий субъектив омили сифатида, турли хил позитив ва негатив кўринишдаги, унинг характери ва тафаккурини белгиловчи ғояларни яратади.

Маънавий соҳанинг муайян қисмини дин, диний қарашлар, таълимотлар, ғоялар ташкил этади. Бугунги кунда дунёда бирор-бир давлат йўқки, унинг халқи у ёки бу динга топинмаса. Кўпгина халқлар учун диний тасаввурлар тизими ҳаёт ва ўлим Кодексига айланган. Охирги минг йиллик кўпгина миллат ва халқлар ўртасидаги турли хил диний таълимот ва оқимларнинг тўқнашуви билан тавсифланади.

Диннинг жамиятга таъсир этишининг ўзгармас назарий модели – унинг жамиятни бирлаштириш ва интеграциялаштиришдан иборатdir. Тарихий тажриба эса диннинг жамиятда рўй берадиган ижтимоий жараёнларга мураккаб таъсир этиши мумкинлигини тасдиқлади<sup>53</sup>. Бундай таъсир ижтимоий ва миллатлараро конфликтларнинг келиб чиқишига, жамиятда рўй

<sup>53</sup> Қаранг Мчедлов М.П. О религиозности российской молодёжи// Социологические исследования.-1998 -№6; Новикова Л.Г. Основные характеристики динамики религиозности населения //Социологические исследования.-1998 -№9; Воронцова Л. М., Филиатов С.Б., Фурман Л.Е. Религии в современном массовом сознании// Социологические исследования -1995 -№11; Кулаков П.А. Учащаяся молодёжь и религия//Социологические исследования.-1995 -№11; Ерасов Б. Унификация мира. Глобализация подрывает жизнеспособность незападных цивилизационных структур//Независимая газета.- 2001.-14 март.- с.9 ва бошк.

бераётган ҳодисаларнинг мураккаблашиб боришига сабаб бўлиши мумкин.

Айрим ҳолатларда дин интеграцион вазифани бажариб, қарама-қаршиликларни бартараф этиши ҳам мумкин. Бундай таъсир этишнинг характеристики турли диний бирликларнинг тарихий тараққиёт жараёнида ўзаро ҳамкорлиги, давлат сиёсатининг динга, диний бирлашмаларга, эътиқод қилувчиларга, миллий элиталарга нисбатан бўлган муносабати билан чамбарчас боғлик.

Тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш жараёни миллатлараро зиддиятлар, миллий ва диний конфессиялараро қарама-қаршиликларга олиб келиши мумкин. Конфессиялараро ва миллатлараро тафовутлар иқтисодий инқизоз ва давлат мулкини қайта бўлиб олишга бўлган интилишлар билан бир қаторда, миллий элитанинг дин ва диний институтлардан ўзининг сиёсий манфаатларини амалга ошириш мақсадида фойдаланишга интилаётганлигидан келиб чиқади.

Мазкур масалани ўрганиш борасида христианлар ва мусулмонлар, православлар ва католиклар ўртасида юзага келаётган конфессиялараро қарама-қаршиликлар муносабатларига тегишли айрим маълумотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда, чунки айнан бундай муаммолар миллатлараро муносабатларининг кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Қарама-қарши томонларнинг этноконфликт вазиятга тааллуклилиги, ҳар хил конфессиялараро маданиятларга тегишлилиги мазкур муаммоларнинг узоқ давом этадиган ва кенг кўламда тарқаладиган, кўпгина ҳолатларда мажбурий характеристерга

эга бўлаётган конфликтга олиб келмоқда. Буларга ислом фундаментализми, диний экстремизм, локал диний конфликлар кабиларни киритсак бўлади.

Замонавий сиёсий институт ва давлат ҳокимияти тизимлари диний экстремистлар тажовузкор ташланишларининг объектига айланмоқдалар. Ислом радикал кучларининг амалиёти ислом давлатининг асосларини барпо этиш, ҳақиқий мусулмонларнинг давлат ҳокимиятига эришиш йўлидаги фаол ва зудлик билан амалга ошириладиган тажовузкор ҳаракатларида ўз ифодасини топмоқда. Замонавий ислом экстремизмининг ҳаракатлантирувчи кучларини асосан ёшлар, талабалар, ишчилар, кичик савдо гарлар, инженерлар, диний қарашларни ўзгартирган шахслар ташкил этади. Диний экстремистлар сафларининг кенгайишига ҳозирги кунда мусулмон оламига зид бўлган гарб оммавий маданиятининг кириб бориши ҳам сабаб бўлмоқда.

Амалиёт шуни қўрсатадики, конфессионал ва этник сабаблар асосида содир этилган конфликлар бир неча йилларга чўзилиши мумкин. Масалан, Шимолий Ирландия, Болқон, Кавказ худудлари бунга ёркин мисол бўла олади. Аммо Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги конфессиялараро конфликт биринчи маротаба ядро куролларига эга бўлган мамлакатлар ўртасида содир бўлмоқда.

Якин Шарқ инқирозининг бошқа локал диний конфликтлардан фарқли улароқ хусусияти шундан иборатки, муаммонинг марказида турган Иерусалим, нафақат конфликт иштирокчилари (мусулмон ва яхудийлар), балки ҳамма христиан конфессиялари учун катта аҳамиятга эга лиgidir.

Ирландиядаги католик ва протестантлар ўртасида давом этәётган диний қарама-қаршилик католикларнинг Буюк Британия таркибида қолиши ҳоҳламаётганлиги билан мураккаблашиб бормокда. Бу ерда диний конфликтлар этник ва мағкуравий қарама-қаршилик билан уйғунлашиб кетган. Ирландия Республикаси Армиясининг (ИРА) гоявий-назарий асосини радикал-социалистик, деб баҳолаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда кўпгина гарбий “сепаратистлар” социалистик ва коммунистик гояларга мурожаат қилмоқдалар. Масалан, басклар мустақиллиги ва Испания таркибидан чиқиб кетиш учун қурашаётган ЭТА террористик ташкилоти радикал национализм билан уйғунлашган марксизмни тарғиб қиласди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, диний асосдаги конфликтларни ҳал қилиш жуда қийин<sup>54</sup> ва мураккаб, чунки бундай мажароларнинг асосида, кўпинча давлат чегараларини ўзгартириш ва янги худудларга эга бўлиш масалалари ётади<sup>54</sup>. Масала, охирги пайтда бунга ўхшаш конфликтлар ядро қуролларига эга бўлган мамлакатларда содир этилаётганлиги билан янада мураккаблашиб бормокда.

Цивилизацияларнинг ривожланиши, давлатлараро чегараларнинг қайта бўлиниши, турли миллатлар ва халқлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароитларининг ўзгариб бориши ва ниҳоят, ахоли ўртасидаги ихтиёрий ёки мажбурий миграция жараёнлари XX асрга келиб, ирқчиликнинг ўта тажовузкор характерга эга бўлаётганлигига олиб келди. Энг муҳими,

<sup>54</sup> Қаранг: Региональные конфликты современности: источники, типы, пути решений.// www.ovsem.com.

инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида иркчилик ҳамиша у ёки бу давлатларнинг чегараларини кенгайтириш, босиб олиш, колонизациялаш, зўравонлик каби хатти-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлик бўлған ва уларни оклаб келган. Бунинг асосида эса охир-оқибат конфликтлар вужудга келган. Замонавий тилда бундай ҳаракатларни “этник тозалаш” ёки “геноцид” деб аташ мумкин.

Замонавий иркчилик ташки қиёфасини ўзгартирган бўлса-да, унинг мазмун-моҳияти шундайлигича қолган. Бир миллат вакилларининг бошқаларга нисбатан тажовузкор муносабатда бўлишига бадан ранги, миллий тил ва урф-одатлар, яшаш тарзи ва диний эътиқодларга ўхшаш кўплаб омиллар сабаб бўлмоқда.

Европада “Иркний зўравонликка қарши скинхэдлар” (SHARP) ташкилоти мавжуд. Аммо ташкилот аъзолари иркчиликка қарши курашиш ниятидан йироқдалар. Скинхэдлар қаторларини турли мамлакатларнинг неонацистлари, фаол жангарилари тўлдириб бормокдалар. Улар иркнинг тозалигини саклаш тарафдорлариидир. Германияда скинлар туркларга, Венгрия, Словакия, Чехияда лўлиларга қарши, Британияда осиёликларга, Францияда негрларга қарши, АҚШда эса турли иркний камсонли гурухлар ва эмигрантларга, айниқса, ёхудийларга қарши кураш олиб борадилар.

Статистик маълумотларга таянсак, бугунги кунда Британияда 1 500дан 2000гача скинлар борлиги маълум. Германияда эса, улар сони 5 000дан ортиқ, Венгрия ва Чехия мамлакатларининг ҳар бирида 4000, АҚШда -3 500 гача ва ҳ.к. Буларга ўхшаш иркний ҳаракатлар Польша, Италия, Испания, Канада, Голландия,

Австралия, Япония ва бошқа мамлакатларни ҳам заҳарлаган. Сочи олингганлар турли кўринишдаги неонацист сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб, уларга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

АҚШдаги скинларнинг кучи ижтимоий қўллаб-кувватлашда эмас, балки уларнинг кўпол зўравонликка мурожаат қилишларида намоёни бўлмоқда. Бу орда лиги ҳаракат умранини оуриб колаётгани ирқий ва антисемит гурухлар (Ку-Клус-Клан), ярим ҳарбий неонацист ташкилотлар қўллаб қувватлаши оқибатида кучайиб бормоқда.

Мазкур рўйхатни Эстония, Россия ва собиқ Иттифоқнинг айрим мамлакатларида рўй бераётган воқеалар билан давом эттириш мумкин<sup>55</sup>. Аммо энг ёмони шуки, ирқчилик турли ижтимоий гурухлар ўртасида миллатчилик, агрессия, зўравонликни вужудга келтирувчи ва жиддий конфликтларга олиб келувчи омилга айланмоқда. Бундай тўқнашувлардан террорчи ташкилотлар ва жангари гурухлар ҳам ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш йўлида кенг фойдаланмоқдалар.

Маълумотларга кўра, 2000 йилда 36та мамлакатда 40та, 2001 йилда эса, 30та давлатда 36та ҳарбий конфликт содир бўлган. Уларнинг 27таси, яъни 75 фоизи бундан 10 йиллар олдин рўй берган. Буларнинг аксарияти миллий конфликтлар, диний ёки ирқий камситилишлар асосида келиб чиққан фуқаролик урушлари хисобланади.

---

<sup>55</sup> Қаранг: Ҷемаль Г. Россия и исламский фундаментализм// <http://kontrudar.ru/article/12.htm>.

Албатта, бундай муаммоларни бир зумда ҳал қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда БМТ ҳамда бошқа ҳалқаро ташкилотларнинг бундай конфликтларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш борадаги саъй-ҳаракатлари кучайиб бормоқда.. Фикримизча, бундай муаммоларни ҳал қилиш борасида одамларнинг онги, дунёқарашини, таъбир жоиз бўлса, маънавиятини ўзгартириш лозим. Энг муҳими, ҳар бир мамлакат ўзининг ёш авлодини ана шундай афюн ғоялардан ҳимоя қилиши зарур, бошқача айтганда ўз маънавий хавфсизлигини таъминлаши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон қанчалик қалтис дунё билан алоқага киришганлигини кузатиш мумкин. Минтақамизда маънавий хавфсизликни таъминлаш заруриятининг сабабларидан бири шундан иборатки, бозор иқтисодиёти чет эл сармоялари, замонавий техника ва технология, бозорни шакллантириш усуллари билан бир қаторда мамлакатимизга ўзининг маданияти, турмуш тарзи, дунёқараши ва тасаввурларини ҳам олиб кирмоқда. Бу табиий жараён, албатта ва уни ҳеч қандай тўсқинлик билан тўхтатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда худудимизга айрим нохуш маҳсулотлар кириб, кенг тарқала бошлади.

Бу маҳсулотлар “оммавий” маданият таъсири остида шаклланган тасаввур ва маданий “тўлқинланишни” ўзида мужассамлаштирган, ўз “жозибадорлиги”, кўп йиллар давомида “мумкин бўлмаган” мавзуларни ўзида акс эттирганлиги билан айрим ёниларимизни ўзига ром этмоқда. Ёшлар орасида сочи “олинганлар”га, скхиндерларга ва чет эл кўпол металлистларига ихлос кўйганилар учрамоқда.

Юртбошимиз И.А.Каримов “Фидокор” газетаси мухбирининг саволларида берган жавобларида бу масалага алоҳида тўхталиб, афсус билан инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йикит инстинктларни, яъни ҳатти – ҳаракатларни кўзгатиб юбориш осонроқлигини таъкидлаб ўтдилар. Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёшлар бундай таъсир остига кириб бормоқдалар, бундан эса улар шафқатсизликни ўрганадилар, холос. “Натижада,- дейди И.А. Каримов, - уларнинг дийдаси котади, қалбидан тошбагирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади”<sup>56</sup>.

Мамлакатимиз ёшларини бундай таъсирдан маъмурий йўл билан, қонун чиқариб ҳам тўхтатиб бўлмайди ва у давлатимиз, ҳалқимиз, ёшлар тарбияси ва дунёқарашига таъсир этиб, катта хавфни ўзида мужассамлаштиради. Шуни аълоҳида айтиш керакки, гаразли кирдикорларини амалга ошириш маҳсадида изгиб юрган кимсалар тарғибот ишларини қайси йўл билан бўлмасин олиб боришга уринаяптилар.

Масаланинг иккинчи томони, афсуски, ҳозирги кунда ҳам орамизда маънан қашшоқ, дунёқараши тор, ўзини-ўзи ўйлайдиган одамлар учраб туришидадир. Айнан шундай кимсалар афюн маҳсулотларига бўлган талаб бозорини вужудга келтирадилар. Хорижий мамлакатлар ҳаётига кўр-кўронга, беморларча ҳавас қилаётган ёшлар ҳам учрамоқда.

<sup>56</sup> Каримов И.А. Миллий истиколол мафкураси- ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард маҳсадимиз.8-жилд.-Т.:Ўзбекистон,2000.-494 – бет.

Турли йўналишдаги харакатлар, оммавий маданият таъсири остида шакланган қарашлар бугунги кунда бизнинг ўлкамизга ҳам кириб келмоқда ва ўз салбий таъсирини ёшларимизга кўрсатиши мумкин. Уларнинг олдини олиш, ёшларимиз онгининг заҳарланишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, маънавий хавфсизлик масаласи инсон борлиғининг ижтимоий хавфсизлиги масаласи билан биргаликда кўрилиши лозим. Маънавий хавфсизлик концепцияси эса инсон ҳуқуқларининг концепцияси билан боғлиқ ҳолда кўрилиши керак. Алоҳида ва хусусий характерга эга бўлган мафкуравий, маънавий таҳдид ва тажовузларнинг олдини олиш нафақат зарур, балки уни амалга ошириш ҳам мумкин.

“Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллый манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий ҳаракатлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келишит мумкин”,- деб таъқмидлайди Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов<sup>58</sup>.

Маънавий ва мафкуравий таҳдид обьект ҳамда субъектнинг ижтимоий ўзаро таъсири оқибатида вужудга келади ҳамда маданий ва ижтимоий асосларнинг ягона ижтимоий турдаги тўқнашуви асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавиятни химоялаш ҳамда зид, бегона, бекарорлаштирувчи маънавиятдан химояланиш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

<sup>58</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.-12-бет.

“Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одманинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадидини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва ахборот хуружларини назарда тутиш лозим”, - деб таъкидлайди И.Каримов<sup>59</sup>.

Глобал мафкуравий таҳдид ва тажовузнинг хавфи - уларнинг мамлакатимизга кириб боришидаги йўлларининг деярли очиқлигидадир. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги, йўлдош алоқаларининг катта имкониятлари мазкур муаммони янада чигаллаштиришга олиб келмоқда.

Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш заруриятининг бир неча сабаблари бор. Булар қаторида:

-ташкил топган ёш суверен давлатларни яна эски усуздаги “яхлит мамлакат” таркибига қайтариш;

-халқларнинг миллий онги ва миллий ўз-ўзини англашларининг шаклланишига тажовуз килиш;

-мавжуд табиий қийинчиликлардан фойдаланиб, давлат барқарорлигини бекарорлаштириш, халқимиз имон ва эътиқоди оёқ ости қилиб, ягона Ислом давлатини қуриш мақсадида ҳаракат килаётган турли сиёсий, диний, экстремистик кучлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Ана шундай таҳдидларнинг олдини олиш йўлида Ўзбекистонда, энг аввало, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш

<sup>59</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият –сигилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.-14-бет.

лозим. Гап шундаки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси эски мустабид тузумга хос бўлган мафкурадан бутунлай воз кечиб, янги – миллий истиқлол мафкурасини яратиш устида иш олиб боряпти. Бундай пайтда маънавият соҳасида бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Айнан шундан фойдаланиб, экстремистик, диний, сиёсий ва бошқа кучлар фуқаролар, айниқса ёшлар онгини нотўғри фикр, гоя, қарашлар билан чалғитишга уринишлари мумкин. Бу эса давлат барқарорлигини бекарорлаштиришга, фуқароларни мухим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазифаларни бажаришдан чалғитишга олиб келиши табиийдир.

Демак, биз маънавият соҳасидаги гоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз лозим. Юртбошимиз И.А.Каримов “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоб берганларида бу ҳақда шундай фикрни билдирганлар: “...Ҳеч қачон кишилик жамиятида гоявий бўшлиқ пайдо бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегон: турли хил мафкуравий тазииклар эгаллаб олиши ва ўз тасирини ўтказиши муқаррар. Бундай хавфни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз – бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир”<sup>57</sup>.

Шуни айтиш керакки, ҳеч қандай жамият ёки давлат мафкурасиз яшай олмайди. Бизнинг миллий истиқлол мафкурамиз эса кишиларда миллий онг ва миллий ғурурни ўстиришда, миллий маданиятимиз ривожланишида, ёшларда ватанпарварлик,

<sup>57</sup> Каримов И.А. Ўзбекагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмиз 7-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1999.-298-299-бетлар.

инсонийлик, миллатлараро дўстлик каби инсоний фазилат ва муносабатларни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. У халқларимиз ва миллатларимиз куч-кудрати ва имкониятларига, гоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутун яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гурухбозликларга қарши кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош гояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатdir. Бу гоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно – мазмунини белгилайди, хар бир инсон учун мукаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий гоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош гоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно – моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиласми.

Миллий истиқлол мафкурамиз давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, демократик давлат фуқаролик жамият барпо этишда конкрет мақсад ва йўналишларга таянади. Унинг ёрдамида халқимиз инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиласиган, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтира оладиган, келажаги буюк давлат куриш йўлида ўзида куч-гайрат топади.

Истиқлол мафкурамиз ўзида ёшларда ҳалол ва пок ҳаёт кечириш, бева-бечораларга, қаровсиз қолган болаларга, етим-есирларга ёрдам бериш, уларга нисбатан диққат ва эътиборда

бўлиш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга асосланади.

Миллий истиклол мафкураси халқларни бир-биридан ажратмайди. Маълумки, Ўзбекистонда кўплаб миллат вакиллари истиқомат қиласидар. Мафкурамиз уларни миллатидан қатъи назар ўзаро бирлаштиради. Ўзбекистонни Ватаним деб ҳисоблайдиган, у билан фахрланадиган барча миллат вакилларининг тейнг хукуқлиигини, миллий ғурури ва манфаатларини ҳимоя қиласиди. Демак, бизнинг мафкурамиз асослари жуда бакувват ва у ҳар қандай экстремистик ва шовинистик ғояларга қарши кураша олади.

Хозирги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Бундай шароитда Ўзбекистон халқи – ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиши мумкин.

Бугун давлатимиз мураккаб дунё билан алоқаларга киришган, коммунистик мафкура тарафдорлари ҳам эски ҳаётни қўмсаб, куролларини ташлаганлари йўқ. Мамлакатимизга турли йўллар билан ҳар хил сиёсий, диний, маданий оқимлар кириб келмоқда ва ўз таъсирини кучайтирмоқда. Кенг худудда ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашга бўлаётган майлликлар, Россия-Белорус иттифоқини “ибрат” қилиб, умрини яшаб бўлган собиқ совет ғояларини қайтадан тиклаш йўлидаги уринишлар, шунингдек, ўзбек халқининг тарихини сохталаштириш ҳаракатлари хозирги мафкуравий таҳдидларнинг хавфли кўринишларидан айримларилир.

Таҳдид ҳақида гапирап эканмиз, энг аввало, дикқат ва эътиборимизни XX аср охирига келиб, пайдо бўлган умумсайёравий муаммоларга қаратмоғимиз лозим. Биз булар тўгрисида юқорида батафсил ёзган эдик. Ҳозирги кунда ана шундай муаммолар қаторида террорчилик, диний экстремизм, вахҳобизм, ақидапарастлик жиддий эътиборни тортмоқда.

Расмий маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда дунёда 500 дан ортиқ террорчилик ташкилотлари мавжуддир. Улар 60 та давлат худудида ўз тармокларини ёйишга муваффак бўлдилар. Айни даврда 84та давлат фуқароларига қарши террорчилик ҳаракатларини амалга ошироқдалар.

Мутахассислар фикрича, жаҳоннинг турли мамлакатларида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларининг 47 фоизи - портлаш (улардан 13,7 фоизи бомбалар ёрдамида), 7,4 фоизи - қотиллик, 7,5 фоизи - фуқароларни ўғирлаш, 5,5 фоизи - куролли тажовузлар орқали амалга оширилган экан<sup>58</sup>.

Дарҳақиқат, терроризм кўпгина давлатларда жиддий хавфга айланиб, халқаро миёсдаги муаммо бўлиб бормоқда. Бу ёвузлика карши самарали кураш олиб бориш учун курашнинг янги, ноанъянавий шакллари ва усусларини ишлаб чиқиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ушбу жиддий

<sup>58</sup> Қаранг: Экстремизм ва террорчилик – хуррият кушандаси. // Ҳалқ сўзи.-1999.-2 март; Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши.-Т.:Академия,2003; Стабильность в Центральной Азии в постконфликтный период.-Т.:Редакционно-издательский комплекс ИСМИ при Президенте РУз,2002; Баранов А. Терроризм и гражданское мученичество в европейской политической культуре Нового и Новейшего времени// Общественные науки и современность.-М.:Наука.-2004.-№1.-с.77-88; Кудрявцев В. Предупреждение терроризма// Общественные науки и современность.-М.:Наука.-2004.-№1.-с.89-95 ва бошк.

хавфга етарлича баҳо берилмаётганлигини, унга юзаки ёндашиш жиддий сиёсий хато эканлигини қайд этди. “Энг муҳими, - дейди Президент, - конунларимизда терроризм нафақат бизнинг давлатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига хавф солувчи жиддий муаммо эканлиги ўз ифодасини топиши лозим. Биз миллӣй конунчилигимизда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси “Терроризмга қарши кураш тӯғрисида”ги конунда бу муҳим муаммони ҳал этиш билан боғлиқ барча муаммоларни тўлиқ акс эттиришимиз зарур”<sup>59</sup>.

Террорчиликнинг бир қанча кўринишлари (большевизм, фашизм ва ҳ.к.) мавжуд. Одатда террорчилик диний экстремизм, фанатизм билан алоқадордир. Диний экстремизм ва ақидапарастлик ёнма-ён юрадиган ҳамда бирга учрайдиган ҳаракатлар бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг кучайиб бораётганлигини инобатга олмай бўлмайди. Негаки, ақидапарастлик ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бундай мафкуралар муайян давларда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган. Бу ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам кўяётган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Ақидапарастлик қандай шаклда бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек ҳатарлидир.

“Ҳар қандай тажовуз, – дейди И.А. Каримов, – ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий

<sup>59</sup> Қарани Миллий истиколол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.:Ўзбекистон, 2000.-7-бет.

замиинини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соглом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда”<sup>60</sup>.

Диннинг сиёсийлашуви инсоният ҳаёти учун ҳар доим хавф солиб келган ва яқин келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши мумкин. Замонавий муаммо ва ечимини кутаётган масалалар нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги пайтда бу харакатлар бутун инсониятнинг фаровон ҳаёти учун ҳеч қачон бугунгидек сезиларли даражада хавф туғдирмаган. Бу оқим ва харакатларнинг асосий моҳияти ҳамда мазмуни тарафдорларининг мутаносиблигигида, гайриинсоний гояларни кўллаб-кувватлашида, бошка диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишида ифодаланади. Ўз ҳақилигини исботлаш йўлида бундай кимсалар зўравонликка, қотилликка мурожаат қилишади, яъни мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан воз кечмайдилар. Террорчилик, экстремизм, ақидапарастлик бугунги кунда умумжаҳон муаммо даражасига кўтарилган.

Экстремистларнинг хокимиятпаратстлик йўлидаги интилишлари инсонни эъзозлаш, унинг жонига қасд қиласлик; раҳмдиллик, шафқатлилик, барчага меҳр-муҳаббатли бўлиш, қон тўкиш энг катта гуноҳ эканлиги ҳақидаги исломий қадриятларга батамом қарама-қаршидир.

Ваҳҳобийликка сиёсий жиҳатдан қараладиган бўлса, бу диний оқим ислом дини бирлигини бузишга, емириб ташлашга қаратилган харакатdir. Диний бирликни бузишдан мақсад – мамлакатлар,

<sup>60</sup> Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ:// Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 2004.- 265-267-бетлар.

давлатлар, халқлар ва миллатлараро бирлик ҳамда ҳамжиҳатликка путур етказиш, ўзаро ажратиб ташлаш, бир-бирига тубдан қарама-қарши килиб қўйишдан иборат.

“Ислом динини, - дейди И.А.Каримов, - сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мағкурасини яратсаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвойер ташкил этаётган, халифалик тузищдек турли хом-хәёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак”<sup>61</sup>.

Ақидапарастлик хавфи мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаришга интилишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу эса, шунингдек, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишлиарда ҳам намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир. Ақидапарастлик хавфи “мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиган фикр туғдиришга уринишлиарда намоён бўлмоқда. Уларга бизнинг гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар”<sup>62</sup>.

<sup>61</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилап, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.:Ўзбекистон,2005.-64-65-бетлар.

<sup>62</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва гараккинг кафолатлари//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.б-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1998 .-60-бет.

Ҳозирги шароитда хориждаги кўпчилик мамалакатлардаги экстремистик кучлар ислом динидан сиёсий кураш, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш ҳамда сиёсий ҳокимият учун курашда бир байроқ сифатида фойдаланмоқдалар. Ислом ақидапарастлиги – соф ислом асосларига қайтиш, соф исломий давлатни куриш ҳамда жамиятнинг бутун ҳаётини унинг ақидалари негизида камол топтиришга уринишидир. Диний ақидапарастлик ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизациялар ўртасида ялпи қарама-каршиликни шакллантиришда, шунингдек, омманинг онгига дин барча иктисадий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал килишнинг универсал воситаси, деган фикрни қарор топтиришда ҳам кўринимоқда.

Ҳозирги кунда бундай оқим ва ҳаракатларининг хавф солаётганлиги шундан иборатки, улар Исломни қайта тиклаш баҳонаси билан сиёсий кўпорувчилик, сиёсий зўравонликни кучайтироқдалар. Диний экстремистлар мазкур мақсадларга эришишда ҳозирги замоннинг ҳар қандай имкониятларидан, жумладан, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларидан, фойдаланмоқдалар. Интернет тармоғида деярли барча радикал ислом ташкилотларининг сайтлари бор. Масалан, Толибон ҳаракати, ислом нажот фронти, Ислом гурӯҳи (Ал-Жамоа ал-исломия), Ислом озодлик партияси (Ҳизбут-тахрир ал-исломия), Муҳожирлар (Ал Муҳожирун), Яхудийлар ва хочпарастларга қарши кураш ҳалқаро ислом фронти ана шулар жумласидандир.

Санаб ўтилган сайтларнинг кўпчилиги Интернетда ўзига хос тармоқни ташкил қиласи. У, ўз йўналиши жиҳатидан, таъбир жоиз бўлса, виртуал жиҳоддир. Сайтларнинг аксарият кўпчилиги жиҳод гояларини, Ғарбга қарши ҳамда ислом мамлакатларидағи исломдан чекинганликда айбланаётган хукмрон тузумларга қарши кураш гояларини тарқатмоқда. Бундай мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

“Виртуал жиҳод орқали, - деб ёзади Л.Левитин, - иккита асосий мақсадга эришилади. Биринчидан, мусулмон жамиятига ахборот-ташвиқот ёрдамида таъсир ўтказилади. Иккинчидан, радикал ислом гурухларига ташкилий ёрдам кўрсатилади. Биринчи мақсадга эришишга сайтларда жойлаштирилаётган дастурӣ, тарихий, кўргазмали, мунозарали ва шу каби материаллар хизмат қиласи. Ташкилий жиҳатдан ёрдам бериш учун Интернетдан алоқа воситаси сифатида фойдаланилмокда. Электрон почта орқали шифрланган йўрикномалар, хариталар, чизмалар, пароллар ва шу кабилар узатилади. Интернетда йигилишлар, анжуманлар ва ҳоказолар хақидаги маълумотлар жойлаштирилади. Эълонлар ва варакаларда телефон-факсларнинг рақамларига кўшимча ўлароқ, турли ислом ташкилотларининг электрон почта манзиллари ҳам келтирилади. Бу эса қарши алоқа ўрнатиш имконини беради”<sup>63</sup>.

Халқаро диний экстремистик гурухларнинг асосий мақсади - ўтиш даврининг табиий қийинчиликларидан фойдаланиб, мавжуд ҳукуматга қарши ҳаракат қилиш, шу билан бирга ўzlари Ислом

<sup>63</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-263-264-бетлар.

дushmanлари деб билган давлат арбоблари ҳамда фуқароларга қарши жисмоний зўравонликларни ўтказишидир.

Ислом ота-боболаримиздан қолган қадриятдир. У биз учун ҳам имон, ҳам диёнат қонунларининг мажмуасидир. Бу эътиқод, миллионлаб кишилар дунёқарашининг мавжудлигининг заминидир. “Биз,- деб ёзади И.А.Каримов, - ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур кила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз”<sup>64</sup>.

Дарҳақиқат, давлатимиз диний қадриятларимизни тиклаб, виждон эркинлигини зълон қилди. Албатта, Конституцияда айrim чеклашлар ҳақида ҳам ёзилган. Масалан, динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин. Конституциянинг 61-моддасида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдир, дейилган.

Хеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Давлат органлари турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашадилар, диний ва ўзга фанатизмга ҳамда экстремизмга бўлган муносабатларни қарама-қарши кўйиш ва

<sup>64</sup> Каримов И.А. Оллох қалбимизда, юрагимизда.- Т.:Ўзбекистон,1999. - 5- бет.

кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-харакатларга йўл кўймайдилар.

Конституциянинг 57-моддасига мувофик, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқининг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти, махфий жамиятлар ҳамда уюшмалар тузиш таъқиқланади. Шунга мувофик, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига тазиик ўtkазишига қаратилган ҳар қандай ҳаракат ва уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан ман этилади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунида белгилаб кўйилганидек, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳолда, қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди, турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади. У диний мутаассиблик ва ақидапарастликка, диний адоватларни авж олдиришга йўл кўймайди, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тогувликни кўллаб-куватлайди. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди.

Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Ўзбекистон Республикасида диний мохиятдаги сиёсий партия ва жамоат харакати тузишга ҳамда уларнинг фаолият юритишига йўл кўйилмайди<sup>65</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда “Мовароуннахр”, “Ислом нури”, “Мовароуннахр мусулмонлари” нашрлари мунтазам равишда чиқиб турибди. Биринчи маротаба мусулмонларимиз муқаддас китоби “Куръони Карим” ўзбек тилида нашр этилди. Халқимиз Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавийларнинг ёзган асарларини ўқиши имкониятига муваффақ бўлдилар.

1999 йил 7 апрелда “Тошкент Ислом университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Бундай маскан ташкил қилинишининг зоссий сабаби аҳоли томонидан муқаддас ислом динимизга ўсиб бораётган қизикувчанлик ва талабчанликдир. Исломни тўғри таргибот қилувчи мутахассисларни тайёрлаш ва улар фаолиятини жонлантириш аҳолининг турли диний экстремистик кучлар таъсири остида қолишининг олдини олишга имкон яратади.

Демак, ҳозирги кунда давлатимиз келажаги ҳакида қайғураётган ҳар бир инсон чет элдан келтирилаётган моддий ва маънавий афюн билан халқларимизни, айниқса, ёшларимизни жисмоний ва руҳий жиҳатдан заҳарлантиришга бефарқ қарамаслиги лозим. Бунинг учун нима қилиш керак? Маъмурий йўл билан қонун чиқариб ушбу ҳолатларни тўхтатиб бўлмайди. Демак,

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (Янги таҳфир) конуни // Халқ сўзи.- 1 май.

биз бегона, бекарорлаштирувчи мафкурага – миллий истиқлол мафкурамизни, жисмоний азоб ва қон тўкилишларга - меҳрмурувват, диёнатсизликка – руҳий поклик, беҳаёликка – камтаринлик, бемаънилий – маънавий бойлик, бошқача айтганда, халқимизнинг кўп асрлик тараққиёти давомида яратилган Шарқона ахлоқ-одоб қоидаларини, юксак маънавият ва бой маданиятимизни, қадриятларимизни қалкон қилиб кўйишимиз керак. Биз маънавий хавфсизлик ҳақида қайғурар эканмиз, энг аввало, фуқароларда юксак маънавиятни шакллантиришнинг аҳамияти қанчалик баланд эканлигини тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз И.А. Каримов айтганларидек: “Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она – Ватанга, бой тарихимизга, ота – бобаларимизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Токи, улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чукур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсон бўлиб етишсин”<sup>66</sup>.

Негаки, маънавияти юксак даражада ривожланган халқ, миллат тараққий этади, келажакка қараб дадил, изчиллик билан қадам босади ва аксинча, маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат ёки давлат таназзулга учрайди.

Фикримизча, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куйидагиларга дикқат ва эътиборни қаратмоқ лозим:

<sup>66</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мақкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончлар// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.8-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2000 . :94-495 – бетлар.

- маънавий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чоратадбирларни режалашириш ва амалга ошириш. Бундай ишни давлатнинг ичидан бошлиш лозим ва бунда давлат бошқарув органларининг, маънавият ва маърифат марказларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади;

- халқларимизнинг кўп асрлик маданиятига, илмий ва маданий меросига таяниш, миллий қадрият, урф-одат, байрам ва анъаналаримизни тиклаш;

- фуқароларда юксак маънавиятни шакллантириш жараёнини янада чукурлаштириш ва бу борада:

а) кенг халқ оммасида, хусусан, ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, билимдонлик ва шу каби маънавий-маърифий фазилатларни шакллантириш;

б) миллий ўз-ўзини англаш, миллий онгни ўстириш йўли билан миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини тарбиялаш;

в) руҳий поклик ва ҳалоллик, имон ва диёнат, меҳр-шафқат, ота-онага ҳурмат, Ватанга, оиласа садоқат каби ахлоқий меъёrlарга амал қилиш;

- ҳокимликлар, бошқа давлат бошқаруви ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли орасида тушунтириш ишларини жонлантириш, уларнинг доимийлигини таъминлаш ҳамда бу ишга жамоат бирлашмаларини кенгроқ жалб этиш, оммавий-ахборот воситаларида тегишли масалаларни ёритиш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини қонун хужжатлари, юридик

адабиётлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларнинг билим ва малакасини ошириш;

- халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг муҳим масалалар юзасидан қабул қилаётган қарорлари лойиҳаларини аҳолининг кенг катламлари муҳокамасига ҳавола этиш;

- дин тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини давом эттириш;

- туман, қишлоқ марказларида, маҳалла, хўжалик, йирик корхона, ташкилот муассасаларида жамоатчилик маслаҳатхоналарини ташкил этиш;

- милиция - мактаб - маҳалла - масjid ҳамкорлигини чукурлаштириш;

- террорчиликка қарши илмий - таҳлилий тадқиқотларни ривожлантириш;

- олий ўкув юртларида сиёсий фанларга зътиборни кучайтириш, ҳукуқни муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ равишда олий ўкув юртларида бу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш;

- халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш - давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, келажакка ишонч билан қадам кўйиш, янги демократик давлат фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим шартлардан биридир. Давлатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш каби муҳим масалага нафақат давлат бошқарув ва хавфсизлик органлари, балки кенг жамоатчилик ҳам

диқкат-эътиборини қаратмоги керак. Ҳокимиятлар, маҳалла кўмиталари бу жараёнда фаол иштирок қилишлари зарур. Ҳалқ таълими соҳасида иштирок қилаётган барча зиёлилар, олимлар, ўқитувчи ва мураббийлар Олий, ўрта-махсус ва касб-хунар юртларида маънан бой, дунёкараши кенг, соғлом фикрлай оладиган, Ватанга фидойи, ҳақиқий инсон бўлиб етишадиган шахсни тарбиялашга бор куч ва имкониятларини сафарбар қилишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юксак маънавиятни шакллантириш, ўтмишга ҳурмат ва эътиборда бўлиш, Шарқона қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш, ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳамда миллий ифтихорни ўстириш, миллий истиқлол ғоясининг ёшларда ҳамдўстлик тарбиячиси сифатини ошириш туфайлигина жамиятимиз ўзининг маънавий хавфсизлигини таъминлай олади.

## **МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАБИЯЛАШ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ**

Ёшларга оид сиёsat Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат бўлиб, ушбу сиёsatнинг ҳуқуқий кафолатлари ЎзР Конституцияси, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун, 1992 йил 8 августда “Ўзбекистонда ижодкор ёшларни куллаб-кувватлаш чора-тадбирлари”, 1996 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар жамғармаси тўғрисида”ги ЎзР Президенти қарорлари ва бошқа қатор мөъёрий-хукуқий хужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати қуйидаги қоидаларга асосланади:

-миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

-ёшларни хукуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

-миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси;

-ёшларнинг ташаббусларини кўллаб-кувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларига кафолат бериш;

-жамиятни ривожлантиришга, айниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши;

-хукуқ ва бурчларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиягининг бирлиги.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан ёшларнинг хукуқий онги ҳамда хукуқий маданияти даражасига боғлиkdir. Юксак хукуқий

маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гурухларнинг жисплашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинганди.

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида мамлакатда аҳолининг барча қатламлари ва, айниқса ёшларнинг, ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизими яратилди. ЎзР Президенти ҳузуридаги амалдаги қонуичиликнинг мониторинги институти, ЎзР Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқалар шулар жамласидандир.

Бундан ташқари, 2008 йил “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида”ги ЎзР Президенти қарорида ёшларининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустахкамлаш, амалдаги қонун ва

меърий-хукуқий хужжатларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш вазифалари белгилланган.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида интеллектуал салоҳият, ақл-идрок ва тафаккур, замонавий фикрлаш, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бундай шароитда фақатгина чинакам маънавиятли-маърифатли, хукуқий билимлари кенг, маданиятли кишилар жамиятимизда рўй берадиган салбий жараёнларга бефарқ бўлмайдилар, давлатимиз келажагини қуришга бор кучларини сафарбар этадилар.

Шунинг учун ҳам ёшлар тарбияси масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Ўзбекистонда ёшлар ҳаракатини янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2001 йил 30 майда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш тўғрисида” ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2006 йил 10 октябрда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги ЎзР Президенти қарори эълон қилинди.

Ёшларнинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилевчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир. Ёшларга диор давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида ёшларни сиёсий қарорларни қабул килишга жалб этиш жараёнлари фаоллашиб борди. Бугунги кунда ёшларимиз электоратнинг муҳим кисми бўлиб ҳисобланиб, улар жамият тараққиёти учун муҳим бўлган сиёсий дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фаол

ищтирок қилмоқдалар. Бугунги кунда ЎзР “Фидокорлар” МДП - 42%, ЎзЛиДЕП – 40%, “Миллий тикланиш” ДП – 39%, ХДП ва “Адолат” СДП – 30% ёшлар ташкил этади. Ҳар бир партия тизимида “Ёшлар қаноти” мавжуд.

2005 йилда Нодавлат ташкилотлари Миллий Ассициацияси (НАННОУз) ташкил топди.. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли жамғармалар, 5 мингдаг ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ёшлар ҳаракатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқдалар. 2003 йил 1 июлда «Истеъдод» жамғармаси, 2004 йил май ойида эса “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” ташкил этилди. Республикада иктидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб қувватлаш мақсадида “Нихол”, “Зулфия” мукофоти танловлари, “Янги авлод”, «Келажак овози», «Навқирон Узбекистон» республика Фестиваллари ўтказилмоқда.

Ёшлар орасида спортни тарғиб қилиш мақсадида 2004 йил 1 январдан бошлаб Узтелерадиокомпанияда «Спорт» телеканали ўз фаолиятини бошлади. Республикада 2,8 минг спорт секциялари очилган бўлиб, уларда 85 мингдан ортиқ ёшлар қатнашмоқда. Республикада «Умид нихоллари», «Баркамол овлод», “Универсида” спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни, ёш оиласларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг жамоат уюшмалари ва уларнинг корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг фуқаро сифатидаги ташаббускорлигини рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатиш мақсадларида ёшлар давлат-жамоат ижтимоий хизмати амал қиласди. 2007 йил 18 майда “Ёш оиласларни моддий ва маънавий

кўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ЎзР Президенти Фармони эълон қилинди. Ҳозирги кунга қадар “Камолот” ёш ижтимоий ҳаракати тизимлари кўмагида республика бўйича тезкор маълумотларга кўра: Ипотека кредити 2150 та ёш оиласа 1818,1 млн.сўм, Истеъмол сармоя кредити 2.282 та ёш оиласа 1.079,7 млн.сўм, Микрокредит (тадбиркорлик бўйича) 3.037 та ёш тадбиркорларга 2.501,8 млн.сўм маблаглар тижорат банклари томонидан ажратилган.

Маълумки, таълим-тарбияда миллий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўрин тутадиган бўлди. Ватанга, ота-онага содиклик ва фидойиллик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Булар заминида ёшларга оиласа, таълим масканларида, маҳаллаларда бериладиган таълим-тарбия ётади. Оиласа сингдирилган тарбия, Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро хурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг мустақиллиги, дунёқараши, хулқатвори, одоби, ахлоқи, турли миллат вакилларига бўлган муносабати ва хурмати, маданий-маънавий қадриятларга бўлган кизиқиши ва муҳтожлиги, буларнинг ҳаммаси оиласа шаклланади.

Ёшлиарнинг касб танлаши, иш жойларига эга бўлиши ишлаб чиқаришнинг инстенсив равишда ривожланиши ва юксак технологик тақомиллашуви жараённида фаол иштирок этиши кўп жиҳатдан таълим тизимининг сифат даражасига боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурлари доирасида ўтган давр мобайнида 1.200 дан зиёд академик лицей ва касб-хунар

колледжи, 4.600 дан ортиқ умумтаълим мактаби янгидан бунёд этилди.

Таълим соҳасида хорижий ташкилотлар иштирокида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси кўмагида 15,0 млн. АҚШ долларга мўлжалланган «Мактаб таълимни ривожлантириш», Корея Республикаси хукумати томонидан “ЎзР мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳаси учун 30 млн.АҚШ доллари хажмдаги имтиезли кредит ажратилган, Белгия Қироллиги хукумати томонидан 4 млн.евро миқдоридаги «Кичик бизнес учун кадрларни тайёрлашга кумаклашиш» лойиҳасини амалга оширишга фоизсиз кредит ажратилган. Республикада Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисод академиясининг, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.М.Губкин номидаги Нефть ва газ Россия давлат университетлари, Халқаро Вестминстер университети филиаллари очилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Токио ва Сарбонна университетлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Барча таълим муассасаларида ахборот ресурс марказлар ташкил этилган, республикада «ZiyoNET» тармоги барпо этилган. Таълим тизимидағи ислоҳотларнинг асосий мақсади юқори малакали рақобатбаордош ёш кадрларни тайёрлашга қаратилган. Мамлакатимизнинг замонавий давлатга айланишида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга кўйиш, ёшларни илм-фан, илғор маданият, техника ва технология ютуқлари асосида тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Чунки тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, техникавий билимлар ва мураккаб технологияларни

эгаллаган, иродаси бақувват, имони бутун, ижодий фикрлайдиган, юксак салоҳиятли одамлар ҳал қилади.

Маърузамнинг охирида эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчи эдим. Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамҷамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида турли мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга киришган. Замонавий техника ва технологияларнинг шиддат . билан ривожланаётганлигини ҳисобга олсак, мамлакатимизга бегона қарашлар, Фарбнинг оммавий маданияти, менталитетимизга мутлако тӯғри келмайдиган стереотиплар, яшаш тарзи ҳам кириб келаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Глобаллашув жараёнида диний экстремизм, ҳалқаро терроризм, наркобизнес каби омилларнинг ёшлар онги, қалби, маънавий дунёсига таҳди迪 кун сайин ортиб бормоқда. Интернет тармоғида деярли барча радикал ислом ташқиilotларининг сайтлари бор. Масалан, Толибон ҳаракати, ислом нажот фронти, Ислом гурухи (Ал-Жамоа ал-исломия), Ислом озодлик партияси (Ҳизбут-тахрир ал-исломия), Муҳожирлар (Ал Муҳожирун), Яхудийлар ва хочпастларга қарши кураш ҳалқаро ислом фронти ана шулар жумласидандир. Сайтларнинг аксарият кўпчилиги жиҳод ғояларини, Фарбга қарши ҳамда ислом мамлакатларидағи исломдан чекинганликда айбланаётган ҳукмрон тузумларга қарши кураш ғояларини тарқатмоқда. Бонкача айтганда, улар орқали виртуал жиҳод эълон килинган.

Бундай таъсирларнинг олдини олиш, ёшларимиз онгининг заҳарланишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Маънавий ва

мафкуравий таҳдид объект ҳамда субъектнинг ижтимоий ўзаро таъсири оқибатида вужудга келади ҳамда маданий ва ижтимоий асосларнинг ягона ижтимоий турдаги тўқнашуви асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавиятни химоялаш ҳамда зид, бегона, бекарорлаштирувчи ғоялардан химояланиш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фикримизча, маънавий хавфсизлик масаласи инсон борлиғининг ижтимоий хавфсизлиги масаласи билан биргаликда кўрилиши лозим. Маънавий хавфсизлик концепцияси эса инсон хукуқларининг концепцияси билан боғлиқ ҳолда кўрилиши керак. Алоҳида ва хусусий характерга эга бўлган мафкуравий, маънавий таҳдид ва тажовузларнинг олдини олиш нафақат зарур, балки уни амалга ошириш ҳам мумкин. Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш - давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, келажакка ишонч билан қадам қўйиш, янги демократик давлат фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим шартлардан биридир. Ёшларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш уларда она-юргига муҳаббат туйғуларини, уни химоя қилиш, авайлаб-асрашга қаратилган интилишларини кучайтиришга ёрдам беради. Миллий жихатдан ўзлигини англаган инсонгина давлати олдида турган асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, халқ олдидаги масъулиятини чукур англайди. Ёшларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш - уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгиловчи омил вазифасини ўтайди.

## ХУЛОСА

Жамият ривожланишида ва юксалишида маънавий-гоявий тараккиётнинг аҳамияти бекиёсдир ва у, энг аввало, фуқароларнинг дунёқараши, онги, тафаккури, савияси, маданияти, маънавиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жамиятимиз янгиланиш жараёнларини бошидан кечираётган хозирги пайтда ҳар бир ёшнинг ақлий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, тафаккурлаш маданиятини юксалтириш ва янада ривожлантириш катта аҳамият қасб этмоқда. Мазкур вазифани бажаришда ёш авлодимизни шарқона ахлоқ-одоб меъёрлари, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавиятни шакллантириш керак. Маънавиятнинг шаклланиши қонуний, диалектик жараён бўлиб, жамият маънавий-гоявий ривожланишининг зарурӣ шартидир.

Инсон камолотининг юксалиши ҳаётимизнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошка соҳаларида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларнинг қонуний оқибатидир. Бундан яққол кўриниб турибдики, инсон камолотининг ривожланиши ва юксалиши кишиларнинг бунёдкорлик фаолияти, уларнинг ақлзаковати, фидокорона меҳнати билан бевосита боғлиқдир.

Республикамиз буюк давлат сари сабитқадамлик билан ривожланиб бораётган хозирги пайтда одамларнинг тафаккури ва ҳаётга бўлган муносабати ўзгармокда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ортиб бормокда. Кишиларимиз онгода демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Бу Йиллар давомида

биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ – бу аҳоли фаоллигининг ошаётгани, ҳаётимизни ислоҳ этиш ва йиғилаш зарурлигига, мамлакатимизнинг келажагига бўлган қатъий ишончидир.

Ислом Каримов таъриф этган маънавий баркамол, етук кишиларгина Ўзбекистоннинг бугунги ва келажакдаги ҳаётини таъминлайди. Мустақиллик ўзининг кенг ва салмоқли инсоний таянчига эга бўлмас экан, у мустаҳкамланмайди ҳам, ривожланмайди ҳам. Жамиятимизнинг инсоний таянчини алоҳида кишилар ёки уларнинг механик йиғиндиси эмас, балки ўз мақсадларини, ўз манфаатларини чукур англаган, уларни давлат ва давр талаблари билан уйғунлаштира оладиган турли ижтимоий табақалар, гурухлар, синфлар ташкил этади.

Мамлакатимизда турли хил мулкчилик шаклларининг карор топиши жараёнида ижтимоий табақаланишининг ўсиши кучаймокда. Аммо бундай табақаланиш жамиятни мағкуравий ёки сиёсий жиҳатдан бўлиб юбормаслиги керак. Бунинг учун биринчидан, умуммиллий манфаатларга хизмат қилувчи ғоя зарур, иккинчидан эса, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги жамият учун қарама-қаршиликлар манбаига эмас, балки муаммолар ечимини топиш манбаига, янги ташаббуслар, илғор ғоялар, умуман жамият янгиланишининг маънавий манбаига айланиши лозим. Бунинг учун мағкуравий плюрализм ҳукуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб, жамиятда одат тусига кириши, кенг маънода жамият тафаккурининг услубига айланиши лозим.

Жамиятнинг маънавий-гоявий ривожланиши қонуний жараён бўлиб, у жамият тараққиётининг муайян босқичини белгилайди,

уни событқадамлик билан амалга ошириш учун кишиларни бирлаштиради ва фаоллигини оширишга турткы беради. Мънавиятни юксалтириш, бойитиш – миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Бу масалага муайян гурухнинг, синфнинг манфаатларидан, дунёқарашидан ва мағкурасидан келиб чиқиб ёндашиш мумкин эмас. Шу боис, давлатимизнинг таълим-тарбия ва маданий-маърифий сиёсати асосида ҳар бир фуқарода юксак мънавий эҳтиёжларни шакллантириш ва ўстириш муҳим устувор аҳамият касб этмоқда.

Мънавий-гоявий ривожланишнинг асосий моддий омилларини жамият иқтисодий соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар ташкил қиласиди. Иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши, давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўпукладли иқтисод асосларини шакллантириш, хусусий секторнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги улушини кўпайтириш каби масалаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, шакланаётган ана шундай муҳитда ҳар бири кишининг боқимандачилик кайфиятларини енгиш ва улардан бутунлай воз кечиши, янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш ва кўллаб - кувватлаши, кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнларни ёшлар ижтимоий - сиёсий фаоллигини кучайтириш билан бир қаторда амалга ошириш мақсадга мувоғиқ иш бўлар эди.

Мазкур масалаларни оқилона ҳал қилиш учун фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ҳам ўстириш

зарур. Шаклланаётган янги ижтимоий- иқтисодий мухитда ўз фаолиятини түғри ташкил этиш ва самарали меҳнат қилиш учун улар, энг аввало, юкори даражадаги хукукий савия ва билимларга эга бўлишлари керак.

Жамият маънавий-маданий тараққиётининг заминини кишиларнинг айниқса, ёшларнинг дунёкараши ва тафаккури, уларни безовта қилаётган ва қизиқтираётган масалалар ташкил этади. Ана шу замин, асос бакувват бўлиши учун ёшларимизни ёвуз кучлар ва турли бегона таъсирлардан химоя қилишимиз керак. Бу соҳада ечимини кутаётган муаммоларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ана шундай таъсирлар остида қоладиган кишиларни иқтисодий начор оиласаларга ёки таваккал гурухларга (ичкиликбозлик, хукукбузарлик, гиёхвандлик, фоҳишабозлик) мансуб бўлган кишилар ташкил этади. Мазкур муаммоларни оқилона ҳал этиш учун, назаримизда, энг аввало, жамиятнинг иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш, иқтисодий қийинчиликлар, камчиликларни тез суръатларда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, ёшлар орасида ишсизлик масалаларини ҳал қилиш, янги меҳнат жойларини ташкил этиш керак.

Маънавий-гоявий тараққиёт жамиятдаги миллий муносабатларни ривожлантиришда, мамлакатимизда барқарорлик, тинчликни саклаб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади. Ёшларимизда миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш,

миллий ғуурнинг ўсиши демократик ўзгаришларнинг қонуният оқибатидир. Бу қонуниятнинг изчиллик билан амалга оширилишида давлатимиз томонидан турли миллат вакилларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва миллий муносабатларини оқилона ҳал қилиш сиёсати алоҳида ўрин тутади.

Миллий ғуурнинг шакллана бориши ўз-ўзини англаш орқали намоён бўлади. Ўзлигини билиш маънавий-ахлоқий масъулиятнинг зарурӣ шартидир. Миллий маънавиятни тиклаш жараёни, аввало, тарихий хотирани тиклаш, шу орқали миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғуур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Миллий ғуур, ватанпарварлик туйғуси кишини фаол амалий қадамлар босишга даъват этади, лекин бундай фаолиятнинг қандай йўналтирилиши ва тус олиши унинг қанчалик маънавий-ахлоқий тамойилларни ўзи учун дастурамал қилиб олганига боғлиқдир. Муайян тамойилларга амал қилиш эса инсонда юксак ва қатъий масъулиятни талаб этади.

Маънавият ёшлар онги ва дунёқарашини шакллантиришга ҳамда такомиллаштиришга катта ижобий таъсир кўрсатадиган омилдир. Маънавий жиҳатдан ўсган ва улғайган шахсгина ўзини жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай жараёнларнинг фаол иштирокчиси эканлигини ҳис этади. Бу эса ёшларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги иштирокининг ўсиб боришига олиб келади. Фикримизча, ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштироқи, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги мамлакатимиз бошдан кечираётган ўтиш жараёнининг долзарб муаммоларидан биридир.

Бугунги кунда жамиятдаги иқтисодий ўсиш билан бозор ислоҳотларининг жадаллашиши ўртасида ижобий мувозанат шаклланаётганлиги кузатилмоқда. Таълим олиш ва иш билан таъминланиш имконияти ёшларнинг соғлом турмуш тарзига, ҳукуқбузарлик сонининг камайишига олиб келиши табиийдир. Шунинг учун ҳам ёшлар ҳолатини янада яхшилаш, жамиятимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида уларга янги авлод, муҳим инсоний ресурс ҳамда ислоҳотларни амалга оширишда катталарнинг фаол ҳамкори сифатида қараш муҳим аҳамият касб этади.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	5
Ёшлар фаоллигининг ортиб бориши – ижтимоий тараққиёт қонуни сифатида.....	7
Ёшлар маънавиятини ривожлантиришнинг иктисодий асослари.....	23
Ёш авлод маънавиятини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг ўрни.....	55
Ёшлар маънавиятини ривожлантиришнинг хукукий жиҳатлари.....	78
Ёш авлод маънавиятини тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни.....	99
Миллий истиқлол мафкураси - ёшлар тарбиясининг гоявий асоси.....	122
Ёшларни салбий мафкуравий таҳдидлардан химоя қилиш масалалари.....	136
Маънавий баркамол ёшларни табиялаш – мамлакат тараққиётининг асосий омили.....	164
Хуолоса.....	172

Босишга рухсат этилди 9.03.2009йил. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 11,25. Нашр босма табоги 12,37  
Тираж 100. Буюртма № 40.  
«Ч.П. Мальцева» босмахонасида чоп этилди.